

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**КАРШИ МУХАНДИСЛИК – ИКТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**«ТАДБИРКОРЛИК АСОСЛАРИ»**

(Маърузалар матнларининг туплами)

**Карши шаҳри - 2004 йил.**

**Тузувчи:**

**и.ф.н. доц. Ш.Ш.Файзиева**

**Такризчилар:**

**ТДИУ “Микроиктисодиёт ва агробизнес”  
кафедраси мудири, профессор Б.Т.Салимов**

**Иктисод фанлари номзоди, И.Э.Турсунов**

Маърузалар матнлари туплами “Иктисодиёт” ва “Менежмент” таълим йуналишидаги бакалаврлар учун мулжалланган бўлиб, унда ушбу фан бўйича таълим стандартлари ва намунавий дастурда кўзда тутилган барча маърузаларнинг асосий мазмунини ёритилган.

Ушбу маърузалар матни “Иктисодиёт ва менежмент” кафедрасида (2004 йил \_\_\_\_ № \_\_\_\_ мажлис баёни) ва «Иктисодиёт» факультети услубий комиссиясида (2004 йил \_\_\_\_ № \_\_\_\_ мажлис баёни) қуриб чиқилган ва маъқулланган.

Маърузалар матни туплами КМИИ нинг услубий кенгаши (2004 йил \_\_\_\_ № \_\_\_\_ мажлис баёни) томонидан уқув жараёнида фойдаланишга тавсия этилган.

### Аннотация

Ушбу маъруза матнида тадбиркорликни ривожлантиришнинг, ташкилий, ҳукукий асослари атрофлича қуриб чиқилган. Кичик бизнес соҳасида ҳужалик субъектларини ташкилий жихатдан тугри расмийлаштириш, бизнес режа ишлаб чиқиш тартиби, лойихавий таҳлил концепцияси ва услублари шунингдек инвестицион лойихаларни урганишда экспертиза қилиш йул йуриқлари батафсил баён этилган.

Тадбиркорликни молиявий томонларга, тадбиркорлик фаолиятида менежмент масалаларига катта урин берилган.

Ушбу маърузалар матни иктисодиёт ва менежмент таълим йуналишида таълим олаётган талабалар учун мулжалланган.

### Аннотация

В тексте лекций полностью охвачено развитие предпринимательства, его организационные и юридические основы, полностью изложено в сфере малого бизнеса пути изучения и экспертиза инвестиционных проектов, а также их методу, концепция проектного анализа, правильное оформление с организационной точки зрения хозяйственных субъектов.

Главное внимание уделено финансовой стороне предпринимательства, а также финансовым задачам в сфере предпринимательской деятельности.

Это текст лекции предназначен для студентов экономического факультета по направлениям экономики и менеджмента.

### Annotation

Organizational legal bases of developing lectures the of entrepreneurship is widely coincided in this collection of lectures. Correctly driving up the documents about the form individuals from the organizational side in a small business, the order of working out a business plan, designing analyze conceptions and methods, teaching direction instructions for exporting in design investment plans are also completely shown here.

Financial aspects of entrapped entrepreneurship, management problems in the entrepreneurship actions activity are also greatly confided.

This legal bases of developing lectures premeditated for students of economic fakulty and for students studing in economic and management direction.

“Тадбиркорлик асослари” фанининг соатлар буйича таксимланиши

| №  | Маъруза матнларининг номи                                                | Соат |
|----|--------------------------------------------------------------------------|------|
|    | Кириш                                                                    |      |
| 1  | Тадбиркорлик фанининг предмети ва вазифалари                             | 2    |
| 2  | Тадбиркорликнинг ташкилий шакллари, ривожланиши ва асосий қоидалари.     | 2    |
| 3  | Тадбиркорликнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари.                              | 2    |
| 4  | Тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши.               | 2    |
| 5  | Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг асосий босқичлари.               | 2    |
| 6  | Тадбиркорлик тузилмаларининг ташкилий асослари.                          | 2    |
| 7  | Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш              | 2    |
| 8  | Биржа ва брокерлик фирмаларининг моҳияти ва ишлаш тартиби                | 2    |
| 9  | Агросаноат мажмуи тармоқларида тижорат ва уни ривожлантириш истикболлари | 2    |
| 10 | Тадбиркорлик фаолиятида бизнес режа.                                     | 2    |
| 11 | Акционерлик жамиятларининг ташкил қилиниши ва уларнинг моҳияти           | 2    |
| 12 | Тадбиркорликни молиялаш ва кредит билан таъминлаш хусусиятлари.          | 2    |
| 13 | Тадбиркорликда инвестицияларнинг лойиҳавий таҳлили.                      | 2    |
| 14 | Кичик бизнесда банкротлик.                                               | 2    |
| 15 | Тадбиркорлик фаолиятида этика ва унинг аҳамияти.                         | 2    |
| 16 | Тадбиркорликда меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш.                         | 2    |
| 17 | Тадбиркорлик фаолиятида менежмент.                                       | 2    |
| 18 | Тадбиркорлик фаолиятини кадрлар билан таъминлаш.                         | 2    |
|    | Жами:                                                                    | 36   |

## К И Р И Ш

Бозор муносабатларини жамият микёсида шаклланиб бориши мулкни хусусийлаштириш, халқ хужалигида куп укладли иктисодни яратишни, ишлаб чиқаришни бозор талабига биноан қайтадан ташкил этиш, иктисодиётда бошқаришни иктисодий усуллар ёрдамида олиб бориш, аҳолини турли туман товарларга ва хизматларга булган талабини кондиритиш, кичик корхоналарни юзага келиши нодавлат секторни ривожлантириш заминида юз беради.

Жахондаги ривожланган мамлакатларда халқ хужалигининг барча тармоқларида кичик тадбиркорлик корхоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш орқали иктисодий юксалиш илдам кадамлар билан амалга ошди. Дунё тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, кичик тадбиркорлик корхоналари, урта ва йирик корхоналарга нисбатан бозор талабига қисқа муддат ичида мослаша олади, меҳнатни ташкил этиш, янги техникани ва технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиб ундан самарали фойдаланиш кичик корхоналарда бошқаларга нисбатан тезда руёбга чиқади. Иктисодиётда кичик тадбиркорлик корхоналарини фаолият курсатиб ишлаши йирик корхоналарни айрим харажатлардан холос этиб, куп холларда йирик корхоналарда кулланиладиган янги техника ва технология кичик корхоналарда кулланиладиган янги техника ва технология кичик корхоналарда кулланилиши купрок самара беради. Шу мақсадда тадбиркорлик фаолиятини хар томонлама ривожлантириб бориш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун кичик корхоналарни бозор иктисодиёти шароитидаги урни, уни турли мулкчилик муносабатлари шаклланган жамиятдаги роли кичик бизнес корхоналарини турлари ҳуқуқий ва иктисодий, молиявий омиллар, ташки иктисодий экспорт-импорт операциялари олиб боришдаги аҳамияти назарий жихатдан урганилиши ва кичик корхоналар тугрисидаги таъминот бозор талаби тугрисидаги таъминот бозор талабидан келиб чиққан холда амалиётда кулланилиши зарурдир.

Бозор талаби турли мулкчилик корхоналари фаолиятини рақобат кураши асосида ривожланишини. Хар бир мулк эгасини уз корхонасида хужалик юритишни, замонавий бошқариш усулларини куллаган холда олиб боришни, янги техникадан фойдаланиш, замонавий технологияни ишлаб чиқаришга жорий эта бориб. Ишловчиларни маоақа даражасини юксалтириб, меҳнат бозоридан юкори профессионал мутахассисни ёллашга давлат ва жамият замин хозирлаши объектив заруриятга айлана боради.

Ушбу маърузалар матнида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишидаги айрим масалалар тугрисидаги фикрлар баён қилинади.

## 1 – Мавзу: Тадбиркорлик фанининг предмети ва вазифалари.

### Р е ж а :

- 1.1. Ўзбекистон Республикасида бозор иктисодиётига утишнинг асосий йуналишлари.
- 1.2. Бизнес хақида тушунча, унинг турлари ва тутган урни.
- 1.3. Тадбиркорлик тугрисида тушунча ва унинг ахамияти.
- 1.4. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.
- 1.5. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари.

Адабиётлар: 2, 7, 8, 9, 12, 16, 39, 41

### Таянч иборалар:

Бозор, бизнес, тадбиркорлик, хусусий мулк, кредит, кризис, ишсизлик, хусусий тадбиркорлик, аралаш тадбиркорлик, кушма тадбиркорлик, шартномавий тадбиркорлик.

#### 1.1 Ўзбекистон Республикасида бозор иктисодиётига утишнинг асосий йуналишлари.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил мустақилликка эришгандан кейин уз иктисодиётини ривожлантиришнинг бозор иктисодиётига мос келадиган йулини танлаб олди. Ўзбекистон Республикасининг бозор иктисодиётига утишдаги дастлабки йилларида Президентимиз томонидан бозор иктисодиётига утишнинг асосий йуналишлари ишлаб чиқилди ва уларни амалга ошириш билан иш бошланди. Ишлаб чиқилган жаҳон мавқеида катта ахамиятга эга бўлиб, бозор иктисодиёти шароитида барча тармоқларни ривожлантиришга кенг йул очиб берди. бу йуналишнинг негизида давлатнинг бош ислохотчи эканилиги, қонунинг устиворлиги, ҳамда қучли ижтимоий сиёсат намоеън бўлди. Бирок, иктисодий ислохотлар давомида бажарилиши керак бўлган вазифалар ҳали анчагина.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.а.Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иктисодиётига утишдаги 5 та тамойил қуйидагилардан иборатдир.

1. Давлат бош ислохотчи
2. Иктисодиётдан сиёсатнинг устунлиги
3. Қонунинг устиворлиги
4. Қучли ижтимоий ҳимоялаш
5. Бозор иктисодиётига босқичма-босқич утиш

Бозор иктисодиётига утиш, объектив заруриятдир. Фақат шу йул билангина иктисодий муаммоларни ҳал қилиш илгор техника ва технологияга ҳамда самарали ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

Бозор иктисодиётига, утиш биздан илгор индустриал давлатлар тажрибасидан фойдаланишни талаб этади. Лекин ҳеч қандай тажрибани

кур-курона, маҳаллий шароитнинг узига хос хусусиятни ҳисобга олмасдан жорий қилиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига утиш зарурияти қандай пайдо бўлади?

Иқтисодиётнинг ута марказлашуви маъмурий бўйруқбозлик тизими узини оқламади. Иттифок даврида мамлакат оғир инкирозга юз тута бошлади. Дунёда қудратли техника инкилоби давом этди. Мамлакатмизда эса иқтисодиётни бошқаришдаги маъмурий –бўйруқбозлик усули билан инсон қамолотига ташаббусига омилкорлик курсаткичига ундайдиган жиддий шароитлар йўқ бўлган муҳитга тушиб қолишди.

## 1.2. Бизнес ҳақида тушунча, унинг турлари ва тутган урни.

Яшаб турганимиз ҳозирги давр узғаришлар давридир. «Бизнес», «Тадбиркорлик», «Тижорат» сузларини яқиндагина ҳам мутахассислардан ташқари амалда ҳеч қим тилга олмас эди. «Хусусий мулк» тушунчасидан одамлар худди балодан қурққандек қурқишар эди. Кризислар, рақобат, ишсизлик деган нарсалар асосан капиталистик тузумга характерли категориялар деб ҳисобланади. Социалистик лагерга қирмайдиган мамлакатларнинг тажрибаси ва қулга қиритган ютуқлари туғрисида умуман лом-мим дейилмас, дейилмаса ҳам танқидий нуқтаи назардан туриб ва жуда эҳтиёткорлик билан гапирилар эди. «Қишиларнинг уз манфаатлари жамият (давлат) манфаатларидан кейин туриши керак» деган тамойил одамлар қулогига мактаб ёшидан бошлаб қуйиб борилар эди.

1980-йилларнинг охирилари ва 1990 – йилларнинг бошлари қўпгина мамлакатлар ва аввало собиқ социалистик лагер мамлакатларнинг ҳаётида, айтиш мумкинки, авваллари ҳеч қим қўринмаган узғаришларни бошлаб берди.

Ғарбдаги қўпгина мамлакатлар, ҳозир эса Шарқдаги бир қанча мамлакатлар ҳам тадбиркорлар ва бизнесни, бозор иқтисодиётини йўлга қўйганликлари туфайли иқтисодиёт ва техникада улкан муваффақиятларни қулга қиритганини шу мамлакатларнинг тажрибаси қўрсатиб турибди.

Ўзбекистон ҳам муқтакиликка эришгандан кейин уз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ана шундай йўлини танлаб олди.

Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётга утишнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган асосий йўналишлар ва уларни амалга ошириш билан иш бошлади. Ишлаб чиқилган бу йўналиш жаҳон миқёсида қатта аҳамиятга эга бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида барча тармоқларни ривожлантиришга қенг йўл очиб берди. Бу йўналишнинг негизида давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, қўнуннинг устиворлиги, ҳамда қўчли ижтимоий сиёсат намоён бўлди. Бироқ иқтисодий ислохотлар давомида бажарилиши керак бўлган вазифалар ҳали анчагина.

Утган икки аср давомида тадбиркорлик илми ва амалиёти бир қадар жадаллашган тарихга, тажрибага бой даврни босиб утди. Рақобатни тобора қенг қўллашда ва мазмунда таъминлашда бўлган талаб фирмалар истикболини белгилаб фирмалар қамомиллашган, самарали режалаштириш услўбларини вужудга қелишига сабаб бўлди. Албатта қамонавий бизнес

узининг дастлабки илк боскичидаги вазифалардан ва маъсулиятдан кескин фаркланади. Бинобарин, стратегияни белгилашда ва аниклашда фирманинг уз олдида куйган максадлари, вазифалари, маъсулиятини тугри англаш лозим.

### 1.3. Тадбиркорлик тугрисида тушунча ва унинг ахамияти.

Тадабиркорлик бозор иктисодиёти шароитида яратувчанлик оркали даромад топишни англатади. Хар кандай мулк эгаси тадабиркорлик фаолияти билан шугулланиш хукукига эгадир. Тадабиркорлик фаолиятининг ахамияти шундаки, бозор шароитида кишиларнинг эhtiёжини кондиритишга хизмат килади. Бунда асосан ишлаб чиқариш ёки хизмат курсатиш кузда тутилади.

Тадабиркорлик фаолияти ва уни турли даврлардаги ривожини истикболи ва стратегиясини белгилашда фирмалар олдида турли вазифаларни куйди, хусусан, АКШда тадабиркорлик фаолиятини ривожини беш узаро фаркланувчан масалага ёндошитишни енгиллаштиради:

1. Техникавий илк курулланиш даври. 1820-1900 йилларни уз ичига олган ушбу даврда барча саноат сохаларида революцион узгаришлар, янги техник воситаларига асосланган ишлаб чиқариш бунёдга келди. Хусусан пулат эритиш, пахта тозалаш, тукумачилик, автомобилсозлик сохаларида юкори техник жихатдан курулланган янги турдаги ва шаклдаги ишлаб чиқариш вужудга келди.

2. Оммавий ишлаб чиқариш даври. 1900 йилдан бошлаб асримизнинг 30-йилларини уз ичига олади. Бу даврда тадабиркорлик фаолиятининг асосий йуналиши оммавий ишлаб чиқаришни тобора самарали шаклда барпо этишга ва махсулот таннархини камайтириб бориш борасидаги уринишлар билан ифодаланади. Ушбу даврда конвейр услубидаги ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил этишга булган эътибор янада кучайди ва у асосий муваффакият гарови сифатида белгиланди. Давлат томонидан ракобатни таъминлашнинг илк тадабирлари ишлаб чиқилди.

3. Оммавий ахборотлар даври. Асримизнинг 30 йилларидан то 50 йилларигача давом этиб, у тадабиркорлик фаолиятида асосий эътиборни ишлаб чиқаришдан бозор талаблари, тайинли харидор эhtiёжлари сари йуналтиришни талаб этди. Асосий вазифа уз вақтида шаклланган талабни сеза билиш ва уни кондиритиш буйича ишлаб чиқаришни ташкил этишдан иборат булди. Айнан шу даврда илк маркетинг назарияси амалиёти курур топди.

4. Юкори индустриаллашган давр. 50 йилдан то 70 йилларнинг урталаригача булган муудатни уз ичига олади. Бу даврда тадабиркорлик фаолияти ривожланиш сохалари, даражасини кенгайтириш билан ажратиб туради. ишлаб чиқаришнинг таркибий тизимини ташкил этиш, технологик омилларни асосий ракобатчилик кураш воситасига айланиши ушбу даврга хос булган хусусиятдир. Фирмани бошқаришга ташки ва ички мухит, талабларини купрок инобатга олиш, ишлаб чиқаришни давомий техник кайта куруллантириш каби вазифаларга купрок эътибор курадилди.



Тармокдаги технология, талаб ва бозор шароитларига мослашиш учун самарали стратегияни танлаш ва амалга ошириш зарурияти амалий жихатдан илк бор вужудга келди.

5. Замонавий тадбиркорлик даври. 70 йилларнинг урталаридан бошлаб вужудга келаётган янги узгаришлар жараёнини уз ичига олади. Бизнес кенг куламда халқаро тус олди ва бу интернационализация жараёни сифатида шаклланди. Фирма бошқарувида, унинг келгуси равақлари белгиланганда муқобил ривожланиш соҳалари бўйича ҳам чора-тадбирларни амалга оширишнинг диверсификация сиёсатининг қуриниши сифатида амалиётда урин танлай бошлади. Тадбиркорликка бўлган жамиятнинг талаблари, ижтимоий маъсулияти мезонларининг етакчи аҳамиятга эга бўлиб бориши уз навбатида стратегик режалаштиришнинг янги услублари ва жихатларининг яратилишини талаб этди.

Бозор иқтисодиётига утиш, объектив заруриятдир. Фақат шу йул билангина иқтисодий муоммаларни ҳал қилиш илгор техника ва технологияга ҳамда самарали ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига, утиш биздан илгор индустриал давлатлар тажрибасидан фойдаланишни талаб этади. Лекин ҳеч қандай тажрибани қур қуруна, маҳаллий шароитнинг узига ҳос хусусиятини ҳисобга олмасдан жорий қилиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига утиш зарурияти қандай пайдо бўлди? Иқтисодиётнинг ута марказлашуви маъмурий бўйруқбозлик тизими узини оқламади. Иттифок даврида мамлакат оғир инкирозга юз тутта бошлади. Дунёда қудратли техника инқилоби давом этди. Мамлакатимизда эса иқтисодиётни бошқаришдаги маъмурий-бўйруқбозлик усули билан фан техника таракқиёти рад этиладиган ҳолатга тушиб қолади. Бунинг устига инсон қамолотида ташаббусига омилкорлик қурсатқичига ундайдиган жиддий шароитлар йук бўлган муҳитга тушиб қолишди.

### **(Интернетдан) Тадбиркор – эл - юртга мадақор.UzReport.com**

Бозор иқтисоди тизимлари айирбошлаш ёрдамида моддий бойлик ишлаб чиқаради. Умуман олганда, ўз манфаатларини қўзловчи оқил инсонлар, савдо-сотик уларни янада бойроқ қилишга ишонч қосил қилган қолда мол-маъсулот ва хизмат турларини савдо муомаласига қиритади.

Икки томон ўзаро алмашиувга рози бўлганда, шар бири ўзи эришаётган нарсани бировга бераётган нарсадан авзал қуради. Шунга қараб, томонлардан шар бири янада бойроқ бўлишга қуз тикади. Агарда бозор муқамал тарзда ишлай олганда, мунтазам айирбошлаш шар бир нарсани уни энг юқори қадлаган томонга ўтқазиб шу тариқа бойлик орттириш ва узаро мамнуният қисларини юзага келтириш керак бўлади.

Давлат қурилмалари иқтисод тизимларидан фарқли улароқ, бозор иқтисодлари, хусусий шахсларнинг беҳисоб қарорлари ва саъй шаракатларига болиқ бўлади. Харидорлар ва сотувчиларнинг қарорлари нарх наволарини белгиланган ва ишлаб чиқарувчиларга маъсулот чиқариш ҳажмини улчан туфайли эҳтиёж ва таклиф мезонларини урнатади. бу жаъранда шуқуматимизнинг кенг миқёсли аралашуви, уринсиз

исрофгарчилиги, паст сифат, махсулотнинг таомилдан чиқиши ва оммавий иқтисодий қарахтликка келтиради. Устига – устак мазкур тизимлар, ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган шахсни онгли иштирок этиш туй\усидан махрум этиши мумкин. Тижорий шукуқнинг салмоқли қисми юқорида таърифи берилган бозор алмашуви тузилмасининг фаолиятини таъминлаш ва щимоялаш учун мухайёдир.

#### 1.4. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари.

Тадбиркорлик мулкчилик субъектларининг моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар курсатиш ҳамда фойда, даромад олишга қаратилган амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан фаолият курсатишдир.

Тадбиркорлик билан шугулланишдан асосий мақсад фойда олишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тадбиркор уз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб режага солади, керакли ва сотиб олувчилар учун зарур бўлган махсулотларнинг ишлаб чиқаришга, харид қилишга, рақобатлашувда фаол қатнашишга ҳаракат қилади.

Бозор шароитида тадбиркор уз фаолиятини узи мустақил танлайди, белгилайди, режалаштиради ва уюштиради. Унинг фаолияти бошқалар томонидан режалаштирилмайди. Тадбиркор ишлаб чиқарилаётган махсулотга, бажарилаётган ишга, курсатилаётган хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истикболларини узи шахсан белгилайди. Бундай вазифани бекаму қуст амалга ошириш ундан барча ҳолатда юқори малакали қобилият ва фаол ташаббус курсатиш талаб этади.

Тадбиркорлик ривожланган җамиятда мулк эгалари қупайиши мол-мулкни талон-тарож қилгандан қура, уни авайлаш ва қупайтириш иқтисодий җихатдан ҳамма учун маъқул бўлади.

Тадбиркорлик деганда унинг утишидаги қупол ёввойи шакллари эмас, балки қамонавий турлари, яъни маданиялашган шакллари ҳақида гап кетади. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тугрисида»ги қонунда тадбиркорлик шакллари ҳақида фикр қуритилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- яққа тартибдаги фаолият;
- ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик;
- бир гуруҳ фуқаролар ва қуридик шахслар томонидан амалга ошириладиган җамоа тадбирқорлиги ёки хамқорликдаги тадбирқорлик.

Мазкур шарҳланаётган моддалар тадбирқорликни асосан уч ҳилдаги шаклларда амалга оширишнинг тартибини белгилайди. Қонун тадбирқорлик фаолияти субъектларига қенг имқониятлар яратиш мақсадида фуқаролар ва қуридик шахсларнинг узларига мақбул бўлган шаклларда тадбирқорлик бўйича иқтисодий фаолиятни амалга оширишларини назарда тутди.

Қонунда белгиланган тадбирқорлик шаклларининг узига ҳос ҳусусияти бўлиб, иқтисодий фаолият қургизишда меҳнатни ташқил қилишга, яққа

тартибдаги, ёлланма меҳнатни жалб этиш асосидаги, бир гуруҳ булиб ёки ҳамкорликдаги тадбиркорлик шакллари уз ичига камраб олади.

#### 1.5. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йуналишлари.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йуналишларидан куйидагиларни айтиб утишимиз мумкин.

1. тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчилар учун мақсадли кредитлар бериш (хар хил муддатларга).

2. ишлаб чиқаришни етарли ресурслар билан таъминлаш.

3. ишлаб чиқариш технологияси ва асбоб-ускуналарни етказилишига ёрдам бериш.

4. тадбиркорлик ҳуқуқлари ва билим савияларини чуқур урганиш ва ошириб бориш учун кадрларни қайта тайёрлашни ташкил этиш.

5. чет эл тажрибаларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратиб бериш.

#### Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Тадбиркорлик билан бизнесни фарқини айтинг.
2. Тадбиркорликни қандай турлари мавжуд?
3. Тадбиркорлик қандай тамойилларга асосланади?
4. Ўзбекистонда тадбиркорлик тарихи тугрисида нималар биласиз?
5. Хусусий тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
6. Жамоа тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
7. Аралаш тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
8. Қўшма тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
9. Шартномавий тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
10. Тадбиркорликда ишбилармонлик қандай амалга оширилади?

#### 2-Мавзу: Тадбиркорликнинг ташкилий шакллари, ривожланиши ва асосий қоидалари.

##### Р е ж а :

- 2.1. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий моҳияти.
- 2.2. Тадбиркорликнинг аҳамияти.
- 2.3. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг асосий шакллари ва уларнинг вазифалари.
- 2.4. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги асосий шарт-шароитлар.
- 2.5. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги айрим муаммолари.

Адабиётлар: 2, 8, 9, 10, 12, 13, 16, 47.

## Таянч иборалар:

Ракобат, монопол ракобат, олигапол ракобат, сорлик, тугридан тугри солик, эгри солик, меҳнат шартномалари, консалтинг, венчур, концерн, концорциум, картел, синдикат.

### 2.1. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий моҳияти.

Тадабиркорликнинг мулкчилик субъектларининг моллар ишлаб чиқариш в хизматлар курсатиш ҳамда фойда ёки даромад олишга каратилган амаллардаги конунлар доирасида ташаббус билан фаолият курсатишдир.

Ўзбекистон Республикасида тадабиркорлик:

- Тадабиркорнинг шахсий мол-мулки асосида;
- Тадабиркорнинг бошка жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан ажнабий жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкларининг турли шаклларда жалб этиш асосида;
- Тадабиркорнинг давлат ва жамоат ташкилотлари мол-мулкларидан фойдаланиш асосида;

Юкорида кайд этилган шаклларни кушиб олиб бориш асосида амалга оширилади.

Тадабиркорликнинг фаолияти мулкдор томонидан ҳам, шунингдек унинг мол-мулкани идора килувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тадабиркорлик билан шугулланишдан асосий мақсад фойда олишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тадабиркор уз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб режага салади, керакли ва сотиб олувчилар учун зарур булган махсулотларни ишлаб чиқаришга, харид килишга, ракобатлашувда фаол катнашишга харакат килади.

Тадабиркорлик уз фаолиятини юргизиш натижасида олган умумий даражадан маълум кисмини соликлар ва бошка туловлар учун ажратади. Туловларни тулашдан колган тадабиркор ихтиёридаги даромад соф фойда сифатида тула тукис унинг тасарруфига утади. Соф фойдадан кайси мақсадда фойдаланишни тадабиркор узи мустакил равишда хал килади.

Таваккалчилик яъни таваккал килиб фаолият юргизиш тадабиркорга хос хусусиятдир. Тадабиркор бозор хакидаги маълумотлардан, ахборотлардан доимо хабардор булиб туриши, зарур булган такдирда уз фаолиятига тезда узгартириш киритиши ва бозор талабларига ортикча харакатсиз мослашиб олиши зарур. Акс холда у ракобатга бардош беролмаслиги ва синиши мумкин. Тадабиркорнинг синиши бошкаларнинг айби туфайли ҳам содир булиши мумкин, масалан бошкалар тадабиркор учун зарур булган хом-ашёни уз вактида етказиб бермаса ёки етказиб берилган хом-ашё фойдаланиш учун яроксиз булса(ёки бошкача сабабларга кура). Бундай холларда тадабиркор ундириб олиш учун даъво кузгатиши мумкин. Лекин зарарни ундиришдан олинган даромад хужалик фаолиятини самарали юритиш учун етарли булмаслиги мумкин.

Юкоридаги ходисалар ҳисобга олинган ҳолда тадбиркор таваккал қилиб фаолият юритади. Таваккалчиликнинг асосий қуринишларидан бири яна шундан иборатки, агарда тадбиркорнинг мол-мулки баъзи бир табиий офат, ёки бошқа олдини олиш мумкин бўлмаган ходисалар туфайли нобуд бўлса, унинг учун ҳеч ким жавобгар эмас тадбиркор унга етказилган зарарни фақат сугурта суммаси миқдорида (агар мол-мулки сугурта қилинган бўлса) ундириб олиш имкониятига эга бўлади;

## 2.2. Тадбиркорликнинг аҳамияти.

Тадбиркорлик мулкӣ жавобгарликка асосланган. Барча тадбиркорлар узаро муносабатларда тенг ҳуқуқлидир. Шундай экан, бундай муносабатлар шартномалар тузиш йули билан расмийлаштирилади. Шартномани бажармаслик ёки унинг бузилиши натижасида зарар етказилган тақдирда, ушбу зарарни ундириш ҳақидаги талаб қуйилиши ва шунингдек даъво қузғатилиши мумкин. Бундай талаб ёки даъво мулк характериға эға, чунки у шартномани бузган тадбиркорнинг мулкидан етказилган зарарни ундиришға қаратилгандир. Шартнома бузилган тақдирда, тадбиркорнинг мажбурияти ва қарзи учун фақат унинг узи жавобгар бўлиши мумкин. Ушбу жавобгарлик унинг мол-мулкиға нисбатан қаратилган бўлади. Тадбиркорлик – бу ташаббускорлик демақдир. Агар тадбиркор иқтисодий фаолиятда ташаббус қурсата олмаса, у уз олдиға қуйган мақсадға эриша олмайди, рақобатға бардош бера олмайди ва натижада синиши муқаррар.

Бозор шароитида тадбиркор уз фаолиятини узи мустақил танлайди, белгилайди, режалаштиради ва уюштиради. Унинг фаолияти бошқалар томонидан режалаштирилмайди. Тадбиркор ишлаб чиқараётган маҳсулотға, бажарилаётган ишға, қурсатилаётган хизматға бўлган талабларни ҳисобға олиб, тараккиёт истикболларини узи шахсан белгилайди. Бундай вазифани беками қуст амалға ошириш ундан барча ҳолатда юкори малакали ва фаол ташаббус қурсатишни талаб этади.

Тадбиркор уз фаолияти бўйича ташаббус қурсатишда ушбу қонун-қоидаларға амал қилиш зарур. Шунинг билан бирға ҳар бир тадбиркорлик ташкилотни (ширқати) уз устави ёки Низомномаси доирасида уз фаолиятини юргизади. Тадбиркорға хоҳлаган ҳужалиқ фаолиятни юргизишда ташаббус қурсатиш учун эркинлик берилган, лекин бундай эркинликдан қонун билан тақиқланмаган барча ҳолатларда фойдаланиш мумкин.

Тадбиркорлик ривожланган ҷамиятда мулк эғалари қупайғанидан мол-мулкни талон-тарож қилгандан қура, уни авайлаш ва қупайтириш иқтисодий ҷихатдан ҳамма учун маъқул бўлади.

Тадбиркорликнинг муҳим белгилари ёки амал қилиш принциплари қуйидағича:

1. Мулкӣ муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш, ишлаб чиқариш омиллариининг барчасиға ёки баъзи бириға ва яратилган товарларға эғалиқ қилиш.

2. Иктисодий эркинлик, хужалик фаолияти турини танлаш, уни ресурслар билан таъминлаш, олди-сотди ишларини юритиш ишлаб чиқаришни бошқаришда эркинлик.

3. Иктисодий хатти-харакатлар учун маъсулиятни уз зиммасига олиш, иш натижасига жавоб бериш, таваккаллик қилиб иш юрита олиш иктисодий хатарли ишга кул уриш.

4. Фойда олишга интилиш; фойдага эришиш чора-тадбирларини куриш, олган фойдасини уз билганича ишлатиш.

5. Тижорат сирига эга булиш; бизнесга оид ва узгаларга ошкор этмайдиган маълумотларни сир тутиш.

6. Ракобат курашида катнашиш; бозорда амал килувчи коидаларга риоя этган холда халол ракобатда катнашиб, унинг гирром, ёввойи усулларидан воз кечиш.

7. Халоллик билан иш юритиш, каллоблик, гирромлик ва алдамчиликка мойил булмаслик обру (илинж)га эга булиш, бошқаларга ишониш ва бошқалар ишончини козониб эътибор орттириш, фирма номини эъзозлаб, унга путур етказмаслик, фирмани обрусизлантирмаслик.

### 2.3. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг асосий шакллари ва уларнинг вазифалари.

Тадбиркорлик деганда унинг утмишдаги купол ёввойи шакллари эмас, балки замонавий турлари, яъни маданийлашган шакллари хакида гап кетади. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тугрисида»ги Конунида тадбиркорлик шакллари хакида фикр юритилган. Улар кууидагилардан иборат:

- якка тартибдаги фаолият;
- ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган тадбиркорлик;
- бир гурух фукаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги ёки хамкорликдаги тадбиркорлик;

Мазкур шархланаётган беш модда тадбиркорликни асосан уч хилдаги шаклларда амалга оширишнинг тартибини белгилайди. Конун тадбиркорлик фаолиятини субъектларига кенг имкониятлар яратиш максатида фукаролар ва юридик шахсларнинг узларича макбул булган шаклларда тадбиркорлик буйича иктисодий фаолиятни амалга оширишларини назарда тутди.

Конунда белгиланган тадбиркорлик шаклларининг узига хос хусусияти булиб иктисодий фаолият юритишда меҳнатни ташкил қилишга, якка тартибдаги, ялланма меҳнатни жалб этиш асосидаги, бир гурух булиб ёки хамкорликдаги тадбиркорлик шакллари уз ичига камраб олади.

Тадбиркорлик шаклини якка тартибдаги фаолият асосида амалга ошириш деганда, мулкчилик субъектининг узи мустакил тарзда иктисодий фаолиятнинг у ёки бу тури буйича тадбиркорлик билан шугулланишни тушунилади. Бу шаклда тадбиркорликни амалга оширишда субъект сифатида



факат фукаролар катнашади. Фукароларнинг якка тартибдаги меҳнатига асосланган тадбиркорлик шакли ҳам куп кулланишлиги учун уларга ҳар томонлама ёрдам курсатиш айниқса муҳимдир.

Якка тартибдаги меҳнат фаолияти хусусий тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, фукаролар бундай фаолият билан юридик шахс мақомига олмадан шугулланадилар. Бундай тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш учун туман, шаҳар ва шаҳардаги туман ҳокимиятлари томонидан рухсатнома берилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабридаги қабул қилинган тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олинганлик учун ундириладиган йигим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тугрисидаги Қонунга қура Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларида таққланмаган тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагини билдирган жисмоний шахслар юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан утганларида рўйхатга олинганлик учун ундириладиган йигим тулайдилар. Рўйхатга олганлик учун ундириладиган йигим ставкасининг энг юқори миқдори, шунингдек йигим бўйича имтиёзлар бериладиган туловчиларнинг тоифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бунда йигим ставкасининг энг юқори миқдори республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

Айрим туловчилар учун йигим ставкасининг аниқ миқдорлари давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари томонидан белгиланади. Қоидага қура, йигим суммалари тадбиркор рўйхатга олинган жойдаги тегишли бюджетга утказилади.

Республикада кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожига учун берилган инвестиция заём шаклида купрок Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида, Қашқадарё ва Қорапалпоғистон Республикасида 74 фоизни ташкил этиб, бу умумий заём суммасини 83 фоиздан иборат. Тошкент шаҳрида бир йилда берилган битта энг катта кредит суммаси 5620 минг сумни, Самарқандда 4500 ми нг сумни, Андижонда 4467 минг сумни ташкил этди, хусусийлаштириш бошлангандан бери заём олган фуқаролари уртача суммаси 3266 минг сумни, жумладан 1995 йилнинг тугкиз ойига 3965 минг сумга етди.

Маркетинг тизими ёрдамида бу жараён таҳлил этилганда хусусийлаштиришдан келган маблағ тармоқлар бўйича 1995 йили «Маҳаллий саноат» бўйича 28 фоиз, Узоқтўрижаторг бўйича 22 фоиз, «Ўзбексавдо», «Ўзавтотранс» ва бошқа соҳалар ҳаммаси бўлиб 209433 минг сумлик заёмга эга бўлдилар. Бир заёмнинг умумий суммаси 3126 минг сумни ташкил этди. Албатта бу жараёнига ушиб бориши ижобий натижаларга олиб келади. Республикада кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига турли ташкилотлар ва ақолининг пул маблағларини йуналтириш яхши самара бериши утган йиллар тажрибасидан маълум.

Бизнинг республикада ҳам акционерлик жамиятини ва акцияларни сотиб олувчиларни сонини купайтириб бориши билан бирга кичик ва

хусусий тадбиркорликни ривожланиши орасида узаро боғланиш мавжуд. кичик ва хусусий тадбиркорлар фаолиятида доимо маблагга эҳтиёж сезилади, бу маблаг аввало аҳолида турли усуллар билан йиғиб олиш орқали тадбиркорлар уз фаолиятини кенгайтириш учун инвестицияга эга буладилар. Бу инвестиция ҳисобидан ҳам тадбиркорлар ҳам инвесторлар фойдага эга бўлиб, узларини моддий аҳволларини, яшаш шароитларини яхшилашга, оила аъзоларини фаравонлигини оширишга мушарраф бўлиб, жамиятнинг иқтисодий юксалишга, жамиятни ҳар бир аъзоси фаол иштирок этаётганлигини калбдан ҳис эта бошлайди.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни таҳлил этиб, шандай ҳулосага келдики, бунинг учун қуйидаги муаммоларни ҳал этиш кичик ва хусусий тадбиркорликни юксалдишни таъминлайди:

1. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига қаролот берадиган ҳуқуқи иқтисодий имкониятларни кенгайтириб бориши зарур;

2. Давлатнинг ташаббуси билан кичик ва хусусий тадбиркорликни инвестициялашни хорижда тажрибадан утган замонавий усулларини ҳаётга тадбиқ этиш;

3. Кичик ва хусусий тадбиркорликни солиқларни тулаш бўйича, ҳам ашё сотиб олиш, ишлаб чиқарилган товарларни сотишга дастлаб давлат ёрдам бериши ва имтиёзларни кенгайтириш лозим;

4. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ахборотлар билан таъминлаш, янги техника ва технологияга эга бўлишда дастлаб давлат йули билан ёрдам бериш;

5. Бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиққан ҳолда кичик ва хусусий тадбиркорликни замонавий мутахассислар билан таъминлаш ва ишловчиларни малакаларини оширишга ҳам давлат ёрдам бериши керак.

## 2.4. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги асосий шарт-шароитлар.

Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатларида рухсат этилган тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагини билдирган жисмоний шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ана шу шахснинг доимий истикомат жойидаги тегишли туман, шаҳар, шаҳардаги туман ҳокимлиги томонидан амалга оширилади. Рўйхатга олиш жисмоний шахс ариза берган вақтдан эътиборан 15 кундан кечиктирмай амалга ошириши лозим. Жисмоний шахс рўйхатга олинганлик учун ўндириладиган йиғимни тулаганлиги тугрисидаги, ҳужжатни тақдим этганидан кейин унга аризада қўрилган муддатга гувоҳнома берилади. Жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ва уларга гувоҳнома беришнинг белгиланган муддатини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар Қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар буладилар. Рўйхатга олинганлик учун ўндириладиган йиғим банк муассасаси ёки аҳолидан солиқ ва йиғим туловлари қабул қилиб олувчи бошқа муассасалар орқали туланади. Рўйхатга олинганлик учун туланган йиғим суммаси қайтарилмайди.



Конунга кура жисмоний шахс тадбиркор сифатида руйхатга олинганлиги тугрисидаги гувоҳнома уч нусхада расмийлаштирилади. Унинг бир нусхаси тадбиркор руйхатга олинган жойдаги солик органига юборилади. Жисмоний шахсга давлат руйхатга олинганлик тугрисида берилган гувоҳнома биринчидан, гувоҳнома муддат утгандан кейин, иккинчидан тадбиркор гувоҳнома берган ҳокимликка тадбиркорлик фаолиятини тухтатганлиги тугрисида ариза берган вақтдан бошлаб, учинчидан, тулик ширкат катнашчилари таркибидан чиққан тақдирда, туртинчидан, Конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда 15 кунлик муддат ичида қайтарилиши лозим.

Тулик ҳужалик ширкати руйхатга олинган вақтда ёки бундай ширкат кирган чоғда жисмоний шахсга-ана шундай ширкатнинг аъзосига белгиланган тартибда давлат руйхатига олинганлик тугрисида гувоҳнома берилади. Бунда руйхатга олинганлик учун йигим ундирилмайди.

Жисмоний шахслар, шу жумладан тулик ҳужалик ширкати катнашчилари тадбиркорни руйхатга олганлик тугрисидаги гувоҳномада курсатилган фаолият турларигина амалга оширишлари мумкин. Давлат руйхатидан утганлик тугрисидаги гувоҳномалар солик органларининг ва Конун ҳужжатлари билан белгилаб қуйиладиган бошқа органларнинг мансабдор шахслари ўз вазифаларини амалга ошириш чоғида талаб қилганларида курсатилади.

Давлат руйхатидан утказилганлик ҳамда юридик шахс макomini олмасдан аҳолига енгил автомобилда транспорт хизматлари курсатиш, сураткашлик, қурилиш, фуқароларга тегишли уйлар ва бошқа биноларни таъмирлаш ва ободонлаштириш, фуқаролар утказаётган туйлар, тантаналар ва бошқа тадбирлар чоғида артистлик ва мусикий хизмат курсатиш, мулкни (бинолар, уйлар, хоналар ва автомобиллардан ташқари) ижарага бериш, аквариумда боқиладиган баликларни қупайтириш каби тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш ҳукуки борлиги тугрисидаги гувоҳнома фуқаролар белгаланган микдордаги даромад солигини тулаганларидан кейин берилади. Даромад солигини аниқ микдорини туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туман ҳокимиятлари белгилайди. Ҳукукий қоидалар яққа тартибдаги меҳнат фаолияти асосида ҳамда айрим фуқаролар томонидан ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида амалга ошириладиган хусусий тадбиркорлик, шунингдек бир гуруҳ фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги шакллари ривожлантиришга актив ёрдам бериш лозим. Шу мақсадда, қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 26 феввалидаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида «Хусусий тадбиркорлик тугриси»даги Низом муҳим аҳамиятга эгадир.

Хусусий тадбиркорлик-бу амалдаги қонунлар доирасидаги ташаббусли ҳужалик фаолияти бўлиб, бу фаолиятини фуқаролар (алоҳида фуқаро) шахсий даромад (қойда) олиш мақсадида таваққал қилиб мулкый жавобгарлигини ўз зиммасига олиб ишлатиш учун одам ёллаб амалга оширади.

Хусусий тадбиркорлик юридик шахс макomini олмасдан шугулладиган якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини хам уз ичига олади. Хусусий тадбиркорликнинг мулки давлат, кооператив ёки бошка корхона мулкнинг хаммаси ёхуд бир кисми фукарога утказилган ёки у уз шахсий жамгармалари ва банкдан олинган карзлар хисобига бу мулкни сотиб олган ижарадаги мулкнинг хакини тулик тулаган ёки уни конунда кузда тутилган бошка йулар билан сотиб олган холда тадбиркорнинг уз мулки асосида, шунингдек тадбиркор юкорида айтилган усулларни уйгунлаштириб, давлатга ва жамоат ташкилотларига тегишли мулкдан фойдаланиш асосида вужудга келади.

Тадбиркор фукараларнинг хусусий мулкига асосланган корхона Узбекистон Республикасида «тадбиркорлик тугриси»даги ва «Корхоналар тугрисида»ги Конунларга Узбекистон Республикасининг бошка конун хужжатларига ва юкорида кайд килинган Низомга амал килиб ишловчи хусусий корхона хисобланади.

Хусусий корхоналар юридик шахс хисобланади, уз мустакил балансига, мухрига ва хисоб ракамига эга булади. Узи жойлашган ердаги туман, шахар ва шахардаги туман хокимиятида давлат руйхатидан утказилган кундан бошлаб юридик шахс макomini олади. Юридик шахс макomini олмасдан фаолият юритиш истагини билдирган тадбиркор уз турар жойидаги туман, шахар ва шахарлардаги туман хокимиятига ариза беради. Хусусий корхоналар уз филиалларига, тармок корхоналарига ва ваколотномаларига эга булиши мумкин. Хусусий корхонани давлат руйхатидан утказиш Узбекистон Республикаси худудида жойлашган корхоналарни давлат руйхатидан утказиш тугрисидаги Низом асосида амалга оширилади. Туман шахар ва шахарлардаги туман хокимиятларида давлат руйхатидан утказиш учун тадбиркорнинг аризаси ва корхона устави топширилади. коидага кура хусусий корхона ариза ва зарур хужжатлар топширилган вақтдан бошлаб ун кун ичида руйхатга олиниши ёки руйхатга олишдан асосли равишда бош тортилиши керак. Агар корхона белгиланган муддатда давлат руйхатидан утказилмаса ёхуд тадбиркор руйхатдан утказмаслик сабабларини асосиз деб хисобласа, у судга мурожаат килиши мумкин.

Хусусий корхоналар билан ходимларни ёзма равишда узаро тузадиган хамда томонларнинг хукук, мажбуриятлари баён этилган меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишга ёллайди. Меҳнат шартномаси куйидаги маълумотларни уз ичига олади. Малака ёки муайян мутахассислик, лавозим буйича вазифаларни бажариш мажбурияти:

- шартнома амал киладиган муддати;
- меҳнат шартномалари ва иш хаки, ижтимоий ва тиббий сугурта ижтимоий таъминот таркиби;
- ходимнинг ижтимоий жихатдан химояланиши;
- меҳнат шартномасини бузганлик учун жавобгарлик;
- томон розилиги билан белгиланадиган бошка маълумотлар.

- хусусий корхоналар (жумладан унинг филиаллари, тармок корхоналари, ваколотлари)да шартнома асосида ёлланиб ишловчилар сони куйдаги курсаткичлардан ошмаслиги керак;

- Саноат ва курулишда-200 кишигача;
- Ишлаб чиқариш соҳаларининг бошқа тармокларида-150 кишигача;
- Ноишлаб чиқариш тармокларида 25 кишигача;
- Чакана савдода-15 кишигача;

Тадбиркорликни турли шаклларидаги фаолиятини тухтатиш ҳам конун асосида амалга оширилиши лозим. Хусусий корхонани тадбиркорликнинг бир шакли сифатида тугатиш мулк эгасининг қарори билан ёки суд муассасаларининг қорхона ташкил этиш тугрисидаги ҳужжатларини ноқонуний деб тоғғач, қорхона қасодга учрағач, Ўзбекистон Қонунларига зид фаолият олиб борган ҳолларда суд (ҳужалиқ суди) қарорига биноан амалга оширилади. Хусусий қорхона давлат руйхати қайдномасидан учирилган вақтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади. Тугатилган хусусий қорхона маблағларини бюджет ва ташкилотлардан олинган, ходимларга берилмай қолган қарзлар белгиланган тартибда туланганидан кейин қолган қисми қорхона эгалариники ҳисобланади.

Бир гуруҳ фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлигининг узиға ҳос хусусияти шундан иборатки, улар узларига мақбул бўлган мулкчилик шаклларда жамоаларга бирлашади. Жамоаларга бирлашган фуқаролар жамоа қорхоналарини ташкил қилиш орқали тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадilar. Бу ҳилдаги тадбиркорлик шаклини амалга ошириш факатгина фуқароларнинг мулки асосида иқтисодий фаолият юргизишга асосланади.

Жамоа тадбиркорлигининг афзаллик томони, унга бирлашган фуқаролар фаолиятининг асоси факат бир мақсадга қаратилган бўлиб, фойда олишни жамоа асосида ташкил қилишдан иборатдир. Қонунга асосан бир гуруҳ фуқаролар жамоа тадбиркорлиги асосида қичик қорхоналарни ташкил қилиши мумкин. Фуқаролар мулкига асосланган қичик қорхоналарни ташкил этиш, руйхатдан утқизиш, фаолиятни олиб бориш ва тугатилишига доир ҳуқуқий ҳолатлар юқорида баён қилганимиздек, Ўзбекистон Республикасида «Хусусий тадбиркорлик тугрисида»ги Низомда, республиканинг бошқа Қонун ҳужжатларида белгиланган. Агарда юқорида қайд этилган тадбиркорлик шаклларида фуқаролар яққа тартибда ялланма меҳнатни жалб этиб ёки бир гуруҳ бўлиб жамоа тадбиркорлигига бирлашиб фаолият юргизсалар, ҳамқорликдаги тадбиркорлик шаклида эса улар мустақил юридик шахслар билан узаро ҳамқорликда иқтисодий фаолият юргизадilar.

**(Интернетдан) Новое пособие для узбекистанских предпринимателей. UzReport.com**

“Директория” номли қулланма Ўзбекистон Республикасининг товар ишлаб чиқарувчилар палатасининг шозирги қундаги маълумотлари шақида ахборот беради.

Ушбу кулланма шалқаро меҳнат ташкилоти ва Ўзбекистон Республикасининг товар ишлаб чиқарувчилар палатаси шамкорлигида яратилган.

+улланма чоп этилишида меҳнат вазирлиги ва аҳолини ижтимоий щимоя қилиш маркази шамда Тошкент бозор янгиликларини ривожлантириш маркази шам иштирок этишган.

“Директория” кулланмаси мащаллий тадбиркорларни молиялаштириш ва су\урта, лицензиялаш, солиққа тортиш ва қонун йули билан тартибга солиш масалаларида қизиқтирган саволларига жавоб топишга ёрам беради.

## 2.5. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги айрим муаммолари.

Тадбиркорлик юзага чиқиши учун жамиятда иктисодий эркинлик булиши шарт, яъни чекланмаган бозор, эркин нарх-нова, кредит инновацияси, экспорт-импорт эркинлиги талаб килинади. Тадбиркорлик фаолияти одатда, муомала соҳасидан, савдо-сотикдан бошлаб, дастлаб шу ерда ривож топади.

Ўзбекистонда тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатлар «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тугрисида» ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- қонун билан таъкикланмайдиган ҳар қандай тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорнинг узига тегишли булмаган мол-мулкидан фойдаланиш эркинлиги;

- тадбиркорнинг ҳужалик фаолиятини юритишдаги ва фаолият маҳсулини таксимлашдаги мустакиллиги;

- тадбиркорларнинг барча турдаги ишлаб-чиқариш ҳужалик фаолиятини юритишда мулк шаклларида катъий назар, қонун олдида тенг ҳуқуқлиги;

- тадбиркорликни амалга ошириш ва ходимлар ёллашнинг ихтиёрийлиги;

- даромад олишнинг манбалари ва усуллари қандай қуринишдан катъий назар солиқ идоралари ҳузурида ҳисоб беришнинг асослов (декоратив) шакли, тадбиркорларнинг даромадларининг яшириб қолганлик (пасайтириб қурсатганлик) учун Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосланган моддий жавобгарлик. Ўзбекистонда тадбиркорликни қуйидаги ривожлантириб бориш мақсадида қабул қилинадиган қонунларга қура бу фаолиятни қуллаб-қуватлаш учун республикада ва барча вилоятларда тадбиркорлик палатаси, бизнес фонд ва мадад сугурта жамғармаларининг бўлинмалари ташкил этилган. Буларнинг асосий мақсади тадбиркорликни ривожлантириш булиб, вазифаси эса тадбиркорлик фаолиятини қуллаб - қуватлашдир. Ҳозирги кунда тадбиркорликни ривожлантириш учун берилаётган кредит ва имқониятлар барча тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчилар учун етарли эмаслиги асосий муаммолардан ҳисобланади.

Бу муаммоларни хал килиш эса юқоридаги ташкилотлардан маъсулият талаб этади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий уйналишларидан қуйидагиларни айтиб ўтишимиз мумкин.

1-тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчилар учун мақсадли кредит бериш (ҳар хил муддатларда).

2-ишлаб чиқаришни етарли ресурслар билан таъминлаш.

3-ишлаб чиқариш технологияси ва асбоб ускуналарни етказишга ёрдам бериш.

4-тадбиркорлик ҳуқуқ ва билим савияларини чуқур урганиш ва ошириб бориш учун кадрларни қайта тайёрлашни ташкил этиш.

5-чет эл тажрибаларидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар яратиб бериш.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтишда қўп ислохотлар ишлаб чиқилди. Шундан тадбиркорлик фаолияти ҳам бозор иқтисодиёти шароитида ривожлантирилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини ривожланишига ҳисса қўшаётган инсонлардан бир қисми бу тадбиркорлардир.

### Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Тадбиркорлик муносабатларини тартибга солувчи қандай қонунларни биласиз?

2. Тадбиркорлик тугрисидаги қонун неча ва қандай моддаларни ўз ичига олади?

3. Хужалик юритувчи субъектларга лицензия бериш тартиби қандай?

4. Қайси ҳолда қорхона ташкилий жихатдан расмийлаштирилган деб ҳисобланади?

5. Тадбиркорлик қандай ҳуқуқларга эга?

6. Тадбиркорликнинг мажбуриятлари нимадан иборат?

7. Қимларга тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш тақиқланади?

8. Қандай ҳолларда тадбиркорлик фаолияти суд орқали тухтатилади?

9. Тадбиркорлик макомини олиш шартлари.

10. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш учун қандай ислохотлар олиб борилмоқда?

3 - Мавзу: Тадбиркорликнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари.

#### Р е ж а :

3.1. Ҳуқуқий тадбиркорлик тугрисида тушунча.

3.2. Кичик қорхоналар ва уларнинг аҳамияти.

3.3. Шерикчилик ва жамоа кичик қорхоналари.

- 3.4. Хиссдорлик жамияти. Очик ва ёпик турдаги хиссдорлик жамияти.  
3.5. Фирмалар, корпорациялар.

Адабиётлар: 1,2, 3, 7, 8, 10, 12, 47.

### Таянч иборалар:

Фирма, корпарация, лицензия, хиссдорлик жамияти, бозор конъюктураси, очик хиссдорлик жамияти, ёпик хиссдорлик жамияти.

#### 3.1. Хукукий тадбиркорлик тугрисида тушунча.

Кичик бизнесда тадбиркорликни ташкил килишнинг энг оддий шакли бу якка хусусий тадбиркорликдир.

Хусусий тадбиркорлик – хужалик юритишнинг шундай ташкилий - хукукий шаклики, унда мулк эгаси битта шахс ёки оила булади ва фаолиятдан келган даромадни (соликлар туланганидан кейин) ҳаммасига эгалик килади, колаверса бизнесдаги хавф-хатар ва таваккалчилик учун якка узи жавоб беради.

У икки хил куринишда ташкил килиниши мумкин.

1-Индивидуал – яъни корхона ташкил килмасдан.

2-Хусусий корхона – яъни юридик шахс ташкил килган холда.

Хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари:

1-Ишни ташкил килишдаги оддийлик, тула мустакиллик, харакатдаги эркинлик ва тезкорлик.

2-Ишга кизиктирувчи сабабларнинг куплиги, чунки барча фойда факат мулкнинг ёлгиз эгасига келиб тушади ва у купрок ишлашга рағбатлантиради, иш устидан керакли назорат урнатиш, эхтиётлик билан карор кабул килиш ва иш куламини янада кенгайтиришга интилади.

3-Ишдаги махфийлик сакланади. Баъзи бир бизнес турларида махсус услуб, йулар технологиялар тадбиркорлик фаолиятининг асосий бойлигини ташкил килади. Хусусий тадбиркорлик махфийликни саклашга имкон яратади.

4-Хусусий тадбиркорликда унинг ташкилий хукукий шаклини узгартириш нисбатан енгил кечади. (Масалан, маъсулияти чекланган жамиятлар тузиш).

Хусусий тадбиркорликнинг камчиликлари:

1-Заиф молиявий пойдеворга эгалиги. Бу катта микдордаги капиталларни жалб килишдаги кийинчиликларга сабаб булади.

2-Хужалик фаолиятида хавф-хатар ва таваккалчилик юкори даражада булганлиги сабабли фаолият давомийлигини ноаниклиги.

3-Барча хужалик фаолияти учун чекланмаган жавобгарликнинг хукм суриши.



4-Якка хужалик мулкининг мулкни бошқа шахсга (масалан: бошқа оила аъзоларига) беришда нокулайлиги, ихчам эмаслиги.

5-Мулк эгасининг меҳнатга нолойик булиб қолиши ёки ишдан четланиши ҳоллари юз берганда якка хужалик мулки таркибини саклаб қолиш мушкуллиги.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ниятида ишбилармонлар мол-мулки, касб ёки капиталларини қушиб бирлашадилар.

### 3.2. Кичик корхоналар ва уларнинг аҳамияти.

Дунё амалиётида ҳозирги давргача катта ва кичик корхоналарни ажратиб берувчи ягона мезон ўрнатилмаган, ҳозирги вақтда уларда бири-биридан ажратувчи алоҳида белгиларини аниклаш корхоналарнинг муҳим соҳалар бўйича умумлашма белгилари катогорини (руйхатини) бунёд этиш орқали амалга оширилмоқда. Бу белгилар туркумига: мулк шакли, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бошқариш, молиявий таъминот, маҳсулот сотиш, ишчи ходимлар таркиби, сони ва ва бошқалар қиради. Аммо корхоналар қуламини аниқлашда қўл улчовли усулни қўллаш қўллаб қийинчиликларни вужудга келтиради, чунки у ҳар хил йўналишдаги кўрсаткичларнинг биргалитқдаги, умумий ўлчовини аниқлашни талаб қилади. Маълум бир кўрсаткичини ишлатиш эса, масалан, ишловчилар сони, маҳсулот сажми, корхонанинг ўлчамини аниқ топишга имкон яратади, аммо шундай бўлса-да, корхона тўғрисида жуда оз маълумот беради.

Узларининг фаолияти мақсади бўйича кичик корхоналар катталаридан фарқ қилмайдилар. Аммо, амалиёт шуни курсатадики, унча катта бўлмаган корхоналар жамиятда муҳим ижтимоий-иқтисодий роль ўйнасалар ҳам, улар бозор шароитида чидамли эмаслар. Шунинг учун, кичик корхоналар, давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтождир. Ушбу ҳолни ҳисобга олиб, барча давлатлар кичик корхоналарни катталаридан ажратиш ва уларни қонуний ҳужжатлар воситасида банкрот бўлишдан ҳимоя қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига кўра кичик корхоналар уларда ишловчилар сонига қараб ажратилади. Унга биноан, кичик корхоналар туркумига, одатда, қуйидаги янги бунёд этилаётган ва амалдаги корхоналар қирадилар:

- саноатда ва қурилишда – нафаргача;
- фан ва илмий хизматда - 10 нафаргача;
- қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида –25 нафаргача;
- ноишлаб чиқариш соҳасида – 10 нафаргача;
- чакана савдо – 5 нафаргача ишчиси бўлган корхоналар.

Шунингдек, қонун, индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ва ширкат (ўртоқлик)ги бирлашиб ишловчи жисмоний шахсларни ҳам кичик бизнес субъектлари қаторига қиритган.

Кичики корхоналар қуйидагилар томонидан бунёд этилиши мумкин:



- фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва бошқа биргаликда меҳнат фаолиятини олиб боровчи шахслар;
- давлат, ижара жамоалари, қўшма корхоналар, кооперативлар, хиссадорлик жамиятлари, хўжалик жамоалари, ширкатчилар ва бошқа юридик шахс ҳисобланувчи корхона ва ташкилотлар;
- давлат мулкани бошқариш шуқуқига эга давлат идоралари;
- белгиланган идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва шахслар ҳамкорликда;
- амалдаги ишлаб турган корхона, бирлашма таркибидан, ишловчи жамоа ташаббуси билан, битта ёки бир неча таркибий бўлинма ёки таркибий бирликларни корхона мулки эгасининг розилиги ва корхонанинг илгари қабул қилинган шартномавий мажбуриятларининг бажирилишини таъминлаш шarti билан ажратиб олиш натижасида.

Бунда кичик корхонанинг таъсисчиси ушбу корхона ҳисобланади.

Кичик корхона бунёд этилиши учун қуйидагилар зарур;

1. Кичик корхонани асослайдиган мулк шаклини аниқлаш;
2. Таъсисчини танлаш, агар кичи корхона маълум мулк эгасининг мулки асосида бунёд этиладиган бўлса, унинг розилигини олиш;
3. Таъсис ҳужжатларини тайёрлаш;
4. Кичик корхона жамоасининг унда янги корхона бунёд этиш ва таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш юзасидан мажлисини ўтказиш;
5. Кичик корхонани маҳаллий давлат идораларининг рўйхатидан ўтказиш.

### 3.3. Шерикчилик ва жамоа кичик корхоналари.

Кичик корхоналар орасида қўшма корхоналар алоҳида ўрин топади. +ўшма корхоналар – бу икки ёки ундан ортиқ юридик шахс, яъни, корхоналар мулкани қўшиш йўли билан ташкил қилинган корхоналардир. Аммо, амалиётда хўжалик субъектларининг хорижий шериклар билан биргаликда ташкил қилаётган корхоналаргина қўшма корхона деб айтилмоқда. бу корхоналар мамлакатимизга ил\ор хорижий технология, бошқарув тажрибаси ва қўшимча молиявий ресурсларни (инвестицияни) олиб киради ва экспортни кўпайтириш имконини беради.

+ўшма корхоналар чекланган жавобгарликка эга бўлган жамият (маъсулияти чекланган жамият - МЧЖ) ҳиссадорлик жамияти ҳамда қонун томонидан чекланмаган бошқа шаклларда, сони чекланмаган, аммо иккитадан кам бўлмаган шериклар, ўртасида тузилган шартнома асосида бунёд этилади, қўшма корхона таъсисчилари шар иккала томондан ҳам юридик ёки жисмоний бўлиши мумкин.

+ўшма корхона хўжалик юритиш субъекти ҳисобланади ва фаолият даромад олтишга йўналтирилган бўлиб қайси мамлакат шудудида ташкил этилган бўлса, ўша мамлакат қонунлари асосида фаолият кўрсатади ва солиқ тўлайди. Солий бўйича қўшимча имтиёзлар улар учун мавжуд, агар устав

капиталида хорижий инвесторнинг 30 % дан ортиқ бўлса ва қонун билан ўрнатилган низом капиталининг шаклланиш шартига амал қилинса.

Кичик бизнесда жамоа корхоналари бунёд этиш кенг тарқалмоқда. жамоа корхонаси - бу шундай хўжалик шаклики, унда барча мулк ва олинадиган фойда унинг меҳнат жамоасига тегишли бўлади. У қуйидагича ташкил бўлиши мумкин:

- меҳнат жамоаси томонидан давлат мулкани сотиб олиш йўли билан;
- унча катта бўлмаган давлат корхоналарини жамоа корхоналарига айлантириш йўли билан;
- жисмоний ва юридик шахслар мулкни ихтиёрий тарзда бирлаштириш йўли билан;
- давлат корхоналари мулкани (қайтариб бермаслик шarti билан) меҳнат жамоаларига бериш йўли билан.

### **(Интернетдан) Лизингдан фойдаланувчилар кўпаймоқда.**

#### **UzReport.com**

Ўзбекистонда лизинг асосида техника сотиб олаётган дешқонлар сони тобора ортиб бормоқда. биринчи чорак давомида дешқонлар томонидан 664 техника лизинг асосида сотиб олинди.

2004 йилнинг биринчи чораги давомида дешқонлар томонидан 664 техника лизинг асосида сотиб олинди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 марта кўпдир. Бу шақида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компаниясининг келишув-шуқуқий депорменти бошлиғи Фахриддин Хожиев хабар берди.

Агар 2000 йилда лизингдан атиги 6 нафар фермер фойдаланган бўлса, шозир уларнинг сони 2390 нафардан ортиб кетди.

Лизинг шартномаси 7 йил муддатга тузилади, бунда техника қийматининг бор-йўғи 15 % миқдорида пул тўланади. Йиллик устама фоиз эса Марказий банк томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасининг 50 % миқдоридан ошмайди.

### **3.4. Хиссадорлик жамияти. Очик ва ёпик турдаги хиссадорлик жамияти.**

Хиссадорлик (акционерлик) жамияти-бу жисмоний шахслар капиталларнинг бирлашуви булиб, у акциялар чикариш йули билан бунёд этилади. Акциялар фонд биржаларда муомалада булади. Бир шахсдан иккинчисига эркин утади ва акциядор учун унинг хиссаси хакидаги хужжат хисобланади.

Жамият мажбурияти буйича факат жамиятнинг узи-уз мулки билан жавоб беради. У очик ёки ёпик булиши мумкин.

Хиссаторлик жамияти-бу бизнеснинг купрок демократик шаклидир, чунки бевосита ёки обуна булиш йули билан акция сотиб олиш ва корхонада мулк эгаси булишга исталган инсон эришиш мумкин.

Хиссаторлик жамияти шундай хужалик жамиятики, унинг низом фонди жамиятнинг номинал кийматини маълум акциялар сонига таксимланган булади ва мазкур фонд ушбу акцияларни сотиши оркали шаклланади.

Хиссаторлик жамияти икки хил булади.

1-Очик хиссаторлик жамияти – унинг акциялари очик ёки обуна булиш йули билан сотилса, кимматбахо коғозлар бозорида конундан ташкари хеч ким томонидан чекланмай эркин савдо-сотик килинса бу очик хиссаторлик жамияти хисобланади.

2-Ёпик хиссаторлик жамияти-унинг акцияларини кимматбахо коғозлар бозорида муомалада булиши жамият низомига биноан маън этилган ёки чекланган булса ва у, факат эгаси ёзилган акциялар чиқарса бу ёпик хиссаторлик жамияти хисобланади.

Хар иккала хиссаторлик жамияти низом капиталининг энг кичик миқдори, давлат конуни хужжатларидан ташкари хеч нарса билан чекланмайди.

Очик хиссаторлик жамиятини бошка турдаги жамиятларга айлантириш мумкин эмас. Ёпик хиссаторлик жамияти эса уз акцияларига очик обуна утказиш ёки уларни фонд бозорига сотиш учун чиқариш йули билан очик хиссаторлик жамиятига айлантирилиши мумкин.

Акцияларга очик обуна утказиш оркали очик турдаги хиссаторлик жамиятини бунёд этиш учун куйидагилар зарур.

1-Жамият ташкил килиш ва биргаликда фаолият курсатиш ҳамда, битта ёки бир неча шахсга жамиятни бунёд этиш учун ваколот бериш тугрисида шартнома тузиш.

2-Акцияларга обуна утказиш, таъсис конференциясини утказиш, жамият ва унинг акцияларини давлат руйхатидан утказиш.

Жамиятни бунёд этишдаги харажатлар жамиятни бунёд этишида пайдо булган жавобгарлик жамият тузиш тугрисидаги шартномага кул куйган шахсларга юклатилади.

Давлат мулкани хусусийлаштириш оркали куйидаги усуллар билан хиссаторлик жамияти бунёд этилиши мумкин:

1-оддий йул билан-бунда фуқаролар ёпик ёки очик хиссаторлик жамиятларнинг объектларини аукцион оркали ёки конкурс йули билан сотиб олиш билан яратади.

2-Давлат корхонаси меҳнат жамоаси томонидан ёпик хиссаторлик жамиятини бунёд этиш ва ушбу юридик шахс томонидан корхонани сотиб олиш йули билан.

3-Давлат ёки ижара корхоналарини очик хиссаторлик жамиятларига айлантириш йули билан.

Барча жамоа корхоналари учун куидаги умумий жихатлари мавжуд.

-Низом капиталининг топишли булакларга ёки акцияларга, мажбурий булиниши.

-Жамиятнинг уз мажбуриятлари буйича факат узининг мулки буйича чекланган жовабгарлиги.

-Акциядорлар орасида узаро муносабатлар, даромад ва мулкни таксимлаш, корхонани бошқариш буйича муносабатлар уларнинг киритган унумлари миқдорига қараб таксимланади.

-Жамият аъзолари (акциядорлар) унинг капиталига уз унумларини киритишлари зарур, аммо уз меҳнатлари билан унинг фаолиятида иштирок этишлари мажбурий эмас.

### 3.5. Фирмалар ва корпорациялар.

**Фирма**-товар ишлаб чиқариш ёки хизмат курсатиш мақсадида иқтисодий ресурсларни ишлатувчи ташкилотдир. Мулк эгасининг тавсифига қура қуйидаги турдаги фирмалар мавжуд; давлат хусусий тадбиркорлик ва капиталистик фирмалар, буларнинг асосий мақсади барча туловлар амалга оширгандан кейинги даромадни қупайтириш, киритилган капиталдан олинадиган фойдани ошириш ва меҳнатдан қеладиган даромадни юксалтиришдан иборат.

Кичик бизнесда фирмалар одатда юқори технологик ишлаб чиқаришни бунёд этиш билан банд. Улар узларига хос хужалик юритиш услубларидан фойдаланадилар. Уларнинг хужаликфаолиятини бошқариш стратегияси туртта асосий қисмдан ташкил топган.

1-Тараққиёт топаётган ва юқори технологияга эга бўлган фирмалар рақобатга қизикмайдилар, шунинг учун улар тор ихтисослашган маҳсулотлар ишлаб чиқариб бозорнинг юқори даромадли қисмини эгаллашга интиладилар.

2-Фирмалар исталган усул ва воситалар билан уз ҳаракатларни қамайтиришга интиладилар.

3-Кичик фирмаларнинг қупчилиги ишлаб чиқаришни битта маҳсулот ёки технология атрофида уюштиради. Уларнинг вазифаси ушбу маҳсулот ёки технологияни истеъмолчининг узаро хос эҳтиёжларига мослаштиришдан иборат бўлади.

4-Фирмалар иложи борида бегона капитални қамрок жалб қилишга узларининг мустақиллигини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар.

**Корпорация**- бу умумий қасбий ёки табақовий манфаатлар асосида биришган шахслар жамияти уюшмаси ёки гуруҳидир. Тижорат ёки нотижорат корпорациялар бўлиши мумкин. Нотижорат корпорацияларга ҳокимият, сиёсий ташкилотлар, хайрия, диний маориф ва шунга ухшаш муассасалар қиради. Тижорат корпорациялар ҳиссадорлик жамиятлари қабил очик ва ёпик турларга бўлинади. Очик корпорацияда қушимча капитални жалб этиш учун акциялар эркин сотилади.

Корпорацияларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1-Бозор қонъюктурасини урганиш ва ҳаракат стратегиясини аниқлаш;

2-Илмий техникавий тараккиёт дастурларини амалга ошириш оркали эришилган фан техника тараккиёти натижаларини ишлаб чиқаришга тадбик этиш;

3-Ресурсларни ва корпорациянинг хужаликлараро корхоналарида ишлаб чиқарилган нарсаларни марказлаштирилган ҳолда тақсимлаш ва узининг хусусий тижорат бўлинмалари оркали тарқатиш.

4-Хужалик механизмини такомиллаштириш ва бошқалар.

### Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Тадбиркорликни қандай шакллари биласиз?
2. Хусусий тадбиркорлик яққа тадбиркорликдан нима билан фарқ қилади?
3. Яққа тадбиркорликни афзалликлари ва камчиликларини айтинг?
4. Давлат ва қўшма корхоналар тугрисида нималар дея оласиз?
5. Консалтинг фирма деганда нимани тушунасиз?
6. Инжинирг ва венчур корхоналар қандай ишни бажаради?
7. Концери, консорциум, концессия тугрисида нималар дея оласиз?
8. Қартел ва синдикатлар тугрисида нималар дея оласиз?
9. Корпорация қандай қорхона турига қиради?
10. Қичик ва урта бизнесни афзалликлари ва камчиликлари.

### 4 - Мавзу: Тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши.

#### Р е ж а:

- 4.1. Тижорат сири қонун-қоидалари, баҳоланиш мезонлари ва маъноси.
- 4.2. Тижорат сирини муҳофаза қилиш ва рақобатчилар тугрисида маълумотларни қонуний равишда олиш усуллари.
- 4.3. Ихтиро ва рационализаторлик тақлифлари муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш.
- 4.4. Махсулотни сертификация қилиш.
- 4.5. Саноатни мулкни ҳимоялаш ҳужжатларини бериш учун тулов ва бадаллар.

Адабиётлар: 2, 7, 9, 11, 12, 13, 40, 47, 48,52.

### Таянч иборалар:

Бозор иқтисодиёти, кредит, даромад, махсулот таннари, ихтиро, рационализаторлик, сертификация, сифат сертификати.

#### 4.1. Тижорат сири конун-коидалари бахоланиш мезонлари ва маъноси.

Бозор иктисодиётида ахборот товар хисобланади. Уни олиш, саклаш, бировга етказиш ва ишлатиш товар-пул муносабатлари конунларига бўйсунити керак. Хар бир мулк эгаси уз манфаати ва тижорат сирини саклаш ва химоя килиш ҳуқуқига эга.

Хужалик юритувчи субъектлар тижорат сири бу- давлат сири булмаган маълумотлар булиб, у ишлаб чиқариш, технология, ахборот, бошқарув, молиявий, ташки иктисодий, илмий техникавий ва бошқа фаолиятлар билан боглик ва рухсатсиз ошкор килиниш ва ишлатилиши корхонанинг ёки тадбиркорликнинг манфаатига зарар келтириши мумкин булган маълумотлардир.

Тижорат сирининг давлат ва харбий сирлардан фарқи шундаки, у аниқ хужалик юритувчи субъектнинг мулкидир. Унинг асосий вазифаси ишбилармон ёки корхона учун рақобат курашида иктисодий устуворликни таъмин этишдир.

Тижорат сири булиб хисобланган маълумотларнинг таркиби ва ҳажми ҳамда уларни химоя килиш тартиби хужалик юритувчи субъект раҳбари томонидан белгиланади.

У ёки бу ахборотни тижорат сири даражасига кутаришда иккита ҳолни хисобга олиш зарур:

1. Амалиётда, тижорат сирини саклаш никоби остида, хужалик юритувчи субъектлар турли суистеъмол килиш, хужасизлик оқибатларини ва бошқа конунбузарлик туғрисидаги хужжатлар ва маълумотларни ошкор қилмасликлари ҳам мумкин. Бундай ҳолни бартараф этиш учун тадбиркорлик субъектлари ва уларни назорат қилувчи идоралар уртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш бўйича умумдават даражасида махсус бошқарув назорат тизимини бунёд этиш зарур.

2. Бозор муносабатларига утилган сари корхоналар учун ахборотларни сир саклаш иктисодий нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқ булмайди. У, купрок маълум нархдаги истеъмолчи талабига эга булган бозорбоп товар сифатида намоён булади. Баъзи бир саноати тараккий топган давлатларда ялпи миллий даромаднинг ярмига яқини турли хил ахборотларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва қайта ишлаш билан боглик. Хужалик юритувчи субъектларнинг тижорат сири хисобланувчи ва сакланиши керак булган маълумотлари қуйидаги баҳолаш мезонларига туғри келиши керак:

- Улардан очикдан-очик фойдаланиш корхонага зиён келтириш.
- Улар конун асосида ҳаммага маълум ёки ҳамма фойдаланиши мумкин булган маълумот булиб хисобланмайди.
- Корхоналар иктисодий ва бошқа самарани қузда тутган ҳолда уларнинг конфиденциаллигини (махфийлигини) саклаш чора тадбирларини амалга ошириши мумкин.



- Ушбу маълумотлар химояланишга мухтож, чунки улар давлат сирини хисобланмайдилар.

- Ушбу маълумотларнинг ошкор қилиниши давлатга зарар етказмайди.

Тижорат ахборотнинг умумий ҳажми иккита блокка ажратилади. Улардан бири илмий техникавий ва технологияга оид ахборотларни, яъни машина ва дастгоҳлар конструкцияси, ишлатиладиган материаллар; ишлаб чиқариш усул ва услублари; ЭХМни дастурий таъминлаш ҳақидаги маълумотларни уз ичига олади.

Тижорат ахборотларнинг иккинчисига уз ичига қуйидагиларни олади: Корхонанинг молияси (Молиявий ҳисобот, кредитлар, даромад, маҳсулот таннари ва бошқалар). Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг стратегик ва тактик режалари шу жумладан, янги технология: Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми режаси; уз маҳсулотининг рақобатдошлиги (таҳлил қилиш)экспорт ва импорт самарасини бозорга маҳсулот чиқаришининг таҳлилий муддати ва бошқалар.

#### 4.2. Тижорат сирини муҳофаза қилиш ва рақобатчилар туғрисида маълумотларни қонуний равишда олиш усуллари.

Ҳар қандай корхонада тижорат сирини химоя қилиш тизимини яратишда қуйидаги ишларни туғри ташкил этиш керак бўлади:

- Материаллар, тайёр маҳсулотлар ва айниқса тажриба нусхаларининг баъзи бир турларини ҳисобга олиш ва химоялаш.

- Тижорат сирига эга бўлган ҳужжатларни юритиш (ҳисобга олиш, сақлаш, ишлатиш ва йук қилиш қоидалари).

- Нусха қучирувчи ва ҳужжатларни қупайтирувчи васиталарни назорат қилиш.

- Алоқа воситалари ва ҳисоблаш машиналардаги тижорат сирини химоя қилиш.

- Конфиденциал ахборотларни узатишда алоқанинг очиқ каналларидан фойдаланиш тартиби.

- Бегона шахсларнинг ушбу корхонага келиб кетишини назорат қилиш.

Конфиденциал ахборотларни химоя қилиш учун фирма қонуний ҳатти – ҳаракатларнинг олдини олиш механизмининг яратиши, яъни сигнал бериш (сигнализация) тизими, сирли ҳужжатларни сақлаш жойларини блокировка қилиш алоҳида қилиб ажратиш воситалари (маҳсус хона, металл сейфлар) билан таъминлаш, компьютерларни пароль шифрлар билан химоя қилиш керак. Конфиденциал ахборотни давлат органлари орқали оқиб чиқилишини бартараф этиш учун тадбиркор қуйидагиларни билиши лозим.

-Фирмаларнинг тижорат сирини тушунчаси давлат идоралари (солик, молия, санитария инспекцияси ва бошқалар) ҳуқуқлари билан қандай муносабатда бўлиши.

-Адвокат, экспорт ва маслахатчилар қачон ва қанда таклиф қилиниши ва уларнинг қандай шаклларда конфиденциал ахборот беришда иштирок этиш имкониятлари борлиги.

-Хизмат лавозимидаги шахслар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар ва давлат хизматчиларнинг устидан уларнинг ҳуқуқга қарши бўлган ҳаракатлари ва бунинг эъвазига фирмага келтирилган зарарнинг қоплашнинг тартиб-қоидалари ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш керакки, корхонанинг тижорат сирини билиш рақобатчи ва бошқа қизиқувчи шахс томонидан ҳамма вақт ҳам факат ҳуқуқга қарши усуллар билан амалга оширилавермайди. Дунёда зарурий ва конфиденциал ахборотларни очик ҳуқуқий усуллар билан олишнинг яхши йўлга қуйилган механизми ҳам мавжуд. Бу очик нашрга ва эфирга тушиб турган ахборотни таҳлил қилишдир. Улар ичида кенг тарқалган ва содда усулларга қуйидагилар қиради.

-Тадбиркорнинг очик матбуотдаги мақолалари. Ҳар хил ярмарка ва курғазмадаги экспонатлари товар ва фонд биржаларидаги савдолари натижалари ҳақидаги маълумотлар, буш иш уринлари тугрисидаги эълонлар ва буш лавозимларга конкурслар эълон қилиш тугрисидаги маълумотлар ва бошқалар.

Ривожланган мамлакатларда бу усулларга катта эътибор қаратилади. Корхона раҳбарлари ишлаб чиқариш малакасига тегишли ахборотларни туплаш ва уни таҳлил этиш учун махсус хизмат идораларини ёки махсус одамларни жалб этадилар, ёки шундай хизматни ташкил қиладилар.

Бу хизмат фаолияти учун катта маблағлар сарфланади, аммо улар узларининг корхона учун қимматбаҳо бўлган ихтироларига қилинадиган сарф-харажатларни қамайтириш эъвазига тезда узини-узи оқлайди. Масалан Япония давлати шу қабил усуллар билан ахборот туплаб 20 йил давомида энг юқори сифатга эга бўлган ишлаб чиқаришни бунёд этдилар.

#### 4.3. Ихтиро ва рационализаторлик таклифлари муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

Давлатимизнинг қонун ҳужжатларига биноан ҳуқуқий ҳимоя ихтироларига, агар у янги ихтирочилик даражасига эга ва саноатда ишлатилиши мумкин бўлса берилади. Ихтиро, янги деб агар у ариза берилган қўғамга, унинг ва шунга ухшаш қарорнинг моҳияти мамлакат ёки хорижда очилмаган бўлса тан олинади.

Янгилик дунё миқёсида янги ва абсолют бўлиши керак, яъни ихтиролар ҳозирда маълум бўлган техникавий даражанинг бир қисми бўлмаслиги керак. Бу барча турдаги очик ва яширин маълумотлар асосида солиштириш йўли билан аниқланади.

Ихтиро объект қуйидагилардан иборат: Қўрилма, усул, модда, микроорганизм штамми, усимлик ва ҳайвонларнинг янги ҳужайралари, аввалдан маълум қўрилма, усул, модда ёки штамми бутунлай бошқа мақсадларда қўллаш (ишлатиш).

Куйидагилар ихтиро деб тан олинмайди:

1. Илмий назария.
2. Хужаликни ташкил килиш усуллари ва уни бошқариш.
3. Шартли белгилар, жадваллар коидалар.
4. Аклий операцияларни бажариш усуллари.
5. Алгоритмлар, информацион дастурлар (ЭХМлар учун)
6. Иморат-иншоат, худудлар лойихалари ва планлаштирувчи схемалари.
7. Эстетик талабларни кондиришга қаратилган ва махсулотларнинг факат ташки курунишга тегишли таклифлар.
8. Жамият манфаатлари, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига оид ечимлар.

Ошқор қилиниш мамлакат хавфсизлигига зарар етказувчи маълумотларни уз ичига олган ихтиролар Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан урнатилган тартибда махфийлаштирилиши зарур.

Ихтиронинг муаллифи деб узининг ижодий меҳнати эвазига уни яратган фуқаро тан олинади.

Махсулот яратиш ёки узгартириш билан боғлиқ бўлган ва ишлаб чиқариш технологияси ёки материаллар таркиби узгартирилишини кузда тутувчи ҳамда корхона (тармок) учун янги ва фойдали бўлган техникавий ечимлар ҳамда корхона учун янги ҳамда меҳнат хом-ашё, ёнилғи энергетик ва бошқа моддий ёки молиявий ресурсларнинг иктисод қилинишни таъминловчи ташкилий қарорлар рационализаторлик таклифи деб тан олинади.

Рационализаторлик таклифлари деб қуйидагилар қабул қилинмайди.

1. Шартли белгилар, коидалар, меъёрий техник материаллар.
2. Махсулот сифатига салбий таъсир қилувчи ва меҳнат шароитини ёмонлаштирувчи техникавий ечимлар.
3. Махсулотнинг факат ташки курунишига тегишли ечимлар.

Рационализаторлик таклифлари муаллифлик шаходатномаси билан тасдиқланади. Таклифнинг рационализаторлик эканлигини тасдиқлаш учун муаллиф корхона номига узининг у ишда ишлаш ва ишламаслигидан қатъий назар ёзма ариза топширилади. Аризага таклифни ёритиб берувчи тушунтириш хати, зарурат тугилганда эса чизмалар, схемалар ёки эскизлар илова қилинади. Топширилган хужжатларда берилган маълумотлар таклифнинг амалиётга жорий қилиниши учун етарли бўлиши керак.

Рационализаторлик таклифи муаллифлари амалдаги қонунчиликка асосан мукофат олиш ҳуқуқига эга. Бу мукофот таклиф тақдим қилинган корхона томонидан берилади.

#### 4.4. Махсулотни сертификация қилиш.

Сертификация-бу мос қилиш сертификати ёки тамгаси ёрдамида махсулот, иш ёки хизмати маълум меъёрларга ёки техник шартга мос қилишни аниқлаш мақсадида қилинадиган ҳаракатдир.

Сифат сертификати бозор иктисодиётига асосланган илгор давлатларда етказиб бериладиган махсулотнинг сифатини тасдиқловчи ва унга илова қилинадиган ҳужжатдир. Сифат сертификати дунё бозорида махсулотнинг рақобатбардошлигини оширишда белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Сертификацияга утиш – махсулот берувчи ва истеъмол қилувчи шахслар уртасидаги муносабатларни такомиллашувига гувоҳлик беради. Махсулотни истеъмолга тула тайёргарлигига қафолот берилишини таъминлайди. Сертификатлашни утказиш махсулотни истеъмолчи томонидан қайта текшириб қурилишини бартараф этади, бу эса истеъмолчига маълум иктисодий самара беради. Ишлаб чиқарувчининг махсулотни сертификация қилиш унинг мамлакати ва ташқи бозорда истеъмолчи талабларини юқори сифат даражасида қондириш йулига утишни билдиради.

Сертификация махсулот, иш ва хизматларнинг қуйидаги ҳужжатларига асосан белгиланган талабларига мувофиқ бўлишга қараб утказилиши мумкин.

- Давлат стандартларига асосан.
- Хорижий ва халқаро стандартларга биноан
- Истеъмолчи танланган бошқа меъёрий техник ҳужжатлар буйича.

#### 4.5. Саноат мулкани химоялаш ҳужжатларини бериш учун тулов ва бадаллар

Ихтиро ёки саноат нусхасига патент учун аризани расмийлаштириш билан боғлиқ юридик маънодаги ҳаракатлар, ҳамда товар белгиси учун гувоҳнома, экспертиза утказиш, патент олиш ва уни сақлаш учун асосий патент тўлови олинadиган ишлар руйхати, туловлар улчами, тулаш муддати Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан урнатилади. Тўловлар ва бадаллар мамлакатнинг патент маҳкамасига тўланади.

Бадаллар илмий-техника махсулотини экспорт қилиши учун лицензион шартномани руйхатдан ўтказиш, товар белгисини, патентни бошқаларга бериш тўғрисидаги шартномага, патент учун ишонч билдирилган номзодларни аттестация қилиш ва уларга гувоҳнома бериш, патентни ишониб топширилган шахс тўғрисидаги маълумотларга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш учун олинади.

Аризачи ёки учинчи шахс томонидан тўланадиган бадал тўловлари қайтарилмайди, аммо тўлов тўғри амалга оширилган-у, лекин ариза берилган ечим янги эмас деб топилса ёки тўлов ҳаракатлари мутлақо нотўғри бўлган ҳоллар бундан мустаснодир. Бу ҳолларда аризачига (учинчи шахсга) тўловни қайтариб беришларини талаб қилиш ёки бошқа тўловлар ўрнига ҳисоблаш ҳуқуқи берилади. Бу тўғридаги илтимоснома Давлат Патент идорасига ариза тўловни қайтармаслиги ёки шартнинг бажарилмаслиги тўғрисидаги маълумот олгандан сўнг белгиланган муддатда амалга оширилади. Патент тўловлари ва йиғимларни тўлаш тартиби давлат патент идораси томонидан ўрнатилади.

## Мавзу буйича назорат саволлари

1. Конфиденциал ахборот деганда нимани тушунасиш?
2. Ихтиро объектига нималар киради?
3. Нималар ихтиро деб тан олинмайди?
4. Рационализаторлик таклифлари деб нималар қабул қилинмайди?
5. Сертификация нима?
6. Сифат сертификати нима?
7. Сертификация қандай ҳолларда берилади?
8. Ахборотни тижорат сири даражасига қутаришда нималарни ҳисобга олиш зарур?
9. Ихтиронинг муаллифи сифатида қимлар тан олинади?
10. Сертификатлашга утиш қандай иктисодий самарага олиб келади?

## 5-Мавзу: Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг асосий босқичлари.

### Р е ж а :

- 5.1. Бозорнинг конъюнктураси ва ресурсларининг имкониятини таҳлил қилиш.
- 5.2. Тадбиркорларни давлат руйхатидан ўтказиш.
- 5.3. Хужалик юритувчи субъектларга баъзи бир фаолият турларини олиб боришлари учун рухсатнома бериш тартиби.
- 5.4. Таъсис ҳужжатлар ҳақида тушунча.
- 5.5. Корхонани ташкилий расмийлаштириш.

Адабиётлар: 2, 4, 6, 7, 8, 16, 18, 20, 38, 39.

### Таянч иборалар:

Бозор конъюнктураси, солиқ, дотация, кредит, субсидия, таъсис шартнома, корхонага стратегияси, лицензия, сармоянинг тақсимланиши, захира фонди, таъсис ҳужжат.

## 5.1. Бозорнинг конъюнктураси ва ресурсларининг имкониятини ташкил этиш.

Ҳар бир ишни бошлашдан олдин тадбиркор ишлаётган иктисодий шароитни, маълум бир маҳсулотга бўлган эҳтиёжни ёки қулайроқ имкониятлардан фойдаланишини таҳлил қилиши керак. Тадбиркорлар ёки фирманинг менежери ўзининг иш фаолиятини қуйидаги омилларни инобатга олиб белгилайди.

1. Корхонанинг ташқи муҳитга нисбатан қуввати ва қамчилиги.
2. Ташқи муҳитдан қелиб чиқадиган имкониятлар ва таҳлиллар.

Ҳолат таҳлили ҳозирги вақтдаги ишнинг аҳоли ва бизнес ривожланишининг йўналишларини келажакдаги истикболни баҳолашга имкон беради. Бу эса корхона қувватини ошириш ва нуқсонларни бартараф

этиш мулжалланган. (имкониятлардан фойдаланиш ва тугиладиган тахлилни бартараф этиш учун) бизнес режаларини тузиш ва уларни амалга ошириш йули билан килинади. Бунда бозор конъюктурасини урганишга алохида эътибор берилади. Янги махсулотга булган эхтиёжни тажриба учун махсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан белгилаш лозим. Бу эса уз навбатида нафакат бозор келажагини белгилайди, балки хужалик фаолиятининг андозасини яхшилаш, меҳнат харажатларини аниқроқ ҳисоблаш ва махсулот ишлаб чиқаришга кетган харажатларни ҳисоблаш ва энг муҳими ишлаб чиқарилган махсулотнинг сотиб олинishiга ишонч ҳосил қилинishiга ёрдам беради. Тадбиркорликни ташқи муҳит билан алоқаси узғаришларга бойлигини таъкидлаб утиш лозим. Шунинг учун тадбиркорлик фаолиятидаги имкониятларнинг узаро алоқаси мувоффақиятли ва мувоффақиятсиз шартномалар, ишлаётганлар сони, янги махсулот ишлаб чиқариш ва инвестицияларга боғлиқ ҳолда узғаради. Тадбиркорлик тизимида таъсири натижасида ташқи муҳит ҳам узғаради. Масалан: бир қатор фирмалар фаолиятини тухтатиш ҳақидаги қарор шу туман ҳудудидаги ишсизликни қупайтиради махсулот ва хизматга булган талабни пасайишига олиб келади.

## 5.2. Тадбиркорларни давлат руйхатидан утқазиш.

Кичик бизнесда хужаликни бошқарувчи шахсларнинг ҳаммаси белгиланган тартибда давлат руйхатидан утишлари керак. Бу тадбирнинг 2 мақсади бор. Бир томондан тадбиркорлик тизимини ноинсоф шериклардан, бошқарув тизимини суистеъмол қилишдан давлат ҳимояси масаласи қуйилган бўлса, иккинчи томондан-руйхатга олиш ёрдамида қорхона ва тадбиркорларнинг фаолияти, давлат ва маҳаллий бюджетга солиқларнинг қелиб тушиши, бошқа туловларнинг тулаш тартиби назорат қилинади.

Давлат руйхатидан утқазиш шахснинг турар жойи ёки юридик манзилгоҳи жойлашган жойда амалга оширилади.

Агар фуқаро юридик шахс бўлмасдан тадбиркор бўлишни хоҳласа, унда у белгиланган тартибда ариза бериши, руйхатдан утқазилиши учун керакли туловларни тулаганлиги ҳақидаги ҳужжат бериши керак. Аризада беш йил муддатга тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши суралади ва фаолият турлари қурсатилади. Шунингдек аризага ўзи ҳақида маълумот ва тадбиркорлик фаолиятини ошириш йул йуриқлари ёзилган ахборот қушилади.

Ариза берилган кундан бошлаб 30 кун давомида қурилади. Шу вақт ичида уни руйхатдан утқазиш ёки рад этиш ҳақида маълумот берилади. Хулоса 5кун мабойнида ёзма равишда аризагига юборилади. Руйхатдан утқазилган тадбиркор ҳақидаги маълумот 10 кун ичида маҳаллий давлат бошқарув органларига, давлат солиқ инспекциясини туман бўлинмасига, молия Вазирлигига, статистика органига, давлат руйхатдан утқазиш бўлинмасига ва Республика қурсатқичлар бўлинмасига берилади. Тадбиркорга руйхатдан утганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилади. Унга юридик шахс бўлмаган тадбиркорлик фаолияти турлари санаб утилади.



Давлат руйхатидан утказиш ва кайта руйхатдан утказиш ва уз фаолиятини узгартирганлиги учун тадбиркор бож тулайди.

Руйхатдан утмаган тадбиркор фаолияти такикланади, борди-ю тадбиркор фойда олса, унинг фойдаси суд томонидан маҳаллий бюджетга ундирилади.

Юридик шахсни давлат руйхатдан утказиш тартиби анча мураккаброк. Руйхатдан утказишга ариза ва бож туланганлиги ҳақидаги ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Нотариусда тасдиқланган юридик шахс тузувчи таъсис ҳужжатлари (Низом ва бир неча шахс томонидан корхона тузиш ҳақидаги шартнома нусхаси).

2. Юридик манзилни (таъсис этувчиларни бирининг турар жойи манзилгоҳи ёки иморат берувчи бирон бир ташкилот манзилгоҳи бўйича руйхатдан утказиш мумкин). Тасдиқловчи ҳужжат.

3. Агарда таъсисчи ишламаса меҳнат дафтарчасидан кучирма ёки иш жойидан эгаллаб турган лавозими ҳақида маълумотнома.

Ҳужжатлар топширилгандан сунг бир ой мобайнида корхона руйхатдан утказилиши керак. Руйхатдан утказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб, руйхатдан утказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома хизмат қилади. Конунга мувофиқ руйхатдан утказиш рад этилса туланган божнинг 50 фоизи корхонага қайтариб берилади.

Руйхатга олинган кундан бошлаб корхона конунга асосан барча турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин. Корхона лицензия олиши лозим бўлган фаолият турларига албатта лицензия олиши керак.

**5.3. Ҳужалик юритувчи субъектларга баъзи бир фаолият турларини олиб боришлари учун рухсатнома бериш тартиби.**

Тадбиркорликнинг айрим турлари билан шугулланишга давлат томонидан вакил килинган бўлинмалардан рухсатнома олингандан кейингина ижозат берилади. Бундай бўлинмалар руйхатини Республика Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Рухсатнома 5 йил муддатга берилади ва корхонага ёки тадбиркор хоҳишига қараб муддати узайтирилиши мумкин. Муддати узайтирилган рухсатнома берилаётган вақтда фаолият турларига қараб, энг паст ойлик иш ҳакининг чорагини ташкил этувчи бошлангич нархга қараб тулов урнатилади.

Керакли ҳужжатлар ва ариза берилгандан сунг 30 кун давомида рухсатнома бериш ҳақидаги қарор қабул қилинади. Рухсатнома бериш ёки бермаслик ҳақидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун ичида аризага маълум қилинади.

Агарда рухсатнома бериш учун керакли қарор қабул қилишда экспертиза талаб қилинса бу экспертизани вазифаси назорат қилишдан иборат бўлган давлат органлари амалга оширади ва у ҳолда экспертиза ҳулосаси олингандан сунг 15 кун мобайнида ариза ва керакли ҳужжатлар топширилгандан сунг 60 кундан кечиктирмай қарор қабул қилинади. Бунда экспертиза утказиш учун кетган харажатларни аризачи тулайди.

Рухсатнома 2 нусхада булиб, хужжат беришга жавобгар шахс томонидан кул куйилиб бераётган органнинг мухри босилиб бир нусхаси аризаچига берилади.

Рухсатномани бериш хакидаги рад жавоби ёки корхонанинг фаолиятини тухтатиш хакидаги қарори 30 кун мабойнида рухсатнома берган муассаса жойлашган ҳудуд судида қайта қуриб чиқилиши мумкин. Агарда корхона фаолиятини тухтатиш ёки рухсатнома бермаслик хакидаги қарорини суд рад этса, бошқарувчи шахсга қайтадан рухсатнома берилади, бунинг учун ҳақ олинмайди.

Агарда корхона фаолияти тугатилса ёки рухсатномадан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинса, у рухсатнома берган муассасага қайтарилади.

#### 5.4. Таъсис ҳужжатлар, корхонани ташкилий расмийлаштириш.

Корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун корхона низоми ва агарда корхона бир неча шахслар иштирокида тузилган бўлса корхона тузилиши хакидаги шартнома асосий таъсис ҳужжати булиб хизмат қилади.

Ҳужалик фаолият мақсади аниқланади ва мақсадни қандай йўллар билан амалга ошириш вазифалари, яъни тадбиркорлик турлари, шунингдек рўйхатнома олинishi керак бўлган турлари белгиланади. Корхонанинг ўз мажбуриятларига чекланган жавобгарлик ва унинг фаолият муддати урганилади.

Амалдаги қонун асосида корхона ҳақ ҳуқуқлари, дивидендлар тулаш ва даромадни булиш тартиби низомда қўрсатилади.

Таъсис шартномада қуйидаги саволлар ўз аксини топади.

1. Корхона тузишда томонларнинг розилиги.
2. Корхона мақсадлари.
3. Юридик шахс ҳақ-ҳуқуқларини эгаллаш шароитлари.
4. Низом маблағи ва эгаллик ҳуқуқи: манфаатлар низоларнинг ҳал қилиниши; корхона ишчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
5. Сармоянинг тақсимланиши.
6. Захира фондини ташкил қилиш.
7. Бошқарув органлари: корхона фаолиятини тухтатиш; шартноманинг қучга қириш шарт-шароитлари.

Корхонанинг низоми ва таъсис шартнома лойиҳаси умумий мажлисда қўрилади ва баённома тузилади.

#### 5.5. Корхонани ташкилий расмийлаштириш.

Давлат рўйхатидан ўтказилгандан ва тадбиркорлик фаолиятига рухсат этилгандан сўнг корхона раҳбарияти думалок муҳрга ва бошқа муҳрларга буюртма бериб олиши, банкда ҳисоб рақами очтириши, солиқ инспекцияси, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш фонди ва банд қилиш марказидан рўйхатдан ўтказилиши керак.

Думалок муҳр ва бошқа штампларни тайёрлатишга буюртма беришдан олдин корхона ўзи жойлашган тумандаги ички ишлар бўлимига муҳр

штампни курсатиши: корхонанинг руйхатдан утганлиги хакидаги ҳокимият қароридан қучирма, ҳокимият тасдиқлаган икки нусхадаги муҳр ва қеракли штамп қизмалари тақдим этилгандан сунг амалга ошириши мумкин.

Ички ишлар бўлими руҳсатни алоҳида хат ёки илтимос хати қуринишида беради. Қизмалар эса қеракли ёзув, муҳр билан тасдиқланган бўлади.

Ҳаридор ва шериклар билан қредит ҳисоб-қитоб муносабатлари ташкил этиш учун банк муассасасида ҳисоб рақами очиши мақсадга мувофиқ. Банкка ҳисоб рақами очиш учун ариза, ҳокимият тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари. Нотариус тасдиқлаган имзо намуналари муҳр ва штамп билан тасдиқланган қартачалар, ҳокимиятнинг маҳаллий қенгаши қорхонани давлат руйхатидан утқазганлиги хакидаги қарор қучирмаси ёки нотариус тасдиқлаган маълумотнома ёки қучирма, солиқ инспекциясидан руйхатдан утганлиги хакидаги қарор маълумотномаси берилиши қерақ.

Банк муассаси аризақига ҳисоб рақами очади, унинг рақамини қорхонанинг низомига (асл нусхасига) ёзади ва бош ҳисобчининг имзоси қуйилиб, банкнинг гербли муҳри босилади.

### Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Бозор қонъюктураси нима?
2. Тадбирқорликни давлат руҳатидан утқазишдан мақсад нима?
3. Руйхатдан утмаган тадбирқор фаолияти нима учун таъқиқланади?
4. Таъсис Ҳужжат нима?
5. Таъсис шартномада қандай саволлар уз аксини топган?
6. Тадбирқор учун банк муассасида ҳисоб рақами қандай очилади?
7. Юридик шахсни давлат руйхатидан утқазиш тартиби қандай?
8. Тадбирқор ресурслар имқониятларини таҳлил қилишдан мақсад нима?
9. Давлат руйхатидан утқазилгандан ва тадбирқорлик фаолиятига руҳсат этилгандан сунг қорхона қандай ишларни амалга ошириши қерақ?
10. Банкдан ҳисоб рақами очиш учун нималар қилинади?

### 6-Мавзу: Тадбирқорлик тузилмаларининг ташқилий асослари.

#### Р е ж а :

- 6.1. Қичик бизнес қорхоналари бошқарувининг ташқилий тузилмалари.
- 6.2. Қорхона бошқарувининг ташқилий тузилмасида бўлинмалар хакида умумий тушунча.
- 6.3. Қорхона бошқарувининг ташқилий тузилмасида бўлинмаларнинг урни ва аҳамияти.
- 6.4. Тадбирқорлик фирмалар ташқилий тузилмаларнинг турлари.
- 6.5. Тадбирқорлик тузилмалари аъзоларининг узаро муносабати.

Адабиётлар: 2,3,8,9,12, 16, 32, 37,38.


#### Таянч иборалар:

Горизантал ва вертикал алокалар, инновация, вунчур, стратификация, мураккаб ахборот, оддий ахборот, ваколот, маъслият, матрицали бошқарув тузилма, лойихавий бошқарув тузилма, венчур ва инновацион тузилма, чизикли муносабат, функционал муносабат.

## 6.1. Кичик бизнес корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмалари.

Корхонанинг бошқаришнинг самарали тузилмасини вужудга келтириш бошловчи тадбиркор хал этиши керак булган муҳим вазифалардан биридир. У ташкилотни самарали ишлаши учун унга қайси ихтисосдаги мутахассислар қандай малакада, қандай шахсий фазилатларга эга булган қанча одамни бирлаштириб олиши кераклигини аниқлаб олиши керак.

Корхона бошқарувнинг ташкилий тузилмаси – бу булимлар, ишловчилар уртасидаги махсус ишлаб чиқарилган алокалар ва муносабатларнинг яхлит тизимини уз ичига олади ва унинг доирасида ишловчи одамлар олдида қўйилган мақсадга энг самарали йул билан эришиш вазифасини бажаради. Мазкур тизимнинг ташкилий вазифалари қуйидаги чизмада курсатилган.



Корхона тузилмасида қуйидаги элементлар ажтарилиб курсатилади: Раҳбарлик ва алоқа (горизантал ва вертикал) бугинлар (булимлар) даражалар (босқичлар).

Булим – бу ташкилий жихатдан алоҳида мустқил бошқарув ташкилотидир. Булим (одам гуруҳи) томонидан муайян вазифани бажариши уни шакллантиришнинг асосий мақсади ҳисобланади. Булимлар уртасидаги алокалар *горизантал* тусга эга. Босқичлар уртасидаги алокалар *вертикал* бўйича алоқадир.

Тадбиркор у ташкил этган корхонанинг мулкдори бўлиб, унинг ишига раҳбарлик қилади. Вертикал бўйича унга унинг ходимлари бўйсунди.

Корхонани бошқариш ташкилий тузилмасининг самарадорлигини таъминлаш учун қуйидаги чизмада келтирилган қоидаларга риоя этиш зарур.

Хар кандай кичик фирманинг бошқаруви ва бошқариладиган тизимлар уртасида тугри ва тескари алоқа амалга оширилиши керак. Бошқарувчи тизим бошқарувчи тизимдан ахборот олади.

Бошқарув органи олинган ахборот асосида қарорлар қабул қилади. Шу тариқа бошқарув тугри ва тескари алоқа асосида амалга оширилади.

Буйсуниш бирлиги қуйидаги маънони англатади.

1. Ходимлар гуруҳи узининг устидан қуйилган бир раҳбарга буйсунади.

2. Буйсунувчилар турли раҳбарлардан бир – бирига зид.

Режалаштириш – бошқарув жараёнининг дастлабки босқичлардан бири бўлиб, у мақсадни амалга ошириш, ривожлантиришда йўналишини белгилаш демакдир. Хар кандай фирма уз фаолиятини пухта ва яхши режалаштириши керак, чунки фирманинг омон қолиши ва фойда қуриши шунга боғлиқ бўлади.

## 6.2. Корхона бошқарувининг ташкилий тузилмасида бўлинмалар ҳақида умумий тушунча.

| Босқичлар                                                 | Мазмуни                                                                                                                                                                                                                  |
|-----------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Бажарилаётган иш характери<br>ни белгилаш.                | қуйилган вазифалар учун зарур бўлган ишлар ҳажмини белгилаш.                                                                                                                                                             |
| Ишни бошқарувнинг алоҳида элементлари уртасида тақсимлаш. | Меъёрларни белгилаш ва андозаларни тасдиқлаш. Бошқарувнинг илмий услублари доирасида техник усуллар. Масалан: иш вақти, меҳнатни ташкил этиш ва бошқарув фаолиятини бошқа омилларни таҳлил этиш услубларини тадқиқ этиш. |
| Бошқарувнинг мантикий гуруҳларини қуриш.                  | Бўлинмаларни ташкил этиш. Бошқарилаётган иш турига мувофиқ бошқарув элементларини гуруҳлаш.                                                                                                                              |

## 6.3. Корхона бошқарувининг ташкилий тузилмасида бўлинмаларнинг урни ва аҳамияти.

Корхона ичида бўлинмаларни тақсимлаш қоидаларига асосланиши керак. Жумладан тенг гуруҳларга бўлиш қоидаси ходимлар малака тайёргарлигига эга бўлиб, қуйилган мақсадга эришиш учун яна муайян миқдордаги одамлар зарур бўлган ҳолларда қўлланилади.

Функционал белги бўйича бўлиш қоидаси. Ишлаб чиқариш бўйича цехлар, маркетинг, молия ва ҳақоза бўлимларнинг ташкил этишининг энг оммалашган усулидир. Улар сони ташкилот эҳтиёжларига боғлиқ бўлади.

Худудий белги буйича булиш коидаси. Корхона уз фаолиятини турли туманлар худудида амалга оширганда купрок кулланилади.

Ишлаб чиқарилаётган махсулот асосида таксимлаш коидаси. Ишлаб чиқарилаётган махсулот турини купайтириб бораётган, бошқа ташкилий тузилмани куллаш ишни факат мураккаблаштириши мумкин булган йирик корхоналарда кенг оммалашган.

Истеъмолчилар манфаатларини хисобга олган холда таксимлаш коидаси. Харидор хал килувчи омил булган тармоқларда унинг манфаатлари ташкилий тузилмага кучли таъсир курсатади. Шунинг учун истеъмолчилар манфаати юкори куйилган корхоналарда ушбу усул кулланилади.

Булинмаларни бошқарув тузилмаларини шакллантиришда куйидагиларни хисобга олиш зарур.

Стратификацияни, яъни агар тадбиркор уз ишини эндигина бошлаган булса, бошқарувнинг кандай даражасини куллаш мақсадга мувофик булишини аниклаш.

Расмийлаштириш, яъни ташкилотдаги рахбарлик услубини ва фаолият жараёнида одамлар орасидаги муносабатлар хусусиятини билиш. Агар бу муносабатлар куплаб коидалар ва йуриқномалар билан тартибга солинса, ташкилот расмий ташкилот сифатида каралади.

Ташкилий тузилманинг мураккаблик даражасини билиш. Корхонадаги булимларнинг тури, микдори ва узаро ҳамкорлиги, рахбар ходимлар, ишчи-хизматчилар сонига ва бошқалар бошқарувининг мураккаблик даражасини белгилаб беради. Корхона самарали ишлаши учун ходимларнинг вазифалари, ваколотлари шунингдек, уларнинг узаро муносабатлари тартиби белгиланади. Вазифалар ва ваколотларни белгилаш ва уларни ташкилот доирасида оммалаштиришнинг учта усули мавжуд:

1. ташкилий схемалар, жадваллар тузиш;
2. кулланма (маълумотлар) ёки йуриқнома ишлаб чиқиш
3. вазифаларни таксимлаш.

#### 6.4.Тадбиркорлик фирмалар ташкилий тузилмаларнинг турлари.

Ваколотлар, хуқуқлар, вазифалар ва жавобгарлик нуктаи назаридан кичик бизнес корхоналари бошқарув тузилмаларнинг куйидаги ташкилий турлари мавжуд.

1. Чизикли
2. Чизикли – функционал
3. Лойихавий ва матрицали бошқарув тузилмалари.
4. Венчур ва инновация тузилмалари.

Бошқарувни чизикли ташкил этиш бевосита лавозим вазифаларни шу тарика таксимлаш асосида куриладики, бунда хар бир ходим фирма олдида турган вазифаларни бажаришга энг куп даражада йуналтирилган булади. Барча ваколотлар тугридан – тугри (чизикли) белгиланади. Улар юкори бошқарув бугинларидан куйи бошқарув бугинларига караб узгаради.



Бошқарувнинг чизикли тузилмаси афзалликлари:

1. тадбиркор раҳбарнинг яқка бошчилиги, бунда ходимларнинг иш натижалари учун шахсан жавобгарлик қонидаси қатъий риоя этилади.
2. ходимлар ўз раҳбарларидан бир-бирига зид ва ўзаро бўлмаган курсатмалар олмайдилар.
3. қарор қабул қилишнинг оперативлиги.
4. ахборотни тушуниш ва ундан фойдалинишнинг соддалиги.
5. зарур интизомнинг мавжудлиги, бошқаришнинг пухталиги.

Чизикли тузилмаларнинг қамчиликлари:

1. мослашувчан эмаслиги, қаттиқлиги, қорхонанинг бундан кейинги ўсишга мос келмаслиги.
2. бошқарув ўсулининг бюрократик, танҳо ҳуқуқронликка асосланган бўлиши мумкинлиги.

Амалда чизикли тузилма яқка тартибда эгаллик қилишда ва ходимлар сони қам бўлган кичик қорхоналарда қулланилади.

Бошқарув тузилмасини чизикли функционал ташкил этиш. Ўз ичига ҳам чизикли, ҳам функционал бошқарув элементларини муҷассамлаштиради, яъни чизикли бошқарув махсус ёрдамчи хизматлар билан мустаҳкамланади.

Мазкур тузилманинг қамчиликлари:

1. Чизикли ва функционал ходимлар ўртасидаги қелишмовчиликлар.
2. Тадбиркорга функционал ходимлар фаолиятини мувофиқлаштириш қийинроқ бўлади.

Амалда бошқарувнинг мазкур тузилмаларидан кичик бизнесда тадбиркорлик қенгайиб бораётган ва махсулот сотиш ҳажмлари қупайиб бораётганда қулланилади.

Лойиҳавий ва матрицали бошқарув тузилмалари. Лойиҳавий тузилма махсус лойиҳани ишлаб чиқариш ва ўнга раҳбарлик қилишда қулланилади. Лойиҳавий тузилма – бу аниқ вазифани ҳал этиш учун ташкил этиладиган вақтинчалик ташкилотдир. У функционал бўлинма ичида ташкил этилади. Муайян лойиҳани амалга ошириш учун тўпланган турли соҳаларнинг юқори малакали мутахассислари ўнинг аъзолари ҳисобланади. Бу тузилманинг ўзига ҳос – ҳусусияти шундан иборатки, ходимлар бир вақтнинг ўзида икки раҳбарга-лойиҳа раҳбарига ва бу ғуруҳ доирасида ишлаётган бўлим раҳбарига бўйсунади.

Матрицали тузилма. Лойиҳавий тузилмаларнинг ривожини ҳисобланади. У тақсимлашнинг икки тури: вазифалар бўйича ва махсулот бўйича тақсимлашнинг ўйғунлашувидир.

Матрицали ўсулнинг афзалликлари:

1. фирма фаолиятининг ўзгариб бораётган ички ва ташқи шароитларига тез муносабат билдириши ва мослашишига имкон беради.
2. Истеъмолчи талаблари ва ресурсларни тежаш зарурати ўртасида самарали мувозанатни йўлга қуйиш имконини беради.

3. Булим ичида бюракратик тамойилларни заифлаштиради.

Матрицали тузилмаларнинг камчиликлари. Тузилманинг мураккаблиги, рахбарлар ваколотларини аниқ белгиламаслик натижасида турли низоли вазиятларнинг вужудга келтириши мумкинлиги.

Хорижий мамлакатлардаги тадбиркорлик фаолиятини тахлил этиш натижаларининг курсатишича лойихавий ва матрицали тузилмаларидан қуйидаги шартлар мавжуд бўлганда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

1. ишлаб чиқарилган лойиха ноёб ва долзарб.
2. махсулот тури ёки технология тез-тез алмашганда.
3. гуруҳнинг лойиха устида ишлаш вақти чекланган бўлиши керак.

**Венчур ва инновация тузилмалари.** Лойихавий ташкилий тузилмаларнинг замонавий қурилиши ҳисобланади. (Венчур инглизча суз «Venturi» таваккал иш деган маънони англатади.) Бизнесда инновациялар, яъни янги технологиялар, товар ва хизматларни ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бозор итисодиёти ривожланган барча мамлакатларда кичик бизнесда ана шундай тузилмалар ташкил этилади.

Қуйидаги ана шундай тузилмаларнинг характерли хусусиятлари ҳисобланади.

1. тадбиркор мутлақо янги, аввал ҳеч ким ишлаб чиқармаган (инновация) объектини танлайди ва уни ишлаб чиқаришга уз сармояси ёки қарзга олинган молия маблағлари билан товаккал қилади.

2. венчур фирмасида одатда тез самара берадиган лойихалар ишлаб чиқилади. Ҳамма нарса мақсадга мувофиқлилик ва праворд махсулотни ишлаб чиқаришга бўйсундирилади.

**(Интернетдан) Малўй и средний бизнес.**  
[www.tashkent.uz/section.htm?content\\_pathк/articles/business\\_economics/economics](http://www.tashkent.uz/section.htm?content_pathк/articles/business_economics/economics) (25 Кб)

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожига кичик ва ўрта бизнес катта аҳамият касб этади. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ташкил қилиш жараёни унча катта бўлмаган харажатлар талаб этади ва ишлаб чиқариш ресурслари билан тезда таъминланиб, халқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқариш муаммосини шал қилишда ва янги ишчи уринларини ташкил қилишда яхши самара беради.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг кичик ва ўрта бизнес корхоналари шаҳар аҳолисини 45,7 фоизга яқин махсулотлар билан таъминлаб турибди. Ушбу таъминотнинг 17,4 фоиз миқдоридаги сумма яқка тартибда шуғулланаётган тадбиркорлар ҳиссасига туғри келмоқда.

2001 йилда Тошкент шаҳрида хусусий мулк асосида шуғулланган корхоналар орасида 90,2 фоизи кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига туғри келади.

Кичик ва ўрта корхоналарнинг катта қисми қуйидаги тармоқларда рўйхатга олинган:

Савдо ва умумий овқатланишда – 42,4 %

Саноат - 19,0%

+урилиш - 11,2 %

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таҳлил қиладиган булсак, 2001 йилда 2000 йилга нисбатан 9% га ошган ва жами шаҳар саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришидан 33,7 фоизни ташкил этади.

2002 йилда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг экспорт ҳажми шаҳар экспорт ҳажмининг 14,2 фоизини ташкил қилди.

## 6.5. Тадбиркорлик тузилмалари аъзоларининг узаро муносабатлари.

Тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш турларининг ранг-баранглиги турли мансаб ва лавозимларни эгаллаб турган ташкилот аъзолари уртасидаги узаро муносабатларнинг ҳар хил турларини урнатиш заруриятини келтириб чиқаради. Ташкилот ички муносабатлари турлари унинг ташкилий таркиби тури билан бир хилдир: У куйидаги вариантларни уз ичига олади.

1.Чизикли муносабатлар-бу раҳбар ва унинг кул остидаги уртасидаги муносабатлар. Масалан: Бош бухгалтер ва моддий бойликларни ҳисобга олиш бўйича бухгалтер уртасидаги муносабатлар.

2.Функционал муносабатлар – бу ташкилот доирасида у ёки бу вазифани бажаришга ваколотли булган мутахассиснинг бошқа аъзолар билан муносабатидир. Масалан: Бухгалтер - пул билан таъминлаш, сотиш, реклама, ва бошқа масалалар бўйича сотиш бўлими бошлиги билан функционал муносабатларда булиши мумкин.

3.Бошқарув аппарати муносабатлари – бу кишиларнинг ҳуқуқ ва ваколотларини ифодалаганда руй беради. Бунда лавозим мажбуриятлари тавсиялар маслаҳатлар беришдан иборат булади.

4.Шахслараро муносабатдир. Бундай муносабатлар жамоа ходимлари уртасида бошқариб булмайдиган равишда – ташкилотда қабул қилинган қоидалар курсатмалар одамларнинг хизмат мақомидан қатъий назар вужудга келади.

Жамоа ичида шахслараро муносабатлар муаммоси билан, қупинча кичик корхона раҳбарининг узи шугулланишига тугри келади.

### Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Корхона бошқарув тизимининг ташкилий вазифалари нима?
2. Корхонани бошқариш ташкилий тузилмасининг самарадорлигини таъминлаш учун қандай қоидаларга риоя этиш керак?
3. Алоқа турларини айтинг?
4. Стратификация нима?
5. Чизикли тузилмалар қамчиликлари, афзалликлари нималардан иборат?
6. Лойихавий тузилма нима?
7. Матрицали тузилманинг афзалликлари?

8. Матрицали тузилманинг камчиликлари?
9. Венчур ва инновация тузилмалари нима?
10. Норасмий алоқа нима?

7- Мавзу: Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш

#### **Режа:**

- 7.1. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришининг зарурлиги.
- 7.2. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда давлат томонидан қўрилган чора-тадбирлар.
- 7.3. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришдаги асосий вазифалар.
- 7.4. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг аҳамияти.
- 7.5. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги туғган урни.

Адабиёт : 1, 3, 4, 7, 10, 12, 14, 16, 31, 32.

#### **Таянч иборалар:**

Давлат корхоналари, хусусий корхоналар, хусусийлаштириш, аукцион сотиш, ижарага олиш, мулк хужайини, мулкдор, мулкчилик шакллари, ёлланма ишчи.

7.1. Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришининг зарурлиги.

Бозор муносабатига ўтиш инсон ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишга, боқимандалик этишга, йўқолиб кетган эғалик тўй\усини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, истеъмолчининг ўз измини ўтказишга имкон туғдиради, тадбиркорликка кенг йўл очиб беради. Шу сабабли бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичидаёқ иқтисодиётнинг устивор йўналишлари белгилаб олинди. Бу йўналишлардан бири мулкни амалага ошириш борасида қўпгина чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Янги пайдо бўлаётган нодавлат, яъни ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланаётган ва аҳолига хизмат қўсатаётган хусусий ҳиссдор (акционер)лик, эркин иқтисодий фаолиятига, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш қабилар шулар жумласидандир.

Ўзини мулкдор, мулк хужайини, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хужайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин қуч қайратини юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятини намоён этади, уни ташаббускор қилади.

Хусусийлаштириш натижасида давлатнинг мулкка бўлган монополияси тугатилади ва қўп ўқладли иқтисодиёт реал шаклланиб, эркин иқтисодий фаолиятга кенг йўл очилади.

Хусусийлаштириш жараёнини амалга ошираётган купгина мамлакатлар мулкчилик шакллари узгартириш бўйича тажриба орртирмоқдалар, узига хос ёндашувларни ишлаб чиқмоқдалар. Уларни қуйидагича мумулаштириш мумкин:

- давлат корхоналарини акционерлик жамиятга айлантииб, унинг мол-мулки хисобидан чиқарган акцияларни халкка сотиш. Акция сотиб олган киши мулкдорга айланади;
- ижарага олинган давлат корхонасини ижрачилар жамоаси томонидан узи ишлаб топган пулга ёки қарзга сотиб олиб, уни жамоа мулкига айлантириш. Бунда янги мулкдорлар халк эмас, фақат корхона жамоаси булади;
- давлат мулкни қийматига қараб сертификатлар ёки ваучерларга биноан фуқароларга бепул бериш. Бунда мулк халк уртасида таркатилади, чунки ваучер ва сертификат корхона акциясини олиш ҳуқуқини беради;
- давлат мулкни фақат танилган, ишнинг кузини биладиган, маъсулиятни зиммасига ола биландиган тадбиркорларга, бошқарувчилар (менежерлар) га сотиш. Бунда ҳам маълум катламгина мулк сохибига айланади;
- давлат мулкни хорижий қарзни узиш эвазига чет эл фирмалари ва фуқароларига бериш. Бунда миллий мулк хисобидан хорижий мулк усади.
- давлат мол-мулкни акционерларда «Ким ошди» савдоси оркали сотиш. Бунда ҳам маълум тоифадаги кишиларгина янги мулк сохибига айланадилар.

Бу ёндашувлар хусусийлаштиришдан кузланаётган мақсадга, бу жараёни амалга ошириш динамикаси ва механизмига хусусийлаштириш жараёнларига аҳоли қанчалик кенг қатнашишига боқлиқ. Масалан, а) агар ишбилрамонларни рабатлантириб мулкый маъсулиятни кучайтириш назарда тутилса, у ҳолда хусусийлаштириш сараланган озилик уртасида утказилади; б) агар хусусийлаштириш чет эл капиталининг кириб келишига йул очиш зарур бўлса, у ҳолда давлат мулки хорижийларга бериш шаклида амалга оширилади; в) агар мулкчиликда социал адолатни таъминлаб, ҳамма учун кенг имконият яратиш шар бўлса, у ҳолда хусусийлаштириш бутун, халқ иштирокида утказилади. Масалан,, Россиядаги оммавий хусусийлаштиришдан кузланган мақсад жуда қисқа муддатларда барча давлат корхоналарини батамом акционерлик корхоналарига айлантириш ҳамда чеклар бозорини жорий этиш ҳисобига мулкдорларнинг оят кенг қатламини вужудга келтиришдан иборат эди.

Бундай хусусийлаштиришга иктисодий ва молиявий барқарорликни таъминловчи омил сифатида қаралмоқда. Натижада бозор сари жадал илгарилаб бориш жараёни бўлиб қурунган кенг куламдаги хусусийлаштириш туфайли реал иктисодий жихатдан кучли мулкдорлар таркиб топмади. Аксинча бу жараён туфайли:

- ишлаб чиқариш пасайиб кетди;

- молиявий номутоносиблик кучайди;
- мулкчилик шаклини узгартирган куплаб корхоналар касодга, инкирозга учраш хавфи остида қолди ва арзон гаровга сотиб юборилди.

## 7.2. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда давлат томонидан қурилган чора тадбирлар.

Мулкдорлар кенг катлами ҳисобланмиш ваучерларнинг эгалари урнида молиявий ва холдинг компаниялари чек фондларининг катта тармоғи бюджетга келиб, улар купчилик одамларнинг молиявий саводсизлигидан фойдаланиб, капитал жамғариб олдилар. Бу ҳол жамиятда ижтимоий табақаланишни янада кучайтириб юборди. «Биз, - деб ёзади президентимиз И.А.Каримов, - бозор муносабатларига утишнинг узимиз ишлаб чиққан модели хусусиятларини ҳисобга олиб, хусусийлаштиришни амалга ошириш ва Ўзбекистоннинг кўп укладли иқтисодиётини шакллантиришга принципиал ёндашувларни ишлаб чиқдик ва улар амалиётда ўз тасдиқини топди». Хусусийлаштириш давлат томонидан ишлаб чиқилган, бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида акс эттирувчи фармон ва қарорлар воситасида амалга оширилади. Бу фармон ва қарорларда хусусийлаштиришнинг тартиб ва қоидалари, муддатлари ким томонидан бажарилиши қабилар ўз аксини топади. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ва республика шудудларида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича 50 дан ортиқ давлат дастури қабул қилинди ва улар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Кичик хусусийлаштириш деганда, савдо, уй-жой маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналарининг хусусий ва жамоа (ширкат) мулкни қилиб бериш негизида амалга ошириладиган хусусийлаштириш тушунилади. Иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичида кичик хусусийлаштириш тугалланади. «Энг аввало, - деб таъкидлади президентимиз И.А.Каримов, - кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкни бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш учун керак бўлган муассасалар тизими, махсус органлар тузилди. Бу эса энг асосий яқундир». Савдо тармоғида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

- Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» ассоциацияларига айлантирилди;
- 3-10 кишидан иборат ходим бўлган кичик савдо шаъночалари сотиш йўли билан хусусийлаштирилди;
- ўрта ва йирик дўконлар маҳаллий шокимликлар тасарруфига ўтказилиб, оборот маблағлари акционер, тадбиркорларга сотилди, асосий фондлар эса маҳаллий шокимият ихтиёрига топширилди;
- савдо базалари вақтинчалик давлат тасарруфида қолдирилди, уй-жой ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам хусусийлаштириш анчагина фаол ўтди. Жумладан:



- хусусийлаштириш жараёнида илгари давлат ихтиёрида бўлган уй-жой фондининг 95% идан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди;
- шар 3 кварталнинг биттаси эгаларига имтиёзли шартлар билан ёки бепул берилди;
- уруш фахрийлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, илмий ходимлар, ижодий зиёлилар квартираларнинг бепул эгалари бўлишди;
- кам даромадли, меънатга лаёқатсиз ёки ёлғиз кекса шахслар, биринчи марта қурилган ёш oilалар шамда фуқароларнинг ижтимоий щимояланмаган, кам таъминланмаган бошқа тоифалар, уй-жойга муштожлар учун аниқ мақсадли махсус коммунал уй-жой захиралари ташкил этилди;
- коммунал хизмат кўрсатиш тизими буутунлай мащаллий бошқарув органлари ихтиёрига ўтди;
- минтакаларнинг ащолига коммунал хизмат кўрсатишдаги мустақиллиги ва масъулияти ортди;
- маиший хизмат кўрсатиш тармоғи мащаллий орган ихтиёрига номигагина эмас, балки амалда молия билан топширилди.

1994 йил ўрталаридан бошлаб саноат, қурилиш ва транспорт сощасидаги, агросаноат комплексининг гўшт-сут, озиқ-овқат ва катта тозалаш тармоқларида ўрта шамда йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни башланди.

Кичик хусусийлаштириш босқичида очик турдаги акциядорлар жамиятларини яратиш, корхоналарнинг акцияларни муомалага чиқариш шамда кенг кўламдаги кўчмас мулк ва қимматбащо қоғозлар бозорини барпо этишга асос солинди. Жумладан:

- 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон республикасининг «+имматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонуни чикди;
- республика фонд биржаси ва кўчмас мулк биржаси барпо этилди;
- ахборот, телекоммуникация тизимларини барпо этиш дастури ишлаб чиқилди, давлат мулкани хусусийлаштириш бошланган даврдан бери 1994 йил охиригача 54 мингга яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Мулк шаклларига қараб қуйидагича тақсимланади:

| №   | Мулк шакллари                                 | 1995 йил |     |
|-----|-----------------------------------------------|----------|-----|
|     |                                               | минг     | %   |
| 1   | 2                                             | 3        | 4   |
| 1   | Хусусийлаштирилган корхоналар ва объект щажми | 54,0     | 100 |
| 1.1 | Шу жумладан:<br>Хусусий мулк                  | 18,4     | 34  |
| 1.2 | Акциядорлар мулки                             | 26,2     | 48  |
| 1.3 | Жамоа мулки                                   | 3,7      | 16  |
| 1.4 | Ижара мулки                                   | 0,7      | 2   |

1995 йил йил бошида ҳар уч корхонанинг иккитаси мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган шаклига эга эди.

Бозор ислохотлари натижасида 1996 йилда халқ хўжалигида банд кишиларнинг ва ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг 70 %, қишлоқ хўжалиги маъсулотларининг 97,7 % нодавлат сектор шиссасига тўри келади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларида қуйидаги халқаро ташкилотлар фаол қатнашмоқдалар:

- ЮНИДИО (Вазирлар маъкамасининг ҳузурида, БМТ);
- Европа Шамжамияти Комиссияси Амалий алоқалар маркази;
- Немис техникавий кумаклашув жамияти;
- Марказий Осиёдаги Америка тадбиркорлик фонди;
- Марказий Осиё инвестиция фонди (Буюк Британия ).

ЮНИДИО ёрдамида ўрта бизнес - инкубатор ташкил этилди. ГТЦ томонидан эса кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш маркази очилди. Улар кенг кулабда маслаҳат хизматини кўрсатмоқда ва кадрлар тайёрлашни ташкил этмоқда.

### 7.3. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқаришдаги асосий вазифалар.

Иқтисодий ислох қилишнинг стратегик мақсадларидан келиб чиққан ҳолда иккинчи босқичда давлат мулкни хусусийлаштириш ва ижтимоий йўналтирилган куп ўкладли иқтисодий шакллантириш юзасидан бошланган иш давом эттирилади. Бу иккинчи босқичнинг устивор вазифасидир. Биз шу нарсани аниқ-равшан англаб олишимиз керакки, хусусийлаштириш иқтисодий ислохот натижаси бўлмай, унинг йўналишларидан бири, уни амалга оширишининг энг муҳим йўлларидадир. Хусусийлаштириш натижасида камида иккита асосий вазифа ҳал қилиниши керак.

Биринчидан, бизнинг ихтиёримиздаги мулк ўзининг хужайнига эга бўлиши керак. Мулкни шақикий хужайинлари қўлига топшириш, тадбиркорлик фаолияти олиб боришлари учун уларга кенг имкониятлар бериш - ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мазмунини ана шундан иборат. Бизда шақикий мустақил мулкдорлар қанча куп бўлса, барча кишиларнинг ўз меҳнатлари эвазига юқори иш шақи олишларига имкон берадиган иқтисодий шарт-шароитни шунча тез вужудга келтирамиз.

Хусусийлаштириш давомида шал қилинадиган иккинчи суз билан муҳим вазифа - куп ўкладли иқтисодий ва раббатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришдан иборат. Рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда хусусийлаштиришининг иштироки турличадир. Энг аввало, бу мулкнинг давлат монополияси эканлигига барҳам бериш ва фаолиятнинг шунга ухшаш турлари билан шуўлланувчи ёки бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи хизмат кўрсатувчи, аммо мулкчиликнинг турли шаклларида давлат, жамоа, акционерлик, хусусий ва бошқа

шаклларига асосланган купдан-куп корхоналар ташкил қилишдан иборат. Хусусийлаштириш айрим корхоналар ва фаолиятнинг бутун бир соҳаларига нисбатан мавжуд якка хокимлик тугатиш, эркин иқтисодий ва рақобатилик муҳитини вужудга келтириш учун шароит яратиш имконини беради. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, хом ашё ва материаллар сармоя бозори, ўз маҳсулотини бозор учун иқтисодий беллашув юзага келади.

Хусусийлаштириш жараёнида фақат мулкчилик шакллари узғарибгина қолмай шу билан бирга, энг муҳим, ягона халқ хўжалиги комплекси шароитида таркиб топган тор ихтисослашган тармоқ монополия тузилмаларига ҳам барҳам бериш имконияти тузилган. Шунинг назарда тутиш керакки, хусусийлаштириш чоғида Республика бозорида муҳим роль уйнайдиган айрим ишлаб чиқаришлар ва корхоналарнинг яккахокимлик маънаси сақланиб қолганда соладиган хавф давлат корхонаси бўлиб қолганида соладиган хавфга нисбатан каттароқ бўлади. Ишлаб чиқарилган хусусийлаштириш жараёнининг негизини ташкил қилувчи принципиал қоидалардан келиб чиқиб ҳамда орттирилган тажрибани ҳисобга олиб:

- хусусийлаштириш миқёсларини кенгайтириш ҳамда ана шу жараёнларга амалда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида урта ва йирик корхоналарни киритиш;

- яккахокимлик ишлаб чиқариш хўжалик тузилмаларини ихчамлаштириш улар учун рақобатли бозор муҳитини яратиш;

- Республика аҳолисининг кенг қатламини, хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда қатнашувчи таъминлайдиган хусусийлаштириш механизмининг такомиллаштириш;

- давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналар хусусийлаштиришдан кейинги даврда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

- қимматли қўллар ва кучмас мулкнинг росман бозорини вужудга келтириш Республикада давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштиришининг асосий мақсадлари саналади.

Иккинчи босқичда саноатнинг асосий тармоқлари; ёқил-и-энергетика, кон саноат, машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш комплексларида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни кенг тус олди. Чунинки, «Ўзбекнефтьгаз» корпорацияси тузилишида 1995 йилда 11 объектнинг давлат тасарруфидан чиқариш назарда тутилади. Транспорт корхоналарини, шу жумладан автобус ва таксомотор нархларини ҳам, транспорт воситаларини хусусий мулк қилиб сотиш орқали давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни давом этади.

Иккинчи босқичда хусусийлаштирилган корхоналарнинг унумли ишлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга, тадбиркорликнинг фаол қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилиши лозим. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида олинган маблағлардан биринчи галда янги хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида фойдаланиш керак. Бундан ташқари, бу

мабла\ларни энг куп самара берадиган инвестиция лойихаларини амалга оширишга, фан билан бо\лиқ ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга сарфлаш даркор. Шунингдек, уларни хусусийлаштирилган корхоналарни бозордаги талабга мувофиқ равишда маъсулот ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштиришга йуналтириш мақсадга мувофиқдир.

#### 7.4. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ахамияти.

Хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш юзасидан белгиланган тардбирларнинг амалга оширилиши бозор иқтисодиётини таркиб топиши йулида олга томон яна бир амалий кадам ташлашимизга имкон беради. Ўзбекистон Республикасининг +онун «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ту\рисида»ги ушбу қонун самарали, ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни ўзгартиришнинг ташкилий шукукий асосларини белгилаб беради.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат орхоналарини ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, акция жамиятларига, маъсулияти чекланган жамиятларга, давлатга қаршли мулк булмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантиришдир. Хусусийлаштириш фуқароларининг ва давлатга таалуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишдир.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ту\рисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ушбу +онунда шамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан, мазкур ҳужжатларда қузда тутилган ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти шукзуридаги Вазирлар Маъкамаси қраорларидан шам иборат бўлади.

+орақалпо\истон Республикаси шудудидаги корхоналарни ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, +роқалпо\истон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Республика худудидан ташқаридаги мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ушбу қонун ва давлатлараро шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

+уйидагилар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг асосий принциплари шисобланади:

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш вақтида мулкни пулли ва пулсиз топширишни қушиб бориш;
- пулсиз ва пулли хусусийлаштириладиган мулкдан улуш олишда фуқароларнинг шукуклари тенглиги;
- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тардбирларини амалга ошириш устидан давлат ва жамоат назоратини қуйиш;

- монополияга қарши қонунлар талабларига риоя этиш.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини тулиқ равишда ёки қисман давлат тасарруфидан чиқарилади:

+уйидаги объектлар ер, ер ости бойликлари, сув, усимлик, шайвонот дунёси, бошқа табиий ресурслар, маданий бойликлар ва тарихий бойликлар давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаштирилмайди:

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг махсус қонуларига мувофиқ амалга оширилади. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш чо'лида: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатга таалуқли булмаган. Ўзбекистон фуқаролари ташкил этган юридик шахслар собиқ СССР дан ташқаридаги ажнобий юридик шахслар, фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахслар мулкни олувчи субъектлар булиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти билан шуқулланиш ман этилган шахслар давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектларни сотиб олиш мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш – давлат корхонасини, акцияли жамиятга, бошқа йусиндаги хужалик жамияти ёки ширкатига айлантириш - ижара корхоналари мулкни келгусида шак тулаб сотиб олиш эхтимоли билан давлат корхонасини ижара корхонасига айлантириш:

Ўзбекистон Республикаси давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни куйидаги шартларга риоя этган шолда амалга оширилади:

- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шакллариини меҳнат жамоалирининг мустақил аниқлаш;
- давлат тасарруфидан чиқарилаётган ва хусусийлаштирилаётган корхоналар меҳнат жамоаларининг ижтимоий жихатдан мухофаза қилинишини таъминлаш;
- давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг тула ошкоралиги шамда бу шакда ахборот эълдон қилиш, корхоналар ходимлар томонидан, касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий ташкилотлар назорат қилиш.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларни Ўзбекистон Республикаси Президенти шузуридаги Вазирлар Мащкамаси ёи у ваколат берган идоралар шамда халқ депутатлари махаллий советларининг ижроия кумиталари уз шуқуқ доираларида шакқикий широйтни шисобга олиб ишлаб чиқарадилар ва дастурларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ёки халқ депутатлари махаллий советларида тасдийлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ту'рисида қарор қабул қилиш шуқуқи Ўзбекистон Республикаси шузуридаги Вазирлам Мащкамаси ёки у вакил қилган идораларга берилади:

Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ўтказиш тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни ўтказиш ташаббуси



билан чиқиш шукукий фуқаролар давлатга таалуқли бўлмаган юридик шахслар, меҳнат жамоалари давлат мулкни тасарруф этувчилар эгадирлар:

Давлат мулкни тасарруф этувчи давлат мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурига киритилган объект бўйича харидорлардан бюртма ва меҳнат жамоасининг қарори бор йўқлигидан қатъий назар хусусийлаштириш амалга оширади.

7.5. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги тутган урни.

Корхонани давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган мол мулкни таркибини аниқлаш, унинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларини инвентаризациядан ўтказиш ишлари олиб борилади:

Комиссия корхонани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш режасини ишлаб чиқади ва давлат мулки объектларини тасарруф этувчига тасдиқлаш учун тақдим этади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш объектнинг сотувнарни давлат мулки объектларини тасарруф этувчи белгилайди:

Давлат мулки объекти қийматининг дастлабки баҳосини комиссия ҳақ тулаб сотиб олинadиган, сотиладиган, акцияли жамиятга ташкилотларнинг мол мулк қийматини баҳолаш туғрисида Ўзбекистон Республикасининг Президенти шўзуридаги Вазирлар Маъкамаси тасдиқлаган Низом асосида чиқаради. Давлат корхонасига айлантириладиганда корхона балансида бўлган ижтимоий инфраструктура ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш объектларининг савдо баҳсига киритилмайди.

Ижарачи давлат мулки объектларини тасарруф этувчи розилиги билан ўзи ижарага олган мол мулкни шўқ тулаб олиши мумкин:

Ижарага олинган мол-мулкнинг баҳосини шўқини тулаб олинadиган, сотиладиган, акцияли жамиятларга ва давлат корхоналарига, ташкилот мол-мулкдаги ҳамда фойдадаги ўлуши унинг иш стажини, иш шўқи миқдори ҳисобга олинади.

Давлат корхонасини жамоа корхонасига айлантириш давлат мулкни меҳнат жамоаси аъзолари томонидан сотиб олиш орқали ёки бу мулкни ўларга текин бериш орқали амалга оширилади.

Меҳнат жамоаси томонидан тасдиқланадиган жамоа корхонасининг уставида шўқ тулаб олинган мол-мулкнинг ходимлар ўртасида тақсимлаш тартиби кузда тутилади. Давлат корхонасини акцияли жамиятга, ўзга хўжалик жамиятига ёки масъулиятли жамиятга айлантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади:

Давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар давлат акцияли жамиятларининг муассаслари ўлар акцияларни таркиатиш тартиби ва шартларини белгилайдилар. Давлат мулки объектлари танлов бўйича сотилиши мумкин:



Танловни ўтказиш шартлари, тартиби, муддатини давлат мулки объектларини тегишли тасарруф этувчи тайинлайдиган танлов комиссия белгилайди.

Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектларининг ким ошди савдосини ўтказиш учун хизматлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ иш куради:

Харидор томонидан сотиб олинмаган объект Республика мулки бўлиб туради. Давлат мулки объектларини тасарруф этувчи мол-мулкни янги мулкдорга топшириладиган мулкдорлик шукўқини тасдиқловчи ордер беради:

Давлат корхоналарини ҳақини бўлиб тулаш шарти билан сотиб олинган тақдирда мулкдорлар шукўқини тасдиқловчи ордер шақининг биринчи бадали тулангач берилади.

Жисмоний шахсларнинг давлатга таалуқли булмаган юридик шахсларнинг ўз маблаълари кредитлар ва бошқа молиявий маблаълар.

Давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган давлат корхонаси меҳнат жамоасининг аъзолари манбалари ҳисобига сотиб олишлари мумкин:

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида давлат мулки объектларини тасарруф этувчи билан янги мулкдор уртасида узаро мажбуриятлар шақида муайян даврга мулжалланган битим тузилиши мумкин:

Давлат корхоналари давлат тасарруфидан чиқариладиганда ва хусусийлаштириладиганда шу ердан пенсияга кетган меҳнат фахрийларига 10 йил ишлаган жамоасининг аъзоларига акциялар, бошқа мулклар бўлиб шак тулаш орқали сотилиши мумкин:

Давлат корхоналарининг мол-мулкни сотиб олиш чоғида меҳнат жамоасининг аъзолари устивор шукўларига эга буладилар:

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш оқибатида қайта тузилган солиқ тулашда енгилликлар бериш мумкин:

Бушатиладиган ходимларни ишга жойлаштириш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат туғрисидаги иш билан таъминлаш туғрисидаги қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат мулки объектларини тасарруф этувчилар жамоатчилик билан шамда давлат шокимияти ва бошқарув идоралари билан бирга давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш чоғида фойдаланадиган пул маблаълари келиб чиқиш устидан Ўзбекистон республикаси қонунларигиша мувофиқ давлат ва жамоат назорати урнатилишини таъминлайдилар.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалари юзасидан бахслар суд тартибида ҳал этилади.

## Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан асосий мақсад нима?
2. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришда қандай корхоналар ва мулклар хусусийлаштирилмайди?
3. Давлат корхонасининг жамоа корхонасига айлантиришда нималарга эътибор берилади?
4. Ўзбекистон Республикаси давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш қандай шартлар асосида амалга оширилади?
5. Хусусийлаштириш давомида шал қилинадиган мушм вазифа асосан нималардан иборат?
6. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларида қайси шалқаро ташкилотлар қатнашмоқдалар.
7. +орақалпо\истон Республикасида корхона ва ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш қандай қонун шужжатлари билан тартибга солинади?
8. Давлат бюджетидан ажратилган мабла\лардан давлат мулкани сотиб олиш манбаи сифатида фойдаланиш мумкинми ва нима учун?
9. Давлат корхонасини ўзга хўжалик жамиятига ёки маъсулияти чекланган жамиятга айлантириш тартиби қандай белгиланади?
10. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тў\рисида» ги қонуни қачон қабул қилинган ва унинг асосий мақсади нима?

## 8 - Мавзу: Биржа ва брокерлик фирмаларининг мохияти ва ишлаш тартиби

### Режа:

- 8.1. Биржа шаклида тушунча, унинг турлари, функцияси ва асосий қоидалари.
- 8.2. Биржа Устав Фонди шаклида. Биржа мулки, олий органи ва биржани бошқариш.
- 8.3. Брокерлик фирмалари шаклида тушунча.
- 8.4. Брокерлик фирмаларининг асосий субъектлари.
- 8.5. Тадбиркорликни ривожлантиришда биржалар ва брокерлик фирмаларининг аҳамияти. Биржалар тў\рисидаги +онунларнинг қабул қилиниши.

Адабиётлар: 7, 8, 9, 12, 14, 15, 16, 22, 24, 25, 45, 52.

### Таянч иборалар:

Биржа, устав фонди, брокер, дилер, маклер, трейдер, брокерлик фирма, товар биржаси, меҳнат биржаси, молия биржаси, жаҳон биржалари.

## 8.1. Биржа шақида тушунча, унинг турлари, функцияси ва асосий қоидалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида биржа ва брокерлик фирмаларининг фаолияти мушаммас ашамият касб этади. Улар фаолиятини яхшилаш, янада такомиллаштириш устивор вазифалардан ибири шисобланади.

Ўзбекистонда биржа фаолиятининг бошланиши 1991 йилнинг март ойида очик типдаги акциядорлик жамияти сифатида «Тошкент» универсал республика товар фонд биржасининг очилиши билан боглиқ.

Шу давр мобайнида қарийиб барча вилоятларда купилий вазирлар ва идораларда 36 та товар хом ашё биржалари очилди. Аммо қонуний, меъёрий-шуқуқий базанинг йуқлиги, шунингдек биржа фаолияти бобида амалий тажрибанинг шамда биржаларнинг экспорт учун товарларга лицензиялар берадиган ташқи иқтисодий органлар, божхона хизмати, молия ва солиқ идоралари билар узаро алоқалар механизмининг йуқлиги туфайли аввал бошданок «биржа», «брокер» фаолияти билан боглиқ бошқа ўзига хос воқеаларнинг обриси тушиб кетди.

1992 йил июн ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Биржалар ва биржа фаолияти тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси +онунини қабул қилди.

Бу қонун билан биржа, биржа товари ва биржа фаолияти тўгрисида асосий қоидалар белгиланади. +онунга кура биржа-юридик шахс бўлган корхонадир. У белгилаб қуйилган қоидалар асосида шамда олдиндан белгиланган жойда ва маълум вақтда ошкора савдо ўтказиш йули билан биржа товарларининг эркин улгуржи савдосини уюштириш учун шарт-шароитлар яратади.

«Биржа»-сузи узи голландча суздан олинган булиб «хамён» деган маънони англатади ва у бозорни уюштиришнинг ташкилий шакли хисобланади. Бозор иқтисодиёти инфраструктурасида ва унинг воситачилик таммоқларида биржалар катта ашамият касб этади. Биржаларнинг бир неча хили булиб, улар асосан товар, меҳнат ва бошқа биржалардан иборат. Обороти бўйича биринчи уринда товар биржаси туради.

Жахон товар биржасида бор йуги 100 га яқин товар хиллари савдоси амалга ошиб, бунда қишлоқ хўжалик товарлари сезиларли ва катта уринни эгаллайди. Шунга қарамай, умуман, товар биржаларининг йиллик обороти 3,5-4 миллиард доллар ёки шундай товардар жахон савдоси оборотининг деярли 1-3 қисмини ташкил этади.

Энг йирик биржа марказлари А+Ш, Англия ва Японияда жойлашган, Жахон халқаро биржа оборотининг 90 % и уларга тугри келади. Ўзбекистонда шам биржалар пайдо бўла бошлади.

Товар биржаси бу доимий ҳаракатдаги бозор қурилишларидан бўлиб, асосан оммавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, озиқ-овқат ва хом-ашё савдоси билан шуғулланиб, бунда товарларнинг бир хиллиги асос бўлиб хисобланади. Савдода бевосита товарларнинг узи қатнашмай, белгиланган

стандарт ва нишонлар билан олди-сотди қилинади. Бунда биржа контракт асосида қатъий белгиланган сифат ва олиб келиш мухлати аниқ курсатилиб иш тутилади. Шунинг учун биржадаги савдода товарлар кулдан-кулга утмай уларнинг шуқуқлари, яъни уларга эгалик шуқуқини берувчи расмий қўғозлар кулдан-кулга утади. Бир товар устида бир неча марта шундай ходиса бўлиши мумкин.

Одатда товар биржасида икки усулда савдо амалга ошириши мумкин: реал товар устида келишув ва мухлатли (фьючерли) келишув юз беради. Фьючер келишувида фақат товарга бўлган ҳуқуқнинг олди-сотдиси юз беради, яъни шуқуқий расмий қўғоз савдоси амалга ошади. Бу хил биржа айниқса, ривож топган мамлакатларда кенг авж олган. Чунки реал товар биржа савдоси атиги 1-2 % ни ташкил этса, қолгани фьючер биржасига тўғри келади. Бунинг талаби жуда кучли бўлиб, уни бекор қилиш айрим ҳоллардигани юз беради.

Товар биржалари 2 хил бўлади:

1. очик биржалар - бундай биржаларда унинг аъзолари билан бир қаторда бошқа соҳибкор ёки тадбиркор ҳам савдо қила олади;
2. Ёпиқ биржалар - бундай биржаларда фақат шу биржанинг аъзоларигина савдо битимларини туза олади.

Биржа савдолашувида ташкил топган нархлар биржа котировоклари деб юритилади ва улар ҳар куни эълон қилиниб борилади.

Биржа товарлари - туркумига рангли металллар, ипак, пахта, дон, шакар, кофе, каучук ва бошқалар киради. Биржалар товар сотиш бўйича ихтисослашади. Товарлар биржаси даромади биржа муомиласи иштирокчилари тулайдиган хизмат щикадина ташкил топади.

Молия биржаси – фонд биржаси бозор инфраструктурасининг муҳим бугуни қиммаббаҳо қўғозлар, валюта олди-сотдиси бўйича мунтазам ҳаракатлар ўтказувчи ташкилот. Эркин пуллар эҳтиётдан ортиқча буш шароитларда давлат пулларини сотиб олиш ишларига аралашади. Банклар, пуллардан кредит манбалари сифатида фаол фойдаланади. Улар кредит ёрдамида маблағларини тармоқлар ичида ва тармоқлар уртасида қайта тақсимлайдилар. Молия биржалари фаолиятини йирик банклар билан биргаликда олиб борилади.

Мехнат биржаси - ишчи хизматчи ва корхона уртасида ишчи кучини сотиш, сотиб олиш бўйича келишувни амалга оширадиган воситачи вазифасини утайди. Биржа таклиф ва талабни бир-бири билан боғлайди. Бир вақтда сотувчи ва харидор номидан иш тутилиб, рўйхатга олинади ва талаб бир жойга келишилган ҳолда маъқул корхона, ташкилотга юборилади. Биржалар ишчи кучининг сотилиши билан боғлиқ вазифаларни бажариб, заруриятга қараб янги ҳунар урганиш ва бунинг учун ўқув ташкил қилиш, малакасини ошириш каби ишларни ҳам бажаришлари керак. Бунинг учун сармоя сотувчи ва харидорлар томонидан тушади. Мехнат биржаларининг тўб мазмуни иш топиш, иш кучидан фойдаланиш имконини аниқлашдан иборатдир.

Республикамизда ҳам меҳнатга яроқли кишиларни иш билан таъминлаш муҳим иқтисодий –иҷтимоий муаммолардан ҳисобланади. Республикада куп талаб қилувчи тармоқлар озик-овқат саноати, енгил саноат, маиший хизмат курсатиш соҳаларига нисбатан секин усадики, бу ишсизликка олиб келди. Айниқса, совет империяси даврида йирик шаҳарларга саноат, қурилиш, транспорт ва бошқа айрим соҳаларга четдан куплаб ишчи-хизматчилар жалб қилинди. Бу эса маҳаллий аҳоли орасида ишсизликнинг ортиб боришига сабаб булди. Ишчи кучи бозорининг шаклланиши асосан 1992 йилдан шакллана борди, чунки шу йили аҳолини иш билан таъминлаш туърасида махсус қонун қабул қилинди. Ҳозирги кунда Тошкентда ва республикамизнинг бошқа вилоятларида меҳнат биржалари фаолият курсатмоқда.

## 8.2.Биржа Устав Фонди шақида. Биржа мулки, олий органи ва биржани бошқариш.

Биржа фаолияти талаб ва таклифнинг амалдаги нисбатини аниқлаш ва шунинг хисобга олиб нархларни шакллантириш асосида биржа товарларининг улгуржи бозорини вужудга келтиришга қаратилган ҳаракатлар мажмуидан иборат. Мудк шу жумладан, кучмас мулк, махсулот етказиб бериш учун хизмат курсатиш, шартномалар, ақлий (интеллектуал)мулк, қимматли қоъозлар, валюта маблаълари шамда фуқаро оборотиға тушаётган бошқа товар-биржа товаридир. Ер, унинг қазилма бойликлари, сув ва бошқа табиий ресурслар, миллий маданий ва тарихий бойликлар шамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси белгилаб қуядиган товарнинг бошқа турлари биржа товари була олмайди.

+онунда биржа Устав Фондининг энг оз миқдори белгилаб қуйилган, шунингдек унда давлат ҳокимиятининг ва бошқарувининг олий шамда маъаллий органлари, давлат банклари ва давлат кредит муассасалари (банклар фонд ва валюта биржаларининг муассасалари булиши мумкин). Давлат суъурта ва давлат инвестиция компаниялари ва фондлари, жамоат, диний ва хайрия уюшмалари (ташкilotлари) ва фондлари, шунингдек қонунчиликка биноан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошира олмайдиган жисмоний шахслар биржа муасасалари була олмаслиги аниқ ифодааланган.

+онунда биржанинг шакли ва турлари курсатилган. Биржалар хужалик жамиятлари: очик ва ёпиқ акционерлик жамиятлари, маъсулиятли чекланган жамиятлар ва бошқа шакллардаги уюшмалар сифатида тузилиши мумкинлиги қонунда таъкидланган.

+онунда белгилаб қуйилишича, биржа унинг уставига мувофиқ тарзда бошқарилади. Биржа бошқарув таркибий тузилиши, шакли ва усулларини мустақил белгилайди.

Биржа уставида қуйидагилар белгилаб қуйилиши керак:

- биржанинг номи ва унинг тури;
- биржа фаолиятининг мазмуни ва маъсадлари;
- устав фондининг миқдори;

- муассислар томонидан биржа фондига улуш кушишининг таркиби ва муддатлари;
- даромадларни тақсимлаш ва қурилиши мумкин булган зарарларни қоплаш тартиби;
- биржа муассасалари ва аъзоларининг мулкӣ жавобгарлиги;
- биржани бошқариш органлари, уларни ташкил этиш тартиби ва ваколати;
- биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби;
- биржа аъзолигига қабул қилиш тартиби, аъзоликни тухтатиб қуйиш ва аъзоликдан чиқариш, биржа аъзоларининг шуқуқ ва мажбуриятлари;
- биржани қайта тузиш ва қонунчиликка зид булмаган бошқа қоидалар ҳам булиши мумкин;

Биржа амалдаги қонунчилик ва узининг устави негизида биржа савдоси қабул қилиш ва биржа савдоси қатнашчиларидан уни ижро қилишни талаб қилиш шуқуқига эга. Биржани вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Биржа савдосини ўтказиш учун шарт-шароитлар яратиш;
2. Биржа операцияларини тартибга солиш;
3. Товарларга талаб ва таклиф нисбати асосида нархлар котировкасини амалга ошириш;
4. Биржа аъзолари ва қатнашувчиларига ташкилий ва бошқа хизматлар курсатиш;
5. Мунтазам (ҳафтасига камида 1 марта) нархлар котировкаси, индекслар ўзгариши, савдо вақти, товарлар, битимлар ҳажми, контрактлар миқдори ва бошқа курсатмалар, товарлар бозорининг аҳволи ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тахлилий ахборотлар эълон қилишдан иборат.

Ҳонунда биржа фаолияти қуйидаги қоидалар асосида амалга оширилиши мустаҳкамлаб қуйилган: аниқ жойи ва вақтини олдиндан белгилаб қуйиш йўли билан биржа савдоларининг самарадорлигини таъминлаш: биржа товарлари бозорини шакллантириш: бозор нархларини эркин тарзда юзага келтириш: савдоларни ошкора ва оммавий ўтказиш: биржа битимларини тасдиқланган қоидалари ва шу битимларни руйхатга олиш асосида эркин тузиш; товар нархи котироўвқасини ўтказиш ва бу ҳақида ахборот эълон қилиш; монополияга қарши қонунчиликка риоя қилиш.

Биржага аъзолик 3 қоида бўйича қабул қилинади:

1. Тегишли шахсларга қонунчилик асосида, тадбиркорлик билан шуғулланиш ман қилинмаган кишилар;
2. Биржа уставида ва кенгашида аъзолар учун қуйилган талабларга жавоб бера оладиган кишилар;
3. Биржага аъзо булувчилар тегишли пай олиши ва брокерлик урнини тулай олишлари керак.



Биражада бошқаришнинг энг олий органи бўлиб акционерлик умумий йи\илиш шисобланади. Биржани бошқаришни қуйидаги органлар амалга оширади:

- акционерлик йи\илиши;
- биржа кенгаши;
- ревизия комиссияси ва бошқалар. Биржанинг ёрдамчи тизими:

1. Орбитраж комиссияси унинг вазифаси эса; а) битишувлар томонлар уртасида тузган шартномаларни расмийлаштириш; б) шартномаларнинг ту\рилигини назорат қилишдан иборат;

2. Котировка комиссияси; унинг вазифаси: а) биржа нархларини нашрга тайёрлаш; б) баҳо ҳаракатини таҳлил қилишдан иборатдир.

3. Маклериат унинг вазифаси:

а) биржа залида биржа савдосини утказишни таъминлаш; б) турли ихтисосликда биржа малерларини норасмий равишда бирлаштиришдан иборат. Биржада брокерлик дилерлар, трейдерлар фаолият курсатадиларки, бу брокерлик фирмаларининг фаолиятини белгилаб беради.

### 8.3. Брокерлик фирмалари шаклида тушунча.

Брокерлар (инглизча-broker), маклерлар-фонд, товар, валюта, су\урта ва фракт бозорларида (халқаро миқёсида юк ташиш ёки фойдаланиш учун кемаларни ёллаш; транспорт хизматининг олди-сотди қилиниши, жаҳон бозорининг бир тури) сотувчилар ва харидорлар (мижозлар) уртасида товарлар, қимматбаҳо қў\озлар валюта ва бошқа ноёб нарсалар билан олди-сотди қилишга ёрдам беради. Биржа, су\урта, кемачилик, валюта брокерлари каби турлари мавжуд. Брокерлар одатда мижоз топшири\ига кура ва унинг шисобига иш юритади, кафолат берувчи шисобига уз номидан савдо битимлари асосан брокерлик идоралари, фирмалар ёки уларнинг филиаллари орқали расмийлаштирилади. Воситачилик қилгани учун олди-сотдининг муайян проценти миқдорида шак (брокериж) олади.

### 8.4. Брокерлик фирмаларининг асосий субъектлари.

Брокерлар бевосита товарларни курмай битимлар тузади ва товарни ту\рисида харидорга жунатади, томонларнинг таклифлари шам брокерлар орқали утади. Йирик брокерлик жамиятлари харидорга қарз беришда банклар билан шамкорлик қилади, айрим ҳолларда узлари кредитор буладилар, битимлар бажарилишига кафилликни шам уз буйниларига оладилар.

Дилерлар эса, мустақил савдо қилувчи брокерлардир. Ёки уларни ишбилармон савдогарлар деб айтиш мумкин. Дилер уз хисобига биржа ёки савдо воситачилиги билан шу\улланади. Дилерлар асосан фонд биржаси аъзолари бўлиб, қимматбаҳо қў\озлар, валюталар, қимматбаҳо металллар олди сотдиси билан шу\улланади. Дилер баъзан брокер сифатида иш куради, шунингдек улардан фарқ қилади. Дилерлар брокерлардан фарқ қилган ҳолда, сотиб олинган товарларнинг эгаси узлари буладилар.

Шунингдек, дилернинг брокер ва савдо агентидан фарқи даромадининг мукофотлар ва туловлардан эмас, балки сотиб олинadиган ва сотиладиган товарлар нархи уртасидаги фарқдан тушадиган фойдадан ташкил топишда.

Трејдерлар - бу биржанинг савдо зонасидаги брокер вакили, фирма номидан сотиш ва харид учун буюртмалар қабул қилади.

Брокер амалиётида 2 хил йул билан иш юритишлари мумкин:

1. Брокерлар тулиқ мижоз номидан иш курадилар:

2. Мижоз учун уз номларидан иш юритадилар:

1-хoлатда-талаб шартномаси:

- хoлатда воситачилик шартномаси тузилади: брокерларнинг вазифалари:
- брокер мижозини биржадаги нарх-наво, ахвол билан таништириб бориши керак;
- агар сотувчи брокер буладиган бўлса, мижоз товар тула маълумотига эга булиши керак (қандай партия, упаковки, о'ирлиги, тури ва х.).
- агар мижоз рози бўлса, муддати кечиктирилган шартномалар тузиши мумкин.

8.5. Тадбиркорликни ривожлантиришда биржалар ва брокерлик фирмаларининг ахамияти. Биржалар ту'рисидаги +онунларнинг қабул қилиниши.

Ўзбекистонда биржа фаолиятининг юзага келиши ва равнакининг 1-боскичи тажрибасини умулаштириб қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Собиқ иттифоқ тарқалиб кетганидан кейин ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон собитқадамлик билан босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ута бошлади.

2. Купдан-куп брокер идоралари тармо'и билан универсал товар фонд биржасининг очилиши муайян даражада иқтисодиётнинг илгари режа асосида ва давлат таъминот тизимига кура бо'ланиб турган барча сохаларида узилиб қолган хужалик алоқаларини тиклашга имкон беради.

3. «Тошкент» биржаси МДХ худудидаги бошқа биржалар билан фаол щамкорлик қилани, шунингдек унинг биржалараро иттифоққа, МДХ мамлакатлари биржалар конгрессига, Урта Осиё Республикалари ва +озо'истон биржалари уюшмасига аъзо бўлиши бир қадар булсада, куп йиллар давомида таркиб топган иқтисодий мухитни асраб, кувватлаб турди.

4. Биржа иши амалиётида биржа савдолари техникаси – технологияси ва қоидалари пишитилди, чет эл биржалари тажрибаси урганилди ва жорий қилинди, брокерлар ва бошқа мутахассислар тайёрланди.

5. Биржалар нархнинг узгариши, иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши хусусидаги иқтисодий ахборотнинг мухим манбаи булиб қолди. Биржа савдолари натижаларига кура, четдан ташиб келитириляётган товарлар ва

экспорт махсулотларига, айниқса пахта толасига нархлар катировкаси шакллана бошлади: бу эса жахон бозоридаги талаб ва таклифни ҳисобга олиб, нархлар даражасини белгилашни таъминлади ва харид нархларининг узгаришига асос булди.

6.1992 йил май ойида Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши «Биржалар ва биржалар фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилди ва унда биржа мақоми, биржа фаолиятининг тартиби, хўжалик ва молия органлари кабилар билан узаро муносабатлари белгилаб берилди. бу қонун Ўзбекистонда биржа фаолиятининг ривожланишида 1-босқич бўлиб хизмат қилди.

1994 йил 21 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ислошотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкнинг химоя этилишини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари тўғрисида» қабул қилинган фармони биржа фаолиятини ривожлантиришга янги шароит яратди. Мазкур фармоннинг 11-банди алоҳида аҳамиятга эга, унда товар хом ашё биржалари иштирокида корхоналар ва хўжаликлар ихтиёрида қолган товарлар ҳамда маҳсулотларни сотиш юзасидан улгуржи ярмаркалар ташкил этиш ва утқачишни амалда татбиқ этиш кузда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 28 февралдаги «Узугуржибиржасавдо» уюшмасини таъсис этиш ва унинг таркибида Республика акциядорлик товар хом ашё биржасини тузиш тўғрисидаги фармони ҳам катта аҳамиятга эга.

Хуллас, биржа ва брокерлик фаолиятини ривожлантириб, янада такомиллаштириш бир қатор ислошотлар олиб борилмоқда.

### Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Биржа деганда нимани тушунаси?
2. Бозор иқтисодиёти шароитида биржалар фаолиятининг аҳамияти?
3. Биржалар қандай бошқарилади?
4. Ўзбекистон Республикаси «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонуни қачон қабул қилинди?
5. Биржаларнинг қандай турлари мавжуд?
6. Энг йирик биржа марказлари қайси давлатларда жойлашган?
7. Брокерлик фирмалари нима?
8. Брокерликнинг тадбиркорлик фаолиятида қандай аҳамияти бор?
9. Брокерлик асосий субъектлари кимлар?
10. Биржа Устав фонди нима?

### 9-Мавзу: Агросаноат мажмуи тармокларида тижорат ва

уни ривожлантириш истикболлари.

9.1. АСМ нинг мохияти ва мазмуни.

9.2. АСМ нинг таркибий қисмлари.

9.3. АСМнинг халқ хужалигида тутган урни.

9.4. АСМ да тижоратни жорий қилиш йуллари.

9.5. АСМда тижоратдан фойдаланиш ва унинг самарадорлиги.

9.6. Истикболда АСМ нинг тижорат соҳасини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари.

Адабиётлар: 3, 5, 6, 7, 8, 9, 12, 29, 30,35, 43, 50.

### Таянч иборалар:

Агросаноат мажмуи, товар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, юклаш, жунатиш, агробизнес, истеъмолчи, дифференциация, фермер хужалиги, деҳқон хужалиги, агрофирма.

#### 9.1. АСМ нинг мохияти ва мазмуни.

Агросаноат мажмуи (АСМ) - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиб бериш бадн бўлган халқ хўжалиги тармоқларининг йи\индисидир. Агросаноат мажмуига қирувчи тармоқларнинг барчаси яхши натижада мушм вазифани-мамлакатни озик-овқат ва қишлоқ хўжалик хом-ашёси билан таъминлаш вазифасини бажаради.

Аграр сектор ривожлантиришда шозирги босқичнинг асосий хусусиятларидан бири-яхлит ишлаб чиқариш иқтисодий система булган агросаноат мажмуини шакллантиришдан иборатдир.

Ўзбекистонда агросаноат бирлашмалари маҳсулотнинг шаклланишига тугридаг-тугри 80 дан ортиқ шалқ хўжалиги тармоқлари қатнашмоқда.

#### 9.2. АСМ нинг таркибий қисмлари.

Агросаноат мажмуи 4 та соҳани ўз ичига олади. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчи соҳа. Бунга қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берадиган ва техник хизмат курсатадиган саноат тармоқлари қиради, яъни трактор, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, чорвачилик ва озик ишлаб чиқариш учун машинасозлик, мелиорация ишлари учун ускуналар ишлаб чиқариш озик-овқат саноати, савдо ва умумий овқатланиш учун машинасозлик, ихтисослаштирилган автотраснпорт (сут мол ташийдиган машиналар, ем ишлаб чиқарадиган) ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик томорқа инвентарлари, минерал у\итлар химия тармоқлари, озик-овқат мажмуининг барча соҳалари уун автоттранспортларга йуллар қурилиши, озик-овқат мажмуининг мелиорация

ишлари ва хоказолар. Бу сощада АСМ умумий мащсулотининг 15% яратилади.

Иккинчи соща. Бу кишлок хўжалигининг узидир. Шунингдек, бу сощага урмон хўжалиги, ащолининг томорка хўжалиги, баликчилик, туз ва минерал у\итлар казиб олиш киради. Бу сощада АСМ умумий мащсулотининг 45% яратилади.

Учинчи соща. Бунга кишлок хўжалик мащсулотларини истеъмолчиларга етказишгача бўлган тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, юклаш, жунатиш, сотиш каби тармоқлар киради. Бу сощада АСМ умумий мащсулотининг 39 % яратилди.

Туртинчи соща. Бу соща кишлок хўжалиги мащсулотларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган кишиларга шарт-шароит яратиш ва хизмат курсатиш (инфраструктура) билан бо\лиқ тармоқларни ўз ичига олади. Унга кишлок хўжалигини ишлаб чиқариш техникавий таъминоти, агрохимия ва ветеринария хизмати, кишлок хўжалиги мащсулотини тайёрлаш, транспорт ва йул хўжалиги алоқа щамда маълумот-щисоблаш хизмати ва хоказолар киради.

Агробизнес деганда кишлок хўжалиги сощасидаги бизнес тушунилади ва у бозор тизимининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этади. Кенг маънода бунга кишлок хўжалиги бо\лиқ бўлган бизнес турлари киради. Агробизнес ривожланган бозор иқтисодиётига хос таркибан унга кишлок хўжалигининг узидидаги шу соха мащсулотини қайта ишлаш ва истеъмол етказиб бериш билан бо\лиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятлари киради.

Агробизнеснинг мақсади бозорни керакли мащсулотлар билан канда қилмай ва тула туқис таъминлаш орқали фойда қуришдан иборат. Агробизнес иштирокчилари – бу тадбиркор саноат тадбиркорлари ва нищоят шу мащсулотни сотиш билан шу\уullanувчи тижоратчилардир.

Булардан ташқари агробизнес доирасига банклар, су\урта ва молия компаниялари щам тортилади. Агробизнес илгарилари кишлок хўжалиги билан чекланса, кейинчалик у агросаноат интеграцияси натижасида агросаноат комплексини қамраб олади. Агар дифференциация саноатнинг кишлок хўжалигидан ажралиши бўлса, интеграция уларни бир – бирига чирмашиб кетиши ёки уларнинг синтезидир. Агробизнеснинг бирламчи бугини фермер (дехқон) хўжалиги щисобланади, чунки у кишлок хўжалиги мащсулотларини яратади.

Бу хўжалик уз еридан ёки ижарага олинган узга ерида юритилади, аммо ерга фермер мулки кенг ривожланган булади. бу хўжаликда мулк сохиби ва ишлаб чиқарувчи айнан бир шахс щисобланади, мулк мешнатдан ажралмай у билан бевосита бо\ланади. Куп щолларда фермер хўжалиги фермернинг ўзи ва оила аъзоларининг мешнатини ёлланма мешнат билан биргаликда қулланилишига асосланади. Фермер хўжалиги кичик бизнес намоёндасидир.

### 9.3. АСМнинг халк хужалигида тутган урни.

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида оилавий фермер хўжаликлари кенг тараққий этилди. Улар юксак даражада ихтисослашган ва замонавий фан-техника ютуқларига таянган шисобланади. Улар меънат унуми ва сифатли маъсулотни таъминлашга қодир бўлади. Бу хўжаликнинг самарадорлиги бинобарин афзаллиги қуйидагилар билан изошланади:

1. Фермер хўжалигида меънат ва мулк бевосита қўшилади, фермер ўз мулкида ўз меънати билан ишлайди. Ёлланма меънат қўшимча ашамиятга эга. Фермер ўзи учун ишлайди.

2. Фермер хўжалиги мутлақо мустақил бирон бир тарзда монополлашмаган хўжалик, унинг фаолиятини бозор қонунлари бошқаради.

3. Фермер хўжалигида тадбиркорлик ва меънат функцияси узвий қўшилади. Бу ерда ишбилармонлик ва меънатсеварлик биргаликда амал қилганлигидан иқтисодий манфаат ва масъулият ягона фаолиятининг икки томонини ташкил этади.

4. Фермер хўжалиги сошиб дешқон хўжалиги бўлганлигидан, бу ерда кам фойда билан шам қаноатланиши мумкин, чунки у давлатнинг ёрдамига таянади.

5. Фермер учун унинг хўжалиги фақат даромад манбаи эмас, балки унинг уйи, оиласи, истиқомат қиладиган жойи, унинг ишонган таянчи. У ўз хўжалигини ута қадирлайди, шу сабабли унинг ривожи учун ўз меънатини аямайди.

Айтилган афзалликлар туфайли фермернинг ўз меънати ёлланма меънатга нисбатан юқори самара беради.

Ўзбекистонда аграр ишлаб чиқариш таркиби куп йиллар давомида шаклланган бўлиб, бир қатор объектив ва субъектив омиллар билан ўзвий бошлиқдир. Айниқса, пахта якка шокимлиги даврида вужудга келган бир томонламалик ва буйруқбозлик сиёсати қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсир курсатади. Шу сабабли бугунги кунда қишлоқда амалга оширилаётган иқтисодий ислошотларнинг асосий мақсади аграр ишлаб чиқариш таркибини бозор муносабатларини, талаб ва таклиф асосида ашқолининг эхтиёжларидан келиб чиққан шолда қайта қуришдан иборат. Ўзбекистон Республикасида ер ва сув ресурсларини чекланганлигини шисобга олиб, иқтисодий интенсив йулига ўтиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Зеро экстенсив йул ўз имкониятларини аллақачон тугатган. Иқтисодий ушшнинг интенсив йулига ўтиш мураккаб ва сермеънат жараён. Бунинг учун хўжалик юритишининг илолор шаклларига ўтиш фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш керак. Шу нуқтаи назардан республикаимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган таркибий ўзгаришларни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Республикаимизда хўжалик юритишни илор шаклларини ривожлантиришга алошида эътибор берилмоқда. фермер хўжаликларининг ривжланиши қишлоқ хўжалигини ишлш қилишнинг мушим йуналиши эканлигини тан олмади. фермер хўжаликларида маъсулот этиштириш



хажмининг усиш суръатлари республиканинг уртача кўрсаткичидан анча юқори. Бироқ таъкидлаш лозимки, фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг усиш суръатлари юқори бўлсада, уларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдаги ҳиссаси пастлигича қолмоқда.

Шу нарса аёнки шахсий томорқа хўжаликлари доим қишлоқ хўжаликларининг мушм таркибий қисми бўлиб келган. Бироқ, собиқ иттифок даврида бу хўжаликларнинг ривожланишига етарли даражада эътибор берилмади. Мустақиллик туфайли шахсий томорқа йулларига янгича ёндошиш учун имконият яратилди. Натижада бугунги кунда чорвачилик маҳсулотларининг аксарият қисми мана шу хўжаликларда етиштирилмоқда. шу билан бирга уларнинг чорвачилик маҳсулотлари етиштириладиган улуши йилдан-йилга усиб бормоқда. Агар 1991 йилда Республикада тайёрланган гуштнинг 59,1, сутнинг 71, тухумнинг 37,2 фоизи ушбу хўжаликларда етиштирилган бўлса, 1997 йилга келиб уларнинг салмоғи мувофиқ равишда 87,3, 90,9 ва 69,5 фоизга етди.

Бунда ижобий ўзгаришларга қарамасдан Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркиби мақсадга мувофиқ шолда шаклланган дейиш ноурин бўлар эди. Аввало шу нарсани таъкидлаш лозимки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таркиби доимий ўзгаришда. Бу таркибни оқилона белгилаб берувчи мезон мавжуд эмас. Шу сабабдан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибининг оқилона нисбати сифатида шартли равишда ривожланган давлатлар аграр ишлаб чиқариш таркибини олиш мумкин. Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони бошқа тармоқларга нисбатан анча кам. Республикамизда эса қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар сони кейинги йилларда ўсиб бормоқда. Бу шундан далолат берадики, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фан-техника тараққиёти суст жорий этилмоқда ва қўл меҳнатининг салмоқли улуши сақланиб қолмоқди. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалиги банд бўлганларнинг бир қисмини саноат ишлаб чиқаришига ва хизмат кўрсатиш тармоғига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг механизациялашув даражасини ошириш ва қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш зарур.

#### 9.4. АСМ да тижоратни жорий қилиш йуллари.

+қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш омилларидан бири деҳқонларга иқтисодий эркинлар беришдир. Деҳқон етиштирган маҳсулоти ва ундан оладиган даромадини тўла ҳис этиши, қандай маҳсулот етиштириши, унинг қиммат ва қарға сотишни ўзи шал қилиши лозим. Айни вақтда қишлоқ хўжалиги таркибини ривожлантириш саноат ишлаб чиқариши билан ҳам бевосита боғлиқ. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун асосий воситалар етказиб бериш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш бевосита саноат ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражасига бориб тақалади. +олаверса, қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига

кенг йўл очиб бериш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни таркибан такомиллаштиришнинг яна бир муҳим омилidir.

Президентимиз Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Х-ХІ сессияларидаги ва бошқа куплаб йиғинлардаги маърузаларида, учрашувларда, қишлоқ хўжалигида мулкчилик масаласини шал қилишда пайчилик муносабатларини ривожлантиришнинг муҳим аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ерга ва мулкка пайчилик асосида эгалик қилиш пайчиларнинг мулкка эгалик ҳиссини кучайтиради, жамоа ва ширкат хўжаликларининг мустақиллигини оширади.

Пайчилик мулккига асосланган ширкат хўжаликларининг бошқарув тизими ҳам янгича ташкил қилинади.

Бошқарув тизимида олий бошқарув органи - бу пайчи (мулкдор) лар мажлиси ҳисобланади. Бошқарув тизимида ижро этувчи орган ходимлари ёлланма ходимлардан иборат бўлиб, бу орган пайчилар мажлиси олдида ҳисоб беради, самарали бошқариш маъсулиятини ва жавобгарлигини ўз бўйига олади. Шундай қилиб пайчиликка асосланган хўжаликнинг эркинлик даражаси самарали ишлайдиган ҳиссадорлик мулккига асосланган корхонанинг эркинлик даражасига анча яқинлашади.

### **(Интернетдан) Ширкат ва фермер хўжаликлари экинзорларни ижарага оладилар. UzReport.com**

24 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “+ишлоқ хўжалигида ишловларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” ги Фармони эълон қилинди.

ЎЗА хабар беришича, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ишловларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли шукукий муҳофазасини таъминлаш мақсадида суғурма деҳқончилик ҳамда суғориладиган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларда асосланган хўжалик юритиш тизимини ривожлантиради.

Фармонда белгиланганидек, хўжалик юритишнинг ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкилий-шукукий шакллари сақлаб қолинади. асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъект сифатида фермер хўжаликлари бўлиб қолади.

+орақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимларининг таклифларига мувофиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган контрактатсия шартномаларини умумлаштириш асосида жорий йилга пахта ва дон етиштириш прогноз кўрсаткичлари республика ва минтақалар даражасида белгиланади. +ишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари

хўжаликларнинг ихтисослашувини шисобга олган шолда ва тузилган контрактатсия шартномаларига асосан қишлоқ хўжалик экинларини мустақил равишда жойлаштирадилар.

#### 9.5. АСМда тижоратдан фойдаланиш ва унинг самарадорлиги.

Бугунги кунда фермер ва деҳқон хўжаликлари давлат томонидан мутассил қуллаб-қувватланмоқда. Уларга қатор имтиёзлар берилмоқда. Жумладан: улар икки йилги ер солигидан озод этилган, уру, улит ва ёқилли билан таъминланади, имтиёзли кредит олади. Айни вақтда уларнинг шуқуллари меъёрий хужжатлар билан шимояланган.

Фермер хўжаликларининг хўжалик юритиш фаолиятига аралашишига йўл қуйилмайди. Улар қонун бўйича таъқиқланмаган барча турдаги қишлоқ хўжалиги мащсулотларини қайта ишлаши, сотиши мумкин. Хўжалик ўз фаолиятини, ишлаб чиқариш йуналишини, унинг таркиби ва хажминини мустақил равишда белгилайди. Уларга ер мерос сифатида умрбод авлоддан авлодга ўтадиган шолда берилади ва х.к. шахсий томорқо хўжаликлари мулкчилик шаклига қўра хусусий мулкка яқин туради. Бу хўжаликлар учун ажратилган ернинг умумий майдони Республикамизда 650 минг гектарни ташкил этади. Шозирги кунда уларнинг умумий ишлаб чиқариган қишлоқ хўжалиги мащсулотидаги шиссаси 58 фоизни ташкил этмоқда. уларда жами доннинг 13 фоизи, картошканинг 60, сабзавотларнинг 66, гуштнинг 85, сутнинг 90, жуннинг 70 фоизи етиштирилмоқда. бироқ шуни шам қайд этиш керакки, шахсий томорқа хўжаликларида ишлаб чиқариш деярли қўл мещнатига асосланган.

#### 9.6. Истикболда АСМ нинг тижорат соҳасини ривожлантиришнинг асосий йуналишлари.

Бугунги кунда деҳқонларнинг мещнатга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш воситаларига ва ўзи етиштирган мащсулотга тўлиқ эгалик қилишни таъминлаш энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ўзбекистон республикаси Вазирлар Мащкамасининг «Пахтачилик мажмуида агросаноат фирмаларини ташкил этиш бўйича эксперимент олиб бориш тўрисида»ги +арорида шам худди шундай мащсадлар кўзда тутилган. Шеч шубщасиз ушбу +арорга мувофиқ республикамиз туманлари миқёсида янги асосдаги агрофирмаларни ташкил этиш агросаноат мажмуининг барча тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиб муносабатлар тизими пайдо бўлишига замин яратади. Буни авваломбор шу билан изохлаш мумкинки агрофирмалардан бошқаришнинг ташкилий шакли очик шолда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, кооперативлар уюшмаси туман ичидаги кооператив муносабатларни тартибга солади ва агрофирма аъзоларига ўз тижорат манфаатлари доираси туманлар миқёсидаги шар қандай тузилмаларга киришга қулай имкониятлар яратиб беради.

Хуш, қишлоқ хўжалиги соҳасида агрофирмаларнинг ташкил этилишига қандай омиллар сабаб бўлди?

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бевосита табиий шароитлар билан боғлиқ. Бу ерда иқтисодий жараён биологик жараён билан ўзаро аралашиб кетади ва қишлоқ хўжалигидаги инвестициялар қийматини, айланма маблағлар щарақати ва уларнинг самарадорлигини пасайтиради.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарорлигини, шунингдек, табиий унумдорлик ва экологик мувозанатни сақлаб туриши учун доимий равишда йирик сармоя сарфлашни талаб этади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги мащсулотлари охирги истеъмолчига етиб боргунча, купгина объектив ва субъектив жараёнлардан ўтиб, савдо тармоқларига етиб келади. Табиийки, тадбиркорлар воситачилик вазифасини бажаришлари эвазига катта миқдорда фойда оладилар. Билъакс, бевосита хом ашё етиштирган деҳқон эса бундай имкониятга эга эмас. Айнан шу нарса қишлоқ хўжалиги билан саноат ўртасидаги алмашинув эквивалентининг бузилишига олиб келмоқда. Оқибатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши паст самара билан ишляпти, тадбиркорларнинг ушбу соҳа қизиқиши эса пасайиб ормоқда.

Ушбу муаммоларни ижобий шал этиш мақсадида Ўзбекистон республикасида Вазирлар Мащкамасининг 138 –Ф (1995 йил 1 май) сонли фармойиши эълон қилинди ва нищоят ривожланган мамлакатлар тажрибасига таяниб республикамызда «Рамитон» (Бухоро), «Оқ олтин» (Сирдарё) ва «Бешарик» (Фарғона) агрофирмалари ташкил этилди. Тажриба тариқасида юзага келган бу тузилмалар бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалиги мащсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва агро саноат мажмуида иқтисодий интеграцияларни кучайтириш щамда жащон андозаларига мос сифатли мащсулотлар ишлаб чиқаришга йуналитилган эди.

Бирок, шу уринда шуни щам таъкидлаб утиш керакки, щозирги вақтда агрофирмалар имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмаётир. Боз устига, бу соҳада айрим камчиликлар щам мавжуд. Чунончи, биринчи навбатда агрофирма миқёсида иқтисодий эркинлик даражасининг чекланиб қолиши ва куплаб корхоналарнинг агрофирмалардан ташқарида фаолият кўрсатишга чек қуймоқ лозим. Икинчидан, агрофирмалар фаолиятини бозор талаблари доирасида ташкил этиш ва ишлаб чиқарилган мащсулотларни сотишни йулга қуйиш мақсадида агрофирмалар бошқаруви таркибида маркетинг хизмати жорий этилган эди. Аммо бугунги кунда мазкур хизмат ўзига юклатилган вазифаларни бажармайётир.

Фикримизга, давлат бюртмаси бажарилгандан кейин, хўжаликлар ихтиёрида қоладиган пахта толаси ва аллани ўз вақтида ва мақбул бащоларда сотилиш учун агрофирмалар томонидан ушбу мащсулотларни эркин сотиш механизмини жорий этиш зарур. Бундан ташқари, агрофирма хўжаликларида ишлаб чиқарилган мащсулотларни сотиш жараёнида тайёрлов-қайта ишлаш корхоналари билан тузиладиган шартномаларнинг ихтиёрийлик асосида тузилишини таъминлаш керак.

(Интернетдан) Сельское хозяйство. [www.tashkent.uz/section.htm?content\\_path/articles/business\\_economics/economics](http://www.tashkent.uz/section.htm?content_path/articles/business_economics/economics) (25 Кб)

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулот таркибининг 27 фоизини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил қилади. Унда бандлик жами аҳолининг 40 фоизини ташкил қилади. +ишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда асосий урин дон экинларига ажратилган. Пахта ва бўдой экинлари жами экин майдонининг 3/4 қисмини ташкил этади. Охирги йилларда мамлакатнинг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадидаги давлат сиёсати натижасида пахта экинларини қисман бўдой экинларига алмаштириш жараёни содир бўлди. Пахта экин майдонлари ва пахтанинг ҳосилдорлиги 1991 йилдан анча пасайди ва бу вақтда бўдой ва бошқа донли экинлар экинлари майдони 300 фоизга ошди.

+орамолларнинг бош сони шам йилдан йилга ем-хашак экинларининг етишмаслиги сабабли камайиб кетди. Биз буни хусусий секторда мева ва сабзавот экинлари етишмаслигини купайганлиги билан изохлашимиз мумкин.

### Мавзу буйича назорат саволлари

1. Агросаноат мажмуи деганда нимани тушунасиш?
2. АСМ нинг моҳияти нимадан иборат?
3. АСМ таркибига қандай соҳалар киради?
4. Агробизнес нима ва унинг аҳамияти?
5. Агробизнеснинг асосий мақсади?
6. Фермер хўжаликлари самарадорлиги ва афзалликлари нималарда куринади?
7. +ишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш омилларига қайсилар киради?
8. Фермер ва деҳқон хўжаликлари давлат томонидан қандай қўллаб-қувватланмоқда?
9. АСМ да тадбиркорликнинг қайси шаклларини қўллаш мумкин?
10. АСМ да тадбиркорликнинг ривожланишини қандай йўللار билан амалга ошириш мумкин?

### 10-мавзу: Тадбиркорлик фаолиятида бизнес режа.

#### Р е ж а :

- 10.1. Бизнес режанинг моҳияти ва аҳамияти.
- 10.2. Чиқариладиган маҳсулотларнинг сифат курсаткичлари ва улчов шакллари.
- 10.3. Маҳсулот сотиш бозорини иқтисодий баҳолаш.
- 10.4. Ишлаб чиқариш жараёни.
- 10.5. Маҳсулотнинг рақобатбардошлигини баҳорат қилиш.



Адабиётлар: 2, 8, 9, 10, 12, 15, 16, 51.

### Таянч иборалар:

Харажат, ялпи даромад, фойда, лойиха рентабеллиги, ракобат, режалаштириш, оператив режа, жорий режа, истикболли режа, инвестиция.

#### 10.1. Бизнес режанинг мохияти ва ахамияти.

Режалаштириш ҳар қандай тадбиркорлик тизимида ҳажмидан катъий назар унинг ажралмас қисмидир. Илғор технология ва бозор тадқиқотларнинг натижалари, янги иш ташкили ва тадбиркорлик режаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ташкилий бошқарув ва молия муоммаларни ҳал қилиш бизнес режада акс этиши керак.

**Бизнес режа.** – бу ҳужжат, унга аниқ вазиятда бизнеснинг мохияти бошланиш имконияти, давоми ва унинг кенгайтирилиши акс этади.

Бизнес-режа тадбиркор томонидан ишлаб чиқилади, агарда бошқа муоммолар бўйича маҳсулотлар керак бўлса, бу ишга бошқа соҳа мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

Одатда бундай режалар 3-5 йил муддатга тузилади. Тадбиркорлик томонидан биринчи йилдаги олинadиган самара ойлар сайин батафсил, кейинги йили-таквимлар бўйича. Кейинчалик йил бўйича ҳисобланади.

Бизнес-режа бир неча муҳим вазифаларни бажаради. Бизнес – режани тайёрлаш жараёни фикрлашни жонлантиради, тадбиркорликни пухталиқ билан уйлашга ва уз ишини турли нуктаи назардан таҳлил қилишга ҳақиқий имконият ва қийинчиликларни баҳолашга мажбур қилади.

Биринчи вазифа – назорат. коғозда баён қилинган режа келгуси назоратларда ва эришилган натижаларни баҳолашда ҳар доим ишлатилиши мумкин. У корхона фаолиятини келгусида яхшилашга асос бўлиб хизмат қилади.

Иккинчи асосий вазифа-ҳамгариш. У бошқа жисмоний ва юридик шахслардан пул маблағларни жалб қилишга имконият яратади.

Корхонанинг тадбиркори, менежери бизнес режани ишлаб чиқаришнинг аниқ схемаси, унинг таркиби ва баёни, ҳажми ахборот устунлигини танлашда қуйидаги омилларга эътибор беради:

1. Корхона статуси ва катта кичиклиги (кичик бизнес, урта катта).
2. Режалаштириш фаолиятининг босқичлари.
3. Режанинг мақсадли йуналиши. (асосан ички ишларга ёки қарз ва сармоя олишга).
3. Бизнес хусусияти ва қийинчилиги, ҳудди шундай у ёки бу масалаларни ишлаб чиқишдаги ибораси.
4. Керакли маълумот ва ахборотнинг борлиги.
5. Бошқа мутахассисларнинг ёрдамига муҳтожлиги.



Бизнес – режа кириш кисмидан бошланиши, унда кискача маълумотнома ёки тушунтирув ёзуви булиши керак. Потенциал ҳамкор турли хил ишбилармонлик тузилмаларининг ҳамкорлик килиш учун куплаб таклифлар олиши мумкин. Шунинг учун у, биринчидан бизнес режанинг берилиши билан кискача танишиш керак. Булим хажми 3-5 бетни ташкил килади.

Бизнес-режа кириш кисмининг мустакил ахамияти ҳам бор. Баъзида бу хужжатдан банк ёки инвестиция фондидан маблаг олишда кискача маълумотнома сифатида фойдаланади. Бунда куйидаги саволлар кузда тутилиши керак.

А. Корхона хакида маълумот. Корхона номи ва унинг жойлашган ери, корхонанинг ташкил этилганлиги хакида кискача маълумот берилади. Корхонанинг мулк шакли курсатилади. Ишлаб чиқариладиган махсулотлар ёки хизматлар номлари ва асосий ракобатчилар хакида кискача маълумот берилади. Корхона бошқарув тизими баён килинади.

Б. Фаолият турлари, мақсади ва мулжали. Одатда корхона маълум соҳа бўйича ишлаши керак, аммо бир неча соҳада фаолият курсатиши ҳам мумкин.

В. Керакли маблагга эга булган эҳтиёжнинг кискача баёни. Бу булимда ишбилармон узининг амалдаги маблағларига баҳо беради ва керакли қушимча пул воситаларига муҳтожлигини исботлайди.

Г. Режалаштирилган фойда ва лойиха рентабеллиги, бизнес режанинг асосий мақсади, шундан иборатки, ишбилармон пул маблағларини оладиган юридик шахсда узига нисбатан яхши таасурот қолдирилиши керак. Бунинг учун у: 1. қайси йул билан фойда олиниши. 2. Унинг махсулоти худди шунақа махсулотлардан қанчалик афзал эканини курсатиши керак. Далил сифатида қуйидаги рақамларни келтириш лозим.

1. Ишлаб чиқариш хажми ва махсулот сотиш йуллари.

2. Бир махсулотга кетган харажат.

3. Ялпи даромад ва фойда.

4. Кетган маблағларнинг узини қоплаш муддати, кетган маблаг ва материал сарфларининг қайтиш муддати ва фоизлар.

## 10.2. Чиқариладиган махсулотларнинг сифат курсаткичлари ва улчов шакллари.

Бизнес режанинг бу қисмида корхона, унинг махсулоти ёки хизматлари тавсифланади. Шу билан бирга, шу соҳада ишларнинг боришига баҳо берилади.

А. Соҳанинг тавсифи. Бунда ишбилармонлик фаолияти амалга ошириладиган соҳанинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиши баҳоланади, товар утқизиш, бозорнинг сизими, унинг усиши ва асосий ракобатчилар кискача тавсифланади. Ҳамма баҳолар аниқ булиши керак.

Б. Барпо этиладиган корхона. Бизнес режанинг бу қисмида бизнеснинг умумий концепцияси қандай махсулот ёки хизматлар таклиф қилиниши ва уларнинг асосий истеъмолчиларни курсатиш керак. Корхонанинг асосий

фаолият йуналиши, молиявий ахволи ва маблагларнинг ҳаракати ҳақида ахборот бериши керак. Агар корхона олдинги йилларда зарар курган бўлса, унда зарар куриш сабабларини урганиб, уларни йукотиш бўйича курилган чора тадбирлари курсатилиши лозим.

В. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизмат турлари. Бу бўлимда сотишга чиқариладиган ҳамма маҳсулот ва хизматлар курсатилади, улардан фойдаланиш имкониятлари, бунда уларнинг асосий ва иккиламчи фойдаланиш усуллари курсатилади.

Г. Бозорга чиқиш, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ўсиш стратегияси. Маркетинг режасида асосий муваффақият омиллари (масалан, бозор учун янги маҳсулот, бозорга чиқишдаги афзаллик ва бошқалар) нархларга ёндошиш, сотиш усуллари ва маҳсулот рекламалари курсатилади. Корхона тузишдан мақсад, ўзок вақт давомида фаолият курсатиш имконини беради. Шунинг учун корхона ва бизнеснинг ривожланиш стратегияси ҳақида айтиб ўтиш уринлидир. Бизнес стратегияси қуйидаги бозор ахборотларига суянади: ишлаб чиқаришнинг ўлчамлари, жугрофий тавсиф ва рақобатнинг мавжудлиги, имкониятлар ва бошқалар.

### 10.3. Маҳсулот сотиш бозорини иқтисодий баҳолаш.

Маҳсулот сотиш бозорини иқтисодий баҳолаш бизнес режада асосий ҳисобланади. Бунда ишбилармон, бозорнинг бутун тузилиши, тармокни ривожлантиришни ақс эттириши, эгалламокчи бўлган бозор сегментини ажратиш ва рақобатчилар фаолияти тавсифлаш керак. Бош масала тадбиркорнинг бозордаги шахсий ҳиссаси диполик ўсишини исботлаш. Бунинг учун ишбилармон қуйидагиларни билиши керак.

1. Ким унинг маҳсулоти харидори бўлади.
2. у қанча товар сотиши мумкин.
3. қандай қилиб товарини утқади. (туғридан – туғри, воситачи орқали, биржа ва брокер орқали).

Асосий муомма шундан иборатки, ишбилармон ўз маҳсулотини товар бозорида сотиш учун қуйидагиларни қўра олиши керак.

1. Маҳсулотнинг қелғусидаги (3-5 йилдаги) бозор потенциали.
2. Рақобатчиларнинг мавжудлиги ва имкониятлари.
3. Рақобатчи товар билан қўрашиш усуллари.

Алоҳида диққат рақобатчиларга қаратилиши керак. Ишбилармон ўз рақобатчиларни қанчалик яхши урганиб чиқилса, шунча ҳам ҳатоларга йўл қўяди. У қим шунақа маҳсулот чиқармокда ва қандай ҳажмда сотмокчи, нархи қанча ва сифати қандай харидорларнинг рақобатчилардан товар олишнинг ўзига ҳос томонлари ҳақида ахборотга эга бўлиши керак.

### 10.4. Ишлаб чиқариш жараёни.

Ишлаб чиқариш жараёни катта фирманинг бизнес режасида бу саволга алоҳида булим ажратилади. Бизнес режада ишнинг факат асосий натижалари акс эттирилади, Яъни ишлаб чиқаришни тайёрлашдан тортиб, то техника хавфсизлигини таъминлаш ва ишлаб чиқариш маданиятига тушунтириш матни берилади.

Тадбиркор махсулот ишлаб чиқариш учун қайси материаллар керак бўлиши, қандай технологияда махсулот ишлаб чиқилишни олдиндан режалаштиради. Ишлаб чиқариш қуввати ҳақида тавсиф берилади, ишга тушиш муддати курсатилади. Етказиб берувчиларнинг махсулот сифати ва етказиб бериш кафолатлари баён қилинади. Таҳлил 2-3 йилга ёки купрок муддатга 4-5 йилга берилади.

Бу булимнинг жуда муҳим қисми ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблашдир. Купинча фирма раҳбарлари бизнес режада атроф муҳитни муҳофаза қилишга етарлича эътибор бермайдилар. Бу эса анчагина маблағ талаб қилади. Натижада фирма бизнес режага биноан ишни ташкил қилганидан сунг, «тасодиқий» харажатлар қилишга мажбур бўлади. Бу эса бизнесни ривожланишига тускинлик қилади. Шунинг учун, режада бундай харажатларни ҳам ҳисобга олиш зарур.

#### **(Интернетдан) Жорий йилда иқтисодий ривожланиш 4,5 фоиз.**

##### **UzReport.com**

Осиё Банклари Ассотсиатсиясининг Тошкентда давом этаётган 18-ййилишида “Ўзбекистон-тарих ва шозир” мавзусида конференциясида сўзга чиққан Макроиқтисодиёт ва Статистика вазирлиги қошидаги Еффе́ктив иқтисодий сиёсат маркази раҳбари Д.Ашмедов маърузасида жорий йилда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш 4,5 фоизини ташкил этишини қайд этилиши қутилмоқда.

Унинг берган маълумотларига кўра, барқарор иқтисодий ўсиш 1996 йилдан бери қузатилмоқда. бундан ташқари, кейинги 10 йил ичида Ўзбекистон шукумати иқтисодий ўсишни 6-9 фоизига етказиш шақида ййилганларни баҳабар етди.

#### **10.5. Махсулотнинг рақобатбардошлигини башорат қилиш.**

Махсулотнинг рақобатбардошлигини башорат қилишда товарлар (хизматлар) ассортиментни уларнинг рўйхати, ойлик ёки йиллик сотилган сони ва ҳажми берилади. Товарнинг истеъмолчилари курсатилади.

Бу булимнинг мақсади-кредиторларни (банкларни), инвесторларни ёки янги фойдаланувчиларни махсулотни фойдалигига ишонтириш, аниқрок қилиб айтганда, махсулотдан қуп фойда олиш мумкинлигига ишонтиришдир.

Ишбилармон истеъмолчилар билан қурашда қуйидаги рақобат стратегиялардан бирини танлаб олади. Оммавий харидорга чиқиш стратегияси (арзон моллар стратегияси) ёки ихтисослашган стратегия, яъни махсус харидор тоифалари учун мулжалланган алоҳида сифатли, лекин қимматбаҳо товар тайёрлаш.

Ракобатбардош махсулот хакида суз борганда, барча афзаллик турлари куйидаги гуруҳларга булиниши мумкин.

1. Паст афзаллик тартиби.
2. Юкори афзаллик тартиби.

1-гуруҳ-бу афзаллик стратегияси оммавий харидорга чиқишда фойдали етарли таъсир килади. Бозорда улар устивор булмайди, чунки куп сабабларга кура улар йуқолиши мумкин (иш хаки ошганда, ракобатчилар арзон хом ашёсини топганда) ва бошқалар.

Бундан хулоса шуки, паст афзаллик тартиби мустахкам ракобатга чидай олмайди.

Юкори афзаллик тартиби ихтисослашган стратегия булиб, у уз ичига яхши махсулот ишлаб чиқариш, яхши технология яратиш кабиларни олади. Булар эса, уз навбатида фирма обрусини кутариш имконини яратади. Улар маълум вақт ичида ракобатбардошликни таъминлаб боради. Ракобатбардошликнинг бир маромда бориши банк қабул қилган қарор бўйича қорхонага пул беришнинг асосий омили булади.

Булимнинг охириги қисмида ишбилармон уз харидорига қурсатадиган қушимча хизмат турларини таклиф қилиши мумкин (масалан: уйга транспорт воситалари ёрдамида бепул етказиш, юқларни ташишда нархни қамайтириш ва бошқалар).

### Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Бизнес режа нима?
2. Бизнес режа қандай вазифаларни бажаради?
3. Бизнес режага ички муҳитдан таъсир омилларга нималар қиради?
4. Бизнес режага ташқи муҳитдан таъсир омилларга нималар қиради?
5. Бизнес стратегияси қандай бозор ахборотларига суянади?
6. Ракобатбардош махсулот деганда нимани тушунаси?
7. Доимий харажатларга нималар қиради?
8. Узгарувчан харажатларга нималар қиради?
9. Доимий ва узгарувчан харакатларнинг фарқи?
10. Бизнес режанинг асосий мақсади нима?

### 11-Мавзу: Акционерлик жамиятларининг ташкил қилиниши ва уларнинг моҳияти

#### Режа:

- 11.1. Акция хакида тушунча.
- 11.2. Акцияларнинг аҳамияти ва улардан фойдаланиш.
- 11.3. Акционерлик жамиятларининг ташкил қилиш асослари ва вазифалари.
- 11.4. Акционерлик жамиятларининг амал қилиниши.
- 11.5. Акционерлик жамиятларининг ишлаб чиқаришда урни.

Адабиётлар: 3, 8, 9, 10,11,13, 25, 26.

## Таянч иборалар:

Акция, евро акция, евро облигация, евро нота, оддий акция, имтиёзли акция, дивидент, эмиссия, очик турдаги акционерлик жамияти, ёпик турдаги акционерлик жамияти, захира фондлари, фойда, иктисодий фойда, бухгалтерия фойдаси, акциянинг номинал киймати.

### 11.1. Акция хакида тушунча.

Акция – акционерлик жамиятининг устав фондида юридик ёки жисмоний шахс муайян хисса кушганидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивидент олиш ва қоида тарикасида ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиши ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоз.

Акциянинг:

- эгасининг номи ёзилган;
- тақдим этувчига тегишли;
- имтиёзли (овоз бериш ҳуқуқисиз);
- оддий (овоз бериш ҳуқуқи билан) турлари бор.
- Акция қуйидаги реквизитларга эга бўлиши керак:
- Акционерлик жамиятининг номи ва жойлашиш жойи;
- Қимматли қоғознинг номи «Акция»;
- Акциянинг тартиб рақами, серияси, чиқарилган санаси;
- Акциянинг тури (оддий ёки имтиёзли);
- Акциянинг белгиланган қиймати;
- Эгасининг исми (номи акциялар учун);
- Акционерлик жамиятининг акциялар чиқарилган қундаги Устав фонди миқдори;
- Чиқарилган акциялар миқдори;
- Дивидентлар тулаш муддати;
- Акционерлик жамияти бошқарув раисининг ва бош бухгалтерининг имзоси;
- Акциянинг санаси ва рўйхат утқазилган орган томонидан берилган қоғози.

Имтиёзли акциялар Акционерлик жамияти Устав фондининг 10 фоиздан ортиқ қиймати чиқарилиши мумкин эмас. Имтиёзли акциялар эгаларига дивидентларни олишда афзал ҳуқуқ ҳамда Акционерлик жамияти тугатилганда унинг мол мулкани тасдиқлашда устунлик билан иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар Акционерлик жамияти жорий йилда олган фодасидан қатъий назар, илгари уларнинг номинал қийматига белгиланган қатъий фоизларда берилади. Имтиёзли акция эгаси акционерлар йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Акцияларни моддий қиймати қоғознинг ҳақиқатда мавжуд бўлиб, у тегишли босмаҳоналарда тайёрланади.

Акцияларнинг номоддий шакли деганда, уларни депозитарий счётларига жойлаштириши тушунилади, яъни акциялар ҳаракати «Кулдан кулга» бевосита утиш йули билан эмас, балки махсус тайёрланган дастур бўйича электрон компьютер ҳисоб усули билан ҳисобдан ҳисобга утказилади.

Акциялар эмиссияси уларни дастлабки эгалари (инвестор) юридик ёкм жисмоний шахсларга сотиш йули билан акцияларни муомалага чиқаришдир.

Эмиссия:

-Акционерлик жамияти таъсис этилиб, акциялар унинг муассасалари уртасида тарқатилган тақдирда;

-Акционерлик жамиятининг дастлабки Устав фонди миқдори акциялар йули билан чиқарилган, ҳамда қупайтирилган тақдирда чиқарилади ва амалга оширилади.

қимматбаҳо қогозлар (шу жумладан акция) чиқариш ҳуқуқи берилган акционерлик жамияти-эминент дейилади.

Эминент (акционерлик жамияти) рўйхатдан утқазилган органнинг ёки акцияларнинг рўйхатдан утқизиш ва муомалага чиқаришга дахлдор бўлган бошқа органнинг қонуний хатти – ҳаракати ва қарорлари юзасидан суд билан шикоят қилиш ҳуқуқига эга ҳамда рўхатдан утқазувчи органларга зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этишга;

## 11.2. Акцияларнинг аҳамияти ва улардан фойдаланиш.

Акционерлик жамияти уставига мувофиқ бюджет ва акционерлар билан узаро ҳисоб қитобларни амалга оширишга мажбур.

Акцияларни тайёрлаш учун Акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки лицензиясига эга бўлган полиграфия қорхоналарига (масалан Тошкент шаҳрида жойлашган «Матбуот» ва «Шарк» босмахоналарига) қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим.

-ариза;

-рўйхатдан утганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

-эмиссия проектининг тасдиқланган нусхаси;

-акциялар намунаси;

Ўзбекистон Республикасининг қимматли қогозлар ва фонд биржаси қонунига мувофиқ Акционерлик жамиятининг акцияларини тарқатиш (таксимлаш) қуйидаги тартибда амалга оширилади:

-бепул бериладиган акцияларни бунга ҳуқуқи бўлган ва шахсларнинг уртасида тарқатиш тугрисидаги қарорни, берилган имтиёзларга мувофиқ меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши томонидан, Акционерлик жамияти рўйхатидан утқазилгандан кейин ун беш қун ичида қабул қилиш;

-қисман қул туланидиган акцияларни бунга ҳуқуқи бўлган қодимлар ва шахслар уртасида тарқатиш тугрисидаги қарор, умумий йиғилиш томонидан, Акционерлик жамияти рўйхатдан утқазилгандан кейин ун беш қун ичида қабул қилинади;



-акцияларни чекланмагна инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвестор билан сотиш уртасида очик сотиш биржа ва биржадан ташкари амалга оширилади.

Акцияларни фонд биржаларида сотиш учун биржа хар кандай эмитентдан ёки эмитентнинг вакили хисобланган биржанинг брокерлик идорасидан акцияларни жойлаштириш учун буюртма (заявка) қабул қилинади.

Акцияларни чиқариш, сақлаш ва ҳисобини юритиш учун Акционерлик жамияти миллий депозитарий билан шартнома тузади. Шартномани тузиш учун қуйидаги маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим қилинади:

- Акционерлик жамиятининг тулик номи;
- юридик адреси (манзилгоҳи);
- ОКПО коди;
- телефон, телефакс, почта рақами;
- банк реквизитлари;
- давлат рўйхатдан ўтказиш санаси ва рақами;
- давлат рўйхатга олган ташкилот номи;
- эмиссия рўйхатдан ўтказганлиги ҳақида маълумот.

### 11.3. Акционерлик жамиятларининг ташкил қилиш асослари ва вазифалари.

Акционерлик жамияти қўрсатилган номинал қийматига тенг акцияларнинг муайян миқдорига бўлинган, устав фондига эга бўлган ҳамда мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан жавобгар бўладиган жамият деб эътироф этилади.

Акционерлик очик ёки ёпик турда бўлиши мумкин. Ёпик турдаги акционерлик жамиятларининг акционерлари фақат унинг таъсисчилари ўстида тарқатилади. Очик турдаги акционерлик жамиятларининг акциялари эркин сотилади ва сўнгра сотиб олинади.

Акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикасининг «хўжалик жамиятлари ва ширкатлари» тугрисида, «акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш тугрисида», «мулк тугрисида», «давлат тасарруфидан чиқариш ва хўсўсийлаштириш тугрисида», «қорхоналар тугрисида», «қимматли қўғозлар ва фонд биржаси тугрисида», «чет эллик инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг қўғолатлари тугрисида»ги қўнунлари ва бошқа амалдаги норматив ҳужжатлар асосида ўз фаолиятини юритади.

Акционерлик жамияти мавжуд қорхонани ўзгартириш ёки янги қорхона тузиш йўли билан таъсис этилади. Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар юридик ва жисмоний шахслари акционерлик жамиятининг таъсисчиси бўлиши мумкин.

Акционерлик жамиятлари хўжалик ёки тадбирқорлик фаолиятини юритиш мақсадида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг (ишчи,

хизматчиларнинг) пул маблагларининг бирлаштириш асосида узаро ихтиёрий келишувига мувофиқ тузилади.

Республикада 1994 йили аҳоли жон бошига реализация килинган акциялар 0,72 сумни ташкил этган бўлса, 1995 йилга келиб бу курсаткич 32,7 сумга етди. Агар республика буйича 1994 йили реализация килинган акциялар 18102 минг сумни ташкил этган бўлса, 1995 йилга келиб хаммаси бўлиб 742672 минг сумлик акция реализация килинган. Аҳолини кимматли коғозларни сотиб олиши уз навбатида буш турган пул маблагларини ишлаб чиқаришга йуналтирилганликларидан ҳамда кичик корхоналар ва хусусий тадбиркорликни ривожига имкони борица таъсир этаётганликларидан далолат бермоқда.

#### 11.4. Акционерлик жамиятларининг амал килиниши.

Акционерлик жамиятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сонли қарорида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия Вазирликларида ва вилоятларнинг ҳамда Тошкент шаҳри Адлия Вазирликларида давлат рўйхатидан утқазилдилар.

Акционерлик жамиятларининг давлат рўйхатидан утқазиш учун қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Акционерлик жамиятларини давлат рўйхатидан утқазиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. акционерлик жамиятларни давлат рўйхатидан утқазиш тугрисида ариза.

2. акционерлик жамияти уставини қабул қилиш ҳақидаги Таъсис йиғилишининг (Конференциясинг) баёни.

3. нотариал тасдиқлаган Уставининг нусхаси.

4. акционерлик жамиятининг махсулот белгиси.

5. янгидан ташкил қилинаётган акционерлик жамияти учун ердан фойдаланувчининг розилик хати.

6. Ўзбекистон Республикаси табиатни Мухофаза қилиш давлат қумитаси маҳаллий идораларнинг қорхонани рўйхатга олинганлиги тугрисидаги маълумотномаси.

7. акционерлик жамияти рўйхатдан утқазганлик учун белгиланган миқдорда йигим туланганлиги тугрисида банкнинг тулов ҳужжати.

Акционерлик жамиятининг Уставида нималар қурсатилиши керак?

-акционерлик жамиятининг номи ва манзилгоҳи;

-фаолият соҳаси, мақсадлари ва муддати;

-устав фондининг миқдори;

-устав фондини ошириш ёки камайтириш тартиби;

-чиқирилаётган акцияларнинг тури, номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг узаро муносабати;

-даромадларни (фойдани), дивидентларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби;

-захира фондларни ва узга фондларни ҳосил қилиш тартиби;

- акционерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- акционерлик жамияти бошқарув тузилмаси, ижрочи ва назорат идоралари;
- аъзоларнинг сони, уларни сайлаш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- акционерлик йиғилишининг ваколатлари;
- йиллик ҳисобатларни йиғиш; текшириш ва тасдиқлаш тартиби;
- акционерлар жамиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш тугрисидаги маълумотлар;

- акционерлик жамияти фаолиятининг хусусиятига қура зарур бўлган узга маълумотлар акс эттириш керак;

Акционерлик жамиятининг махсулот белгиси узга юридик ёки жисмоний шахсларнинг бир турдаги махсулотлардан фарқлаш учун хизмат қиладиган белгидир.

Махсулот белгиси Ўзбекистон Республикасининг «Махсулот белгилари тугрисида»ги қонунга мувофиқ Давлат патент идораси томонидан рўйхатдан ўтказилади.

Акционерлик жамиятини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун қандай миқдорда ва тартибда йиғим туланади.

Акционерлик жамиятини давлат рўйхатидан ўтказганлиги учун энг кам иш уакиннинг 5 бараварда йиғиш ундирилади. Олинган йиғимнинг 20 фоизи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказлаштирилган уисобига, қолган 80 фоизи маҳаллий бюджетига ўтказилади.

Акционерлик жамиятининг Устави ўзгарганда ёки унга қўшимчалар қиритилганда, шунингдек у қайта ташкил қилинганда қайта рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади ва бунинг учун рўйхатдан ўтказилганлик учун туланган йиғимнинг ярми миқдорида йиғим туланади.

Акционерлик жамиятларининг Устав фонлари ёпиғ жамият учун энг кам ойлик ҳакиннинг 100 бараваридан ҳамда очик жамият учун энг кам ойлик иш ҳакиннинг 200 бараваридан кам бўлмаслиги керак.

## 11.5. Акционерлик жамиятларининг ишлаб чиқаришдаги ўрни.

Акционерларнинг умумий йиғилиши, Қенгаши (қузатувчи Қенгаш) ва ижроия органи акционерлик жамиятининг бошқарув органи ҳисобланади.

Акционерлик жамиятининг олей органи бўлиб акционерларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади.

Умумий йиғилишининг мутлоқ ваколатига қуйидагилар:

- жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режаларини бажарилишига доир ҳисоботларни тасдиқлаш;
- жамият уставини ўзгартириш ва тулдириш;

-Кенгаш бошқарув ва тавтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш, чакириб олиш ҳамда уларнинг фаолияти тартибини тасдиқлаш;

-Шуъбалар ва ваколатхоналар очиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, улар туғрисида Низомларни (уставларни) тасдиқлаш;

-Жамият бошқарув идораларининг мансабдор шахсларини мулкӣ жавобгарлигини тортиш туғрисида қарорлар чиқариш;

-Жамиятнинг ички тартиб қоидаларини ва ҳужжатларини тасдиқлаш, ташкилий тузилишини белгилаш;

-Устав фондини узгартириш;

-Жамият узи чиқараётган акцияларни сотиб олиш туғрисидаги масалани ҳал этиш;

-Жамият, унинг шуъбалари ва ваколатхоналари бошқарув идораларининг мансабдор шахслари меҳнатига ҳақ тулаш шартларини тасдиқлаш;

-Жамият фаолиятини тухтатиш туғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тасдиқлаш ҳамда (акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида) ги қонуннинг 65-моддасидаги масалалар қиради.

Кенгаш (қузатувчи Кенгаш) умумий йиғилишлар орасидаги даврда акционерларнинг манфаатларини ҳифодалайди ҳамда Кенгаш ҳақидаги Низомда назарда тутилган вазифаларни бажаради.

Кенгаш ҳақидаги Низом акционерларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади.

Кенгаш, шунингдек қуйидаги ҳуқуқларга эга ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилади.

-устав фонди ҳажмида акционерлик жамиятининг капитал маблағларини сарфлаш;

-ссудалар, заёмлар, кредитлар, қаролотлар олиш ва бериш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш;

-акционерларга дивидентлар тулаш ҳажми бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш;

-бир томондан акционерлик жамияти, бошқа томондан эса 5 ва ундан қўй микдордаги устўв фонди акциялар макетига эга бўлган акционер, Кенгаш аъзоси, Бошқарув аъзоси ёки акционерлик жамиятининг мансабдор шахси бўлган томонлар ўртасида ҳар қандай битимлар тузиш ёки бекор қилиш;

-кенгаш қаролотларга тааллуқли бўлган, акционерлик жамиятининг ички ҳужалиги, муносабатларини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар тасдиқлаш;

-кенгаш мажлисларини ўтқизиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш;

-акционерлик жамияти мулкидан фойдаланиш дароматларини назорат қилиш;

Кенгаш қаролатларига бошқа масалалар, шунингдек акционерлар умумий йиғилиши томонидан берилган масалалар ҳал қилиниши мумкин

(«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тугрисидаги Қонун» нинг 82-моддасига қаранг).

Директор ёки бошқа дирекция, акционерлик жамиятининг ижроия идораси ҳисобланади.

Акционерлик жамияти ижроия органи Умумий йиғилиши ва қузатув органининг мутлоқ ваколотига қирадиган масалалардан бошқа жамият фаолиятига доир барча масалаларни ҳал этади.

Бошқарув (дирекция) ишига унинг раиси раҳбарлик қилади, у жамиятнинг уставига мувофиқ тайинланади ёки сайланади. Бошқарув раиси жамият томонидан ишонч қозғасиз иш қурсатишга ҳақли.

Акционерлик жамияти органи бошқарувининг молия ҳужалик фаолияти устидан назоратни акционерлар орасидан сайланган тафтиш комиссияси амалга оширади ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

- жамят молия ҳужжатлари, мулкни руйхатга олиш комиссиясининг ҳулосаларини текшириш, қурсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерлик ҳисоби маълумотлар билан таққослаш;

- Контрогентлар билан ҳисоб-китоб битимларини амалга ошириш бўйича жамият номидан тузилган шартномаларни қонунийлигини текшириш;

- бухгалтерия ва статистик ҳисоблар олиб боришни амалдаги норматив қоидаларни мувофиқлигини таҳлил қилиш;

- жамятнинг молия ҳужалик ва ишлаб чиқариш фаолиятида белгиланган норматив қоидалар, ГОСТлар, ТУ ва бошқаларга риоя қилишини назорат қилиш;

- жамятнинг молиявий аҳволи, активларни олиб сотилиш қобилияти, шахсий қарзга олинган маблағлар нисбатини таҳлил қилиш иқтисодий аҳволини яхшилаш, жамият бошқарув органлари учун тавсияномалар ишлаб чиқиш;

- махсулот, хизмат қурсатиш, бюджетга утқазиладиган туловлар ва дивидент туловлар облигация бўйича қоизлар, шунингдек бошқа мажбуриятларни уз вақтида ва тугри амалга оширишни текшириш;

- жамят баланси, солиқ инспекцияси, статистика бошқарув органлари ҳисобот ҳужжатларни тугри тузилишини текшириш;

- Қенгаш ва бошқарув томонидан қабул қилинган қарорларни қонунийлиги, уларнинг устави ва акционерлик йиғилиши қарорларига мувофиқлигини текшириш;

- акционерлар йиғилиши қарор таҳлил қилиш қонунчилиқ вазирликлар, идоралар норматив ақладига зид бўлган тақдирда уларни узғартириш бўйича тақлифлар қиритиш;

- тафтиш комиссияси жамият молия фаолиятини умумий йиғилишининг, Қенгаш топширигига қура ва уз ташаббуси билан ёки жамини қуйганда овозларининг 10 қоизидан ортигига эга бўлган акционерларнинг талаби билан текшириши мумкин.

Акционерлик жамиятлари акцияларини сотиб ёки имтиёзли тарзда теқинга олган Ўзбекистон Республикаси ва чет эл жисмоний ва юридик шахслари акционер бўлиб ҳисобланади.

Акционер куйидаги ҳуқуқларга эга:

- акцияни эркин тасарруф қилишга;
- Акционерлик жамиятини бошқаришда иштирок этишда;
- Акционерлик жамияти фаолияти ҳақида тегишли ахборот олишга;
- Акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни (хизматларни) олишда имтиёзга эга.

Акционер акционерлик жамиятни жорий ва истикбол режалари, молиявий ахволи бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи акционерларнинг йиллик ва навбатдан ташқари барча йигилишларда уз вақтида ахборот олиш ҳамда акционерлик жамияти Устави, унга киритилган барча қушимча, узгаришлар, акционерларнинг йигилиши, Кенгаш Бошқарув мажлислари баённомалари билан танишиши ҳуқуқига эга.

Акционерлар йигилишида қурилган барча масалалар юзасидан овоз бериш акционерлик жамиятининг бошқарув идораларига сайланиши, навбатдан ташқари акционерларни умумий йигилишини чақириш ва уни тартибига масалалар талаб қилиш ҳамда акционерлик жамиятининг ижро органларини молиявий ҳужалик фаолиятини текширишни талаб қилиш ҳуқуқларидан фойдаланилган ҳолда Акционерлик жамиятларини бошқаришда иштирок этади.

Акционерлик жамияти жорий раҳбарликни унинг бошқаруви амалга оширади. Молиявий ҳужалик фаолияти бўйича қарорларни қабул қилишда бошқарув тулик мустақил бўлиб, акционерлар улар фаолиятига арилиш ҳуқуқига эга эмасдир.

Аммо бу акционерлар Бошқарув фаолиятини назорат қила олмайди деган гап эмас. Акционерлар бошқарув фаолияти устидан узларининг кенгашидаги вакиллари орқали назоратни амалга оширадilar.

Акционерлар:

-Акционерлик жамияти таъсис ҳужжатининг қоидаларига риоя этишлари;

-Акционерлик жамияти умумий йигини ва бошқа бошқарув идоралари қарорларини бажаришлари;

-Таъсис мажлисида белгиланган, аммо Акционерлик жамияти руйхатдан утқазилгандан кейинги бир йилдан кечиктирмасдан, акцияни сотиб олишлари;

-Тижорат сиридан иборат бўлиши Акционерлик жамияти фаолияти тугрисидаги ахборотни ошқор қилмасликлари;

-Конунчиликда ва таъсис ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни адо этишлари шарт.

Акционерлик жамиятининг соф фойдаси амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда солиқ ва бюджетга туловларни тулагандан сунг, акционерларнинг умумий йигилиши тасдиқлагандан сунг тартибда конунчиликка мувофиқ тақсимланади.

Соф фойданинг бир қисми, яъни дивидентлар тулашга ва фойда кетадиган ва акциялар бўйича дивидентлар миқдори ҳар йили акционерларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланади. Дивидентлар



акционерларнинг мулки ҳисобланган акцияларнинг сонига мутоносиб равишда тақсимланади.

Дивидент - Акционерлик жамияти фойдасининг акция эгасига тегадиган, бинобарин унинг даромадига айланган қисми.

Ҳар йили фойда акционерлар уртасида (солиқлар туланиб ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратмалар чиқарилиб тулдирилган) уларнинг қуйидаги акция миқдори (суммаси) ва турига қараб тақсимланади.

Тақсимланган ҳисса дивидент масаси дейилади. Дивидент ставкаси эса акционерларнинг акция номинат қийматига қура фоизларда ифодаланган даромади.

Дивидентлар чорак, ярим чорак, йил якунланганда ёки бошқа муддатларда туланиши мумкин.

Акционерлик жамияти ички меҳнат тартиб қоидаларига ходимларни ёллаш ва ишдан бўшатиш тартибини амалдаги қонунчиликка мувофиқ мустақил белгилайди. Шунингдек меҳнатга ҳақ тулаш шакли тизими ва миқдори, иш куни, ишларда навбатчилик, дам олиш кунлари меҳнат таътилининг берилиш тартибини мустақил белгилайди ва иш вақтининг ҳақбай ҳисобини юритиш тугрисида қарор қабул қилади.

Акционерлик жамиятининг ходимлар билан муносабатлари шартнома билан расмийлаштирилади. Устав, шартнома ва Акционерлик жамиятининг ички ҳужжатлари билан ечилмаган меҳнат муносабатларига доир барча масалаларни, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳал қилинади.

Қуйидаги ҳолларда Акционерлик жамиятининг фаолияти тугатилади:

- тулов қобилиятини йукотганда, қонунчилик мунтазам ёки қупол равишда бўзилганда ҳужалик судининг қарори билан;

- Акционерлик жамияти олий органининг қарори бўйича;

Акционерлик жамиятининг фаолиятини тухтатиш, уни қайта ташкил этиш (қушиш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш, қайта ташкил этиш) ёки тугатиш йули билан амалга оширилади.

### **(Интернетдан) “TS technology” 800 миллион сўмлик қимматли қўлларни муомалага чиқарди. UzReport.com**

Тошкентда “TS technology” - Ўзбекистон – А+Ш қўшма қорхонасининг 800 миллион сўм миқдоридаги қимматли қўлларини муомалага чиқариши муносабати билан тақдимот маъросими бўлиб ўтди. Бир неча йиллардан буён Ўзбекистон бозорида самарали фаолият кўрсатиб келаётган ушбу қўшма қорхона мамлакат таълим муасасалари ва ишлаб чиқариш қорхоналарига замонавий технологияларини етказиб бериш ва уларга малакали хизмат қўрсатиш билан шуғулланади.

Тақдимот маъросимида ушбу қимматли қўлларни муомалага чиқаришдан қўзланган мақсад қорхона акциядорлари сафини янада қенгайтириш орқали махсулот ва хизмат сифатини янада ошириш экани таъкидланди. Бу эса қорхона миқдори сонининг сезиларли даражада ортишига хизмат қўлажаги айтилди.

Тақдимот маросими доирасида Тошкентдаги 24 меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига энг замонавий компьютерлар ва интернет тармоғига уланиш имконини берувчи пластик карточкалар топширилди.

### Мавзу буйича назорат саволлари

1. Акциядорлик жамиятининг узига хос хусусиятлари ва кулайликлари нимада?
2. Акциядорлик жамиятлари қандай турларга бўлинади?
3. Акциядорлик жамиятини ташкил этиш тартиби қандай?
4. Акциядорлик қандай ҳуқуқларга эга?
5. Акцияни номинал қиймати деганда нимани тушунасиш?
6. Акция деганда нимани тушунасиш?
7. Акционерлик жамияти капитали самарадорлиги қандай аниқланади?
8. Дивиденд нима?
9. Дивидендларни қандай қуринишларда тулаш мумкин?
10. Оддий ва имтиёзли акциялар бир-биридан нима билан фарқ қилади?

12 – мавзу; Тадбиркорликни молиялаш ва кредит билан таъминлаш хусусиятлари.

### Р е ж а :

- 12.1. Молиявий ресурслар ва молиявий капиталнинг моҳияти ва тузилиши.
- 12.2. Кичик бизнесни молиявий ресурс монбалари.
- 12.3. Капитал инвестицияси ва унинг турлари.
- 12.4. Инвестиция ва даромадларни дисконтлаштириш.
- 12.5. Кичик бизнесни кредит билан таъминлаш шакллари.

Адабиётлар: 2, 4, 5, 6, 25, 28, 33, 44, 45, 46, 49, 52.

### Таянч иборалар:

Инвестиция, инновация, айланма фонд, муомала фонд, асосий фондлар, кредит, дисконтлаштириш, оведрафт, халқаро кредит, банк кредити, давлат кредити, истеъмолчи кредит, капитал инвестиция.

12.1. Молиявий ресурслар ва молиявий капиталнинг моҳияти ва тузилиши.

Тадбиркорликни асосини, шунингдек унинг кичик қуринишларини молиявий сармоялар ва молиявий захиралар ташкил қилади. Хужалик юритувчи субъектнинг молиявий захираларини унинг ихтиёрида бўлган пул воситалари ташкил қилади. Улар хужалик фаолиятини турли тармоқларига юборилади: Воситачи ва молиявий хизматлар, савдо – сотик хизматлари, инвестиция ва инновация лойиҳалари. Нақд пулнинг етишмовчилиги кичик бизнес истикболини, унинг ҳаёт топиш эҳтимолни, унинг молиявий эпчиллигини пасайтиради ва синишига олиб келади. Чунки етарли миқдорда

накд пулнинг булмаслиги банкларни карз бермаслигига олиб келади. Хужалик фаолиятини ривожлантириш учун ишлатиладиган молиявий захиралар (хом ашё, меҳнат ускуналари, ишчи кучи) пул қуринишидаги сармоядир.

Сармоянинг умумий ифодаси:

$$\begin{array}{ccccc} \text{Д} & \text{Т} & \longrightarrow & \text{Д} & \longrightarrow \\ \text{П} & & \longrightarrow & \text{Т} & \longrightarrow \text{П}' \end{array}$$

Бу ерда:

П-инвестор томонидан қарзга берилган пул маблағи.

Т-маҳсулот (тадбиркорлик фаолияти учун сотиб олинган технология).

П'-Инвестор томонидан хужалик фаолиятини юритиш натижасида ва қушимча маҳсулотни сотишдан олинган пул маблағи.

Йилига сармоя қанча қўп айланса инвестор йиллик даромади шунча қўп бўлади.

Молиявий захиралар сармоясини тузилишига шунингдек асосий фондлар, айланма фондлар, муомала фондларига қўйилган пул маблағлари қиради. Асосий фондлар-меҳнат қуроллари йиғиндисининг қийматли қуриниши. У молиявий қуринишини ўзгартирмасдан ишлаб чиқариш ва хужалик қорхона чегарасида фаолият қурсатади ҳамда ўз қийматини қайтадан яратилган маҳсулот қийматига ўткази.

**Айланма фондлар** – қорхона ишлаб чиқариш фондининг бир қисмини ташкил қилади. У бир ишлаб чиқариш даврида ишлатилади ва ўз қийматини ишлаб чиқариладиган маҳсулотига тулалигича ўткази.

**Муомала фондлари** – тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга юборилгани, лекин туланмагани банк ва касса ҳисобидаги пул маблағларини ўз ичига олади.

**Номоддий активлар** – ҳисоб-китоб тоифаси. Номоддий воситаларга физик хусусиятларга эга бўлмаган, аммо қорхона активига қўшилган ва одатда унинг фойдаланиш муддати даврида амортизация туловларини талаб қилади. Уларга қўйидагилар қиради: патентлар, лицензиялар. Уларнинг бир қисми узининг дастлабки қийматини йўқотади ва вақт ўтиш мабойнида фойда қелтиради.

## 12.2. Кичик бизнесни молиявий ресурс монбалари.

унча қўп бўлмаган янги ишхбилармонлар ўз ишларини ўзлари молия билан таъминлайдилар. Қўпчилик кишилар оз миқдорда бўлса ҳам ташки манбаларга муҳтож бўладилар.

Пул ресурсларининг туртта тоифаси мавжуд:

1. Савдо қредити – Ҳақиқатдан бу товар қиймати ҳисобланади.
2. Қиска муддатли қредит – Банклар ва бошқа қредит берувчилар, бу қабди қредитлар маҳсус мақсадлар-муддатли қредитлар эҳтиёж сифатида

келгуси мавсумда сотиш учун берилади. Бу каби кредит учун карз бир йилга етмасдан узилади.

3. Узок муддатли кредит – Бир йилдан ортик муддатга корхонани кенгайтириш ёки такомиллаштириш учун берилади.

4. Акционерлик капиталида инвесторнинг катнашиши. – Бу каби ресурслар кайтарилмайди. Сиз воситаларни оласиз ва фойдани бир кисмини инвесторга берасиз.

Молиявий таъминлашнинг имконли манбалари куйидагилардир:

Тижорат банклари, молиявий ва инвестицион компаниялар, кредит идоралари, харидорлар, махсулот берувчилар.

Бугунги кунда кичик бизнесни куллашни узларининг асосий вазифаси деб хисоблайдиган давлат ва жамият ташкилотларининг сони купаймоқда. Улар факат молиявий ёрдам килмасдан балки (коида буйича имтиёзли кредит шаклида) корхоналар кидириб топишади, ходимларни укитиш ва бошка ишларда ёрдам беради.

**(Интернетдан) Т и Ассоциация Банков Узбекистана. [www.tashkent.uz/section.htm?content\\_path%2Farticles%2Fbusiness\\_economics%2Feconomic\\_s](http://www.tashkent.uz/section.htm?content_path%2Farticles%2Fbusiness_economics%2Feconomic_s) (25 Кб)**

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий мажлисининг I-сессиясида сузлаган нутқида таъкидлаганидек «Келажакда банк, молия кредит тизимини такомиллаштириш ва уни жахон миқёси даражасига кутариш алоҳида аҳамият касб этиши керак» деган фикрларига амал қилишимиз лозим.

Бугунги кунда банк ассоциацияси 25 та тижорат банкларини бирлаштириб, Ўзбекистон бозор иқтисодиётида ўзига хос бўлган молиявий таъминот хусусиятига эга бўлиб, келажакда банк инфраструктурасини ривожлантиришда қонуний щимоялаш вазифаларини белгилайди шамда ассоциация аъзоларига кадрлар тайёрлаш ва илмий таъминот соҳасида турли хизматлар кўрсатиш ва уларга мос бўлган қонун йули билан щимояланган база яратиш вазифаларини бажаради.

### **12.3. Капитал инвестицияси ва унинг турлари.**

Кичик бизнесни ишбилармонлик тизимлари томонидан молия ресурслари кундалик харажатларини ва инвестицияни молия билан таъминлашда ишлатилади.

Инвестиция – бу молиявий ресурсларни турли фаолият, асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун узок муддатли капитал киритиш шаклида бевосита корхонани қушимча фойда олиш ёки корхона компания ишига таъсир курсатиш ниятида қимматбаҳо қозғаларни сотиб олишда ишлатилади. Инвестициялар молиявий (қимматбаҳо қозғалар билан боғлиқ операциялар) Хақиқий (маблағларни узок муддатга моддий ишлаб чиқаришга киритиш), аклий (интеллектуал) бўлишлари мумкин. Бундан ташқари қуйидаги турлари ҳам мавжуд.

**1. Венчурли капитал** – бу таваккалчилик капитал киритишни белгилаш учун ишлатилади. У узини янги акциялар чиқарувчи инвестиция шаклида курсатади. Булар янги акциялар чиқарувчи инвестиция шаклида узини курсатади.

**2. Тугри инвестициялар** – бу хужалик юритувчи субъектнинг низом капиталига киритилган маблағдир. Ёки янгидан бунёд этилаётган корхона учун фойда қуриш ниятида ва ушбу ишбилармонлик тизими бошқарувини бошқаришда қатнашиш ҳукукини қулга киритиш учун ишлатилади.

**3. Портфел инвестициялар** – бу фойда олиш мақсадида саноат, қишлоқ хужалик, транспорт кредит ва бошқа корхоналарга узок муддатли капитал маблағини киритишдир.

**4. Аннуитет** – омонатчига вақти вақти билан туланадиган пул маблағидир. (бадал, рента ва фойда).

Аннуитетнинг қуйидаги турлари мавжуд:

**А. Хар йили аннуитетлар** – сугурталанганларга йиллик бадалларни тулаш.

**Б. Булинувчи аннуитет** – сугурталанган шахсни вақтидан кейин меросхурлар орасида тақсимланувчи даромад.

**В. Кечиктирилмайдиган аннуитет** – сугурта шартномаси тузилгандан кейинги туланиши бошланган йиллик даромад.

**Г. Кечиктирилган аннуитет** – сугурта шартномаси тузилгандан сунг маълум вақт ўтгандан кейин туланадиган йиллик даромад.

**Д. Гурухли аннуитет** – даромад ягона сугурта шартномаси асосида бир неча физик ва юридик шахсларга туланадиган даромад бўлиб сунг улар орасида тақсимланади.

**Инвестор** – бу қарор қабул қилувчи ва узининг шахсий, қарзга олинган маблағларини ва жалб қилинган мулкӣ ва маданий бойликларини инвестицион лойиҳага киритувчи жисмонӣ ва юридик шахсдир. Инвестор қарори билан инвестицияларга эгалик қилиш, ишлатиш, фойдаланиш ҳукуки ва уларнинг натижалари билан жисмонӣ ва юридик шахсларга қонунда қурилган тартибда бериши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик тадбиркорлик қорхоналарини вужудга қелишига таъсир этадиган омиллар орасида инвестициянинг миқдорини белгилаш ҳамда олинадиган инвестицияни қайси соҳага йуналтиришни аниқлаш муҳимдир. Ҳозирги давргача кичик тадбиркорлик қорхоналарини инвестициялаш механизмлари тулик яратилмаган. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тугрисидаги Қонунда хусусий мулк эгаларига маълум шартлар асосида белгиланган қоида инвестиция олишларига ҳукукий имқониятлар берилган бўлиб, реал ҳаётда буни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилмоқда.

Тадбиркорлик ишлари таваккал қилиб бутун маъсулиятни тадбиркор уз зиммасига олиб амалга ошадиган фаолият бўлганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда ҳам ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланилган ҳолда тижорат ишларида айрим субъектив ва объектив омиллар таъсири остида қуриладиган зарарни қоплаш учун «Ўзбекистон» Миллий сугурта

компанияси тузилди. Бу компания ташки Иктисодий фаолият Миллий банки ва Америка «ALGG inc» молия гуруҳи томонидан Лондонга туриб ишлайдиган ва таваккалчилик натижасида мабодо зарар куриладиган бўлса, уни коплашни кафолотлайдиган ҳамда Тошкентда фаолият курсатувчи ва тижорат таввакалчилигини кафолотлайдиган кушма сугурта компаниялари ташкил этилди.

Европа тикланиш ва тараккиёт Банки билан биргаликда республикада лойиха тайёрловчи гуруҳ уз фаолиятини бошлади. Бу гуруҳ шу банк оркали ажратилган 60 млн. доллар инвестиция кредитини жадал узлаштириш максдаида инвестиция лойихалари учун техникавий-иктисодий асосларни тайёрлашга кумаклашади.

Республикада мавжуд давлат инвестиция дастурида хориж мамлакатлари томонидан кичик, урта ва йирик бизнесни ривожлантириш учун берилаётган инвестициялар мамлакат иктисодиётида туб ички иктисодий структуравий узгаришлар булишига таъсир этмокда.

Хозирги кунга келиб, Ўзбекистон дунёнинг турли молиявий ташкилотларидан берилган молиявий ёрдамлар жумладан инвестициялар республикани ички бозори учун ва жахон бозорида республикамиз махсулотларини сотилишига таъсир этмокда. Бунини ракамлар мисолида курадиган бўлса, Ўзбекистон учун 1995 йил октябр ойигача 650 млн.долл. тикланиш заёми ажратилиб, ундан иктисодиётни ривожлантириш учун самарали фойдаланилмокда. Республикада пахта лойихасини амалга оширишга 60 млн.долл. ажратилди ва бу маблағ узлаштирилмокда. Ёкилги саноатини ривожлантириш учун Кукдумалок нефт конини узлаштириш максдаида 170 млн.долл.олинди, бу маблағ ишлаб чиқаришда уз самарасини бера бошлади.

Республикада уз иктисодий захиралари билан алохида урин эгаллаган мингбулок нефт конини тула узлаштириш ва муҳим ёкилги базасини ишга тушуриш учун 40 млн долл. Олинди, бу маблағ ҳам узлаштирилмокда. Ўзбекистонда нефт-газ захиралари буйича салохиятли хисобланган Муборак нефт-газ конларини казиш ишларини ривожлантиришга 60 млн,долл, Шуртангаз мажмуини ривожини учун 120 млн долл, инвестиция олинди, бу маблағларни сарфланиши турли йуналишлари белгиланди.

#### 12.4. Инвестиция ва даромадларни дисконтлаштириш

Тадбиркорликда унинг молия ресурслари ичида катта хажмда нақд пуллар булиши мумкин. Шунинг учун пул масаласини сотиб олиш кобилиятини аниқлашда муҳими вақт омилини хисобга олишдир. Пул воситалари бир хил номинал кийматга эга була туриб хозирги вақтда ва маълум вақт утганда хар хил сотиб олиш кобилиятига эга булади.

Дистонтлаштириш – бу хар хил йиллардаги иктисодий курсаткичларни вақт буйича солиштириш турига келтиришдир. Ушбу операция шунга асосланганки, хар кандай келажакда олинандиган пул маблағи айланишга



киритилиб, фойда келтиришга мажбур килинса, унда уч йилдан сунг пул микдори факатгина сакланиб колмасдан. Балки купайиши хам мумкин.

Инвестициялардан келадиган даромадни дисконтлаштириш – бу келажакда олинадиган умумий пул кийматини хозирги пул кийматига нисбатан аниклашдир.

Устирилган пулни аниклаш ва дисконтни хисобга олиб кушимча даромадни аниклашда куйидаги формуладан фойдаланилади:

$$F_c = P_c (1+i)^n.$$

Бу ерда:

$F_c$ -Келажакдаги пул маблаг (кутилган киймати). Сумма.

$P_c$ -Пулнинг бошлангич киймати (хозирги жорий) сумда.

$(1+i)$ -дисконт коэффиценти, яъни даромадли меъёри ёки фоиз кийматининг биринчи булаг.

$n$ -даромадни жамгарилишдаги йиллар сони ёки капитал айланишлари сони.

$$D = P_c (1+i)^n - P_c.$$

Бу ерда:

$D$ -кушимча даромад.(сум).

Кичик бизнес корхоналари ракобат курашида айримлари ривожланиб боради, айрим иши юришмаганлари касодга учрайди, бу табиий холдир. Шу билан бирга янги кичик бизнес ва якка мулкдорчилик корхоналари кайтадан барпо этила бошлади. Маълумки хар бир мулкчилик корхонаси фаолиятини давом этиши асосан уларни инвестиция билан таъминлашига хам боглик булади. Кичик бизнес корхоналарига инвестиция ажратилиши мулкка интилувчилар ва мулк эгаси булишга харакат келадиганлар сафини усиши билан хам боглик. Умуман кичик тадбиркорлар корхоналари учун инвестициялашнинг мухим тури-бу кимматли когозлардир. Инвестициянинг бу тури Европа мамлакатларида кенг таркалган. Шунинг учун республикада кимматли когозлар бозорини ташкил жтиш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар кенгрок яратилиши зарур. Республикада кичик бизнес корхоналарини инвестиция билан таъминлаш учун аввало узбекистонда кимматли когозлар кенг маънога эга молия бозорини шакллантириш зарурдир. Буни амалга ошириш учун хар томонлама такомиллашган молия бозорини вужудга келтириш лозим, турли мулк шаклидаги тадбиркорлик корхоналарида пул маблаглари эркин харажатимни йулга кйуиш зарур. Жахондаги ривожланган мамлакатлар уз жамиятларида тулик шаклланган молия бозори билан эркин пул маблаглари вужудга келтирганликлари учун бу мамлакатларда тадбиркорлик ривожланган.

Хозирги шароитда турли кимматли когозлар бозорини шакллантириш оркали тадбиркорликни ривожлантиришга эришиш мумкин. Турли куринишдаги акциялар оркали кичик тадбиркорлик корхоналарига берилган инвестиция белгиланган нормалар буйича уз инвесторларига маълум фоизда фойда келтирилиши инвестор учун асосий кушимча даромад манбаи

хисобланади. Кичик бизнес корхоналарини ривожланиши куп холларда инвестицияга боглик булиб, инвесторлар уз навбатида тадбиркорлик корхоналарини мунтазам равишда маблаг билан таъминлаб туришга фойда олишни кузлайдилар.

Инвесторлар узлари куйган маблагни канча фойда келтириш улар олаётлар кимматли когозлар турига боглик. кайси кимматли когоз инвесторга катта фойда келтирса, маблаг уша кимматли когозни сотиб олишга йуналтирилади. Хусусий сохада куйилган капитал хам тез-тез техлил этиб турилади. Шу билан бирга инвесторлар корхона фаолиятидан узлари режалаштирган даромадни олиш учун ҳаракат киладилар.

### 12.5. Кичик бизнесни кредит билан таъминлаш шакллари.

Кичик бизнеснинг ишбилармонлик таркибларини кредит билан таъминлаш – бу уларга молиявий пул ёки товар шаклидаги воситаларни маълум муддатга хужалик фаолиятини амалга ошириш учун беришдир.

Кредит билан таъминлашнинг куйидаги турлари мавжуд:

1.Хужалик юритувчи субъектларга пул ссудаларини ёки товарни капитал урнида тугридан-тугри бериш шакли.

2.Хисоб-китоб турларидан бири сифатига кредит билан таъминлаш, яъни тулов мухлати узайтирилганлиги ҳисоби билан.

Кредитнинг асосий вазифаси пул воситаларини кайтариб бериш шарти билан корхоналар, ташкилотлар орасида таксимлаш ва вақтинча буш пул маблағларини самарали ишлатишдан иборатдир.

Кичик бизнесда кредит билан таъминлаш кенг шаклларда тасаввур этилади. Бу ерда куйидаги кредитлар ишлатилади: тижорат, банк, давлат, истеъмолчи, халқаро. Уларнинг ҳаммаси кредит берилиш муддатига қараб қиска муддатли (1 йилгача), урта муддатли (1-3 йилгача) ва узок муддатли (3-йилдан ортиқ) булиши мумкин.

Тижорат кредити – товар шаклида (берилувчи) сотувчилар томонидан харидорларга берилувчи кредит бериб сотилган товарни қийматини орқарок суришдан иборатдир.

Банк кредити – корхоналарга, тадбиркорларга пул қуринишида берилади.

Давлат кредити-давлат бюджетидан энг муҳими замонавий ишбилармонлик лойиҳаларни амалга ошириши буйича тасдиқланган дастурлар асосида берилади.

Истеъмолчи кредити-бу кредит шакли халқнинг истеъмол талабини қондириш воситаси сифатида хизмат килади ва пул ёки товар шаклида булиши мумкин.

Халқаро кредит – бу халқаро иқтисодий муносабатлар соҳаси булиб. У турли давлатлар кредитлар ва қарз олувчилар орасида ссуда бериш ишлатиш ва уни узиш буйича фойиз тулаш билан амалга оширилади. Халқаро кредит улчами ва уни бериш шарти кредит берувчи ва олувчилар уртасидаги кредит шартномасида уз аксини топади.

Очик хисоб буйича кредит билан таъминлаш – бу сотувчини доимий харидорга таъмин этмасдан ва тез фоиз туламасдан тулов муддати узайтирилган шаклдаги кредитдир.

Овердрафт-киска муддатли кредитлаш шакли булиб банклар амалиётида ишлатилади.

Узбекистонда Бухоро заминида нефтни кайта ишлайдиган замонавий техника ва технология билан таъминланган завод курилишига 160 млн.долл, олинб, хозирги кунда бу маблагдан фойдаланилмокда. 1995 йилнинг охирига келиб Узбекистонга берилган хориж инвестициясининг умумий микдорида 1 млрд.долл.га етди. Дунёдаги мавкеи юкори булган молиявий ташкилотлар Узбекистон иктисодий потенциалини чукур урганиб чикиб, маълум микдорда инвестициялар ажратмокдалар. Жумладан Халқаро Валюта фонди мутахассислари иштирокида республика иктисодиёти чукур ислох этиш мақсадида узгаришлар дастури ишлаб чиқилди ва дастурни амалга ошириш учун 74 млн. АКШ долл, микдорида дастлабки маблаг ажратилди.

Республикада иктисодий ривожланиш куп жихатдан халқаро молиявий ташкилотларнинг бераётган инвестициялари ёрдамида амалга ошиб бормокда.

Узбекистонда кичик бизнес, урта ва йирик бизнесни ривож учун хориж инвестициялари янгидан янги маблағларни ажратиши билан катта хисса кушмокда. 1995 йилнинг бошида Узбекистонда 25 та мамлакатнинг хорижий фирма, банк ва компанияларнинг ваколотхоналари сони 166 тага етди. Узбекистонда Ташки Иктисодий фаолият Миллий Банки жахоннинг 80 та йирик банкларида вакилликхисобракамини очишга мувофиқ булди. Республикамизда миллионлаб маблаглар кичик бизнеснинг ривожига йуналтирилмокда.

### Мавзу буйича назорат саволлари

1. Кредит, дотация нима?
2. Асосий фондлар деганда нимани тушунаси?
3. Айланма фондлар деганда нимани тушунаси?
4. Муомала фондлар деганда нимани тушунаси?
5. Номоддий активлар нима?
6. Инвестиция нима?
7. Тадбиркорликда инвестициянинг ахамияти?
8. Дисконтлаштириш нима?
9. Инвестици турларини айтинг?
10. Кредит нима ва унинг турлари?

13 - Мавзу: Тадбиркорликда инвестицияларнинг лойихавий тахлили.

### Р е ж а :

13.1. Инвестицион лойихалар.

- 13.2. Инвестицион лойихалар тахлилининг узига хос жихатлари.
- 13.3. Инвестицион лойиха цикллари.
- 13.4. Инвестицион лойиха менежменти.
- 13.5. Инвестицион лойиханинг устиворлиги.

Адабиётлар: 2, 7, 12, 14, 16, 25, 28, 32, 39, 42, 45, 46, 52.

### Таянч иборалар:

Инвестиция, лойиха менежменти, стратегик режа, молия бозор, харажат, ялпи ички махсулот, меҳнат ресурслари, маркетингни бошқариш, молиявий ресурслар, лойиха устиворлиги, жаҳон банки.

### 13.1. Инвестицион лойихалар .

Ўзбекистон Республикаси амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш иқтисодиётдаги таркибий узгаришларни жадаллаштирилишни талаб этади. Бу эса уз навбатида катта ҳажмдаги сармояларни (инвестицияларни) жалб этилишини тақозо этади.

Эспертиза таҳлилари шуни курсатмоқдаки, яқин ун йиллар ичида бевосита чет эл инвестициялари шаклидаги халқаро капитал оқимлари ҳажми янада ошади.

Жаҳон банки таъкидлашича 1996-2005 йиллар мабойнида ривожланаётган мамлакатлар, уз иқтисодиётларга аввалги 10 йилдагига қараганда купрок инвестиция йуналтирилиш керак. Улар Я.И.М даги инвестициялар улуши уртача ҳисобда 1985-1994 йиллардаги 24 % дан 1995-2004 йилларда 27-28 % гача яъни йилига 1,7-1,8 трлн АКШ долларига ошади.

Ривожланаётган мамлакатлар ҳозирги утиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар улуши эса ошиб боради. Россия Фанлар академиясига қарашли (И.М.Э.М.О) институти олимлари амалга оширган баҳолаш ҳисоблари 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

Жаҳондаги мамлакатлар 3 та гуруҳ уртасида янги чет эл инвестициялари оқимининг бевосита тақсимланиши

| Мамлакат гуруҳлари                       | 1995 | 2000 | 2005 | 2010 | 2015 |
|------------------------------------------|------|------|------|------|------|
| Ривожланган мамлакатлар                  | 64,5 | 60,0 | 54,7 | 48,6 | 41,1 |
| Ривожланаётган мамлакатлар               | 31,7 | 35,0 | 39,0 | 43,3 | 48,1 |
| Утиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар | 3,8  | 4,9  | 6,3  | 8,1  | 10,5 |

1995 йилда 2001 йилгача булган даврда Ўзбекистонда капитал қуйилмалари умумий ҳажмда барча турдаги чет эл инвестициялари улуши 14-21,7% гача яъни 1,5 баробар ошган. Аммо ҳозирги кунда бу етарли эмаслиги қуриниб турибди. Айниқса ишлаб чиқариш мақсадларига йуналтириладиган чет эл инвестициялари етишмаётгани аниқ сезилмоқда. Бу

Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2001 йилдаги ижтимоий иктисодий ривожланиш якунлари иктисодий ислохотлар бориши ва 2002 йил вазифаларига багишлаб 2002 йил 14 февралда утказилган Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси мажлисида сузлаган нуткида курсатиб утди. «Хорижий инвестицияларни бевосита жалб этиш ишлари суст олиб борилмокда. 2001 йили иктисодиётимизга жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий хажмидан факат 13,4% гина бевосита амалга оширилди».

Бу уринда Узбекистонда бевосита чет эл инвестицияларини жалб этиш йулида тусик булаётган асосий омиллар орасидаги куйидагиларни алохида ажратиб курсатишимиз мумкин.

- Ахоли жон бошига тугри келадиган ялпи ички махсулот даражаси юкори эмаслиги туфайли мамлакат ички бозори чет эллик шериклар учун кизикарли эмаслиги;

- Миллий молиявий тизимнинг етарли даражада ривожланмаганлиги, нотуловлар мавжудлиги, хусусий инвестициялар даражаси юкори эмаслиги, хусусий тадбиркорлик яхши ривожланмаганлиги;

- Бозор ва ишлаб чикариш инфратузилмасини ривожлантиришда камчиликлар борлиги;

- Мамлакатимизга ва мамлакатимиздан ташкарига юк етказиб бериш ва транспорт харажатлари юкори даражадалиги;

- Мамлакатимизга нуфузли халқаро рейтингли агентликлар бераётган инвестиция рейтинглари унча юкори эмаслиги ва бошқалар.

Жахон банки усули буйича лойиха тахлили вазифасига лойиха кийматини белгилаш киради. Лойиханинг киймати унинг ижобий натижалари киймати ва салбий натижалар айирмасига, яъни лойиха киймати «Фойда-харажат»га тенг.

Лойиха кийматини аниқлаш учун уни барча натижаларини баҳолаш ва лойихадан олинadиган фойдани ва уни амалга ошириш харажатларидан устун эканлигини баҳолаш керак булади, чунки купдан куп иморат ва иншоотлар келажакда узок даврлар утгандан кейин уларни хозирги вақтда лойиха буйича зарурий харажатлари билан таккослаш бутунлай мумкин булмай колиши мумкин. Баъзи бир харажатларни ва лойиха натижаларини, масалан, курулиш мантаж ишларини осон улчаш, кийматлаш мумкин булади. Баъзи ходимларни укитиш сон ва сифат жихатидан улчаш мумкин, аммо саноат ишлаб чикариш ва кишлок хужалик фаолиятида талаб даражасида хакикий натижаларга баҳо бериш асло мумкин эмас.

### 13.2. Инвестицион лойихалар тахлилининг узига хос жихатлари.

Лойиха тахлили лойихани таъсир килиши ва ролини хар хил нуктаи назардан кайтадан, уларни ишлаб чикариш даврида куриш имконини беради. Лойиха тахлилининг куйидаги етти булими мавжуд.


Лойиха фойдаси ва харажатлари куйидаги тутган уринлари билан баҳоланади:

1. Техникавий тахлил: (Лойиха техника жихатидан асосланганми);

2. Бозор тахлили : (Лойиха махсулотига талаб борми);
3. Молия: (Лойиха молия нуқтаи назардан яшовчанми, Лойиха учун килинган харажатлар истеъмолчи ҳисобига қайтариладими);
4. Экология: (Лойиха атроф муҳитга қандай таъсир қурсатади);
5. Институционал тараккиёт: лойиха учун жавоб берадиган ташкилот лойихани амалга ошириш ва уни ишлатишда раҳбарлик қила оладими;
6. Лойихани ижтимоий ва маданий муносабатларда ишлатилиши;
7. Иқтисод: лойихани ижобий натижалари уни амалга оширишдаги ва ишлатишдаги харажатлардан устун қелади.

### 13.3. Инвестицион лойиха циклари.

«Лойиха цикли» тушунчасига лойихани ишлаб чиқариш ва амалга ошириш босқичлари қиради. Жаҳон банки лойихалар учун муҳим аҳамиятга эга бўлганлар. Қуйидаги чизмада олти босқич қурсатилган.



1-чизма. Лойиха цикли.

**Вазифаларни белгилаш.** Циклнинг биринчи босқичи тараккиёт топтиришнинг муҳим масалаларини бажаришини таъминлаб асосий белгилловчи ҳолларни танлашда тегишлидир.

**Ишлаб чиқариш.** Бунинг учун лойиханинг барча параметрлари, яъни ҳар томонлама узлуксиз аниқлаб қуриб чиқилади, яъни лойихани техник характеристикаси, унинг атроф-муҳитга таъсири иқтисодий самарадорлиги.

Текшириб чиқиш-лойихага молиявий пул ажратишдан олдин утқазиладиган охириги баҳо ҳисобланади. Ундан қалажакда қуп фойда қелтирилиши мумкинлиги аниқлаб чиқилади.

Қелишув қараёни- бу қараёнда банк ва қарз олувчи лойиха бажарилишини таъминлашга алоқадор қора тадбирларни қуриб қиладилар.

**Амалга ошириш** - бу босқичда лойиха қерақли ташкилотларга тарқатилади. Амалга ошириш этапида барча қуринишдаги ишлар қузатиб бўрилади ва назоратга олинади.



Баҳолаш – этапида куйидагилар аникланади: кейинги лоихалардан фойдаланиш учун лойиха мақсади аниклаганлик даражаси баҳоланади ва тажриба хулосалари баҳоланади.

#### 13.4. Инвестицион лойиха менежменти.

Инсонлар лойиха мақсадида эришиш учун аниқ мақсади билан ишламасалар ҳеч қайси лойиха самарали бўлмайди.

Лойиха мақсадини аниқлаш ва уни режалаштириш ишга раҳбарлик ва иш бажариш жараёнида ёрдам бериш менежер учун асосий вазифа ҳисобланади. Иш жараёнини назорат қилиш, бюджетни кузатиб бориш, ишлаб чиқариш хажми ва лойиха ресурсларни кузата билиш менежерлик асосий вазифаси бўлиб қолади.

Менежментнинг тажрибаси бажарадиган фаолияти ва контексти. Контекст деганда лойиха бажарилаётган ташқи ва ички муҳит, режаси ёки режалаштираётган бизнес тушунилади.

Ташқи муҳит уз ичига қуйидаги омилларни олади.

1. физикавий омиллар: танланган жой, иқлим жугрофик тузилиш хусусиятлари.

2. Иқтисодий омиллар ;Ички ва халқаро;

3. Маданий ижтимоий ва сиёсий омиллар;

4. Технологик омиллар;

5. Лойиха эгаси –давлат ёки директор кенгаши акционерлар ёки хусусий шахс;

6. Фойдаланувчи, бозор, харидор, мижоз фойда оловчи шахс ва хоказолар ана шуларнинг талаб истакларини эътиборга олиш керак;

7. Иш шароитига жавобгар бўлган бош ташкилот вазирлик ёки корпорация;

8 Лойихали бошқарувчи команда ёки бизнес штатидаги ходимлар.

Менежмент вазифаси ва бажарадиган ишдаги фарқини аниқлаш жуда мураккаб.

Менежментнинг 6 хил вазифаси мавжуд:

1. Раҳбарлик, менежерлар командасига бажаралидаган мақсад вазифасини аниқ ва тушинарли қилиб бера олиши.

2 Режалаштириш. Режалаштириш 2 хил бўлади.

А) стратегик режа-мақсад ва мижоз уртасидаги ижтимоий иқтисодий муҳит.

Б) Харакат режаси-бу ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати унинг иқтисодий самарадорлиги ва бошқариладиган иш ҳокимлиги белгилайди.

3. Ишга раҳбарлик қилиш ва ёрдам бериш.

А) Мехнатни бўлиниши, моддий ва молиявий ресурсларни тақсимлаш

Б) Иш дастурини бажариш

4. Мувофиқлаштириш

а) ташқи ва ички муносабатлар ҳамда ахборотлар.

5 Бажарилишни назорат қилиш

а) Хар бир сохали матералли, молиявий томонини, бухгалтерия хисоботларни ва ижтимоий омилларининг назорати

б) вақти-вақти билан иш бажарилишини назорат қилиш

6 Натижага мулжал. Мукофатлаш тизимини куллаш.

Мохирликнинг ривожланиши менежментнинг қуйидаги асосий вазифалардан иборат:

1. меҳнат ресурсларини ривожлантириш.

А) Ишни нимадан иборатлигини ёзиб чиқиш ва ишловчилар штатини жамлаш режаси;

Б) Лойхани шакллантириш;

В) Штатдаги ходимларга ва маслахатчиларга раҳбарлик қилиш;

2. Ишга олинаётган кадрларни миқдор жихатидан самарадорлиги;

А) Билими;

Б) Мажбурияти;

3. Ходимлар орасидаги алоқалар.

А) Штабдаги ходимлар ва булимлар уртасидаги мажбурият ва жавобгарлигини тақсимлаш;

Б) Айрим ходимлар ишини режалаштириш ва уни баҳолаш усули;

В) Ишни тугри ташкил этишни ургатиш;

Г) Сухбат ва маслахат ташкил этиш;

Е) Мажлис утқизиш;

Д) Муаммоларни ажратиш ва уни ечиш;

Ж) Узининг иш вақтини режалаштириш;

4. Амалга ошириш

А). Режалаштириш йуллари ва уни амалга оширишни назорат қилиш;

Б). Тизимлар ва усуллар

В). Таклифлар, хизмат курсатиш ва хом-ашё сотиб олиш;

Г). Ишлаб чиқариш ва мохиятларини бошқариш;

Е). Маркетингни бошқариш;

5). Молиявий ресурсларни ва менежмент;

А). Харажатларни ҳисолаб чиқиш ва баҳолаш;

Б). Иқтисодий ва статистик усуллар;

В). Жамгарма фодини бошқариш;

Г). Молиявий назорат ва тафтиш;

6). Ахборот тизимларини бошқариш;

А). Ахборот тизимлар;

Б). Сифат миқдорини кузатиш;.

в) Иш графигини текшириш.

г) Иш ҳолатини ҳисоботи ва назорати.

### 13.5. Инвестицион лойиханинг устуворлиги.

Куп иқтисодчилар ва халқаро ваколатхоналар лойиха узоққа чидамлилигини тараққий эттиришда шуни аниқладиларки, лойиханинг давомийлик қобилияти унинг иқтисодий самарадорлигини таъминлашга боғлиқ эканлигини топади. Жаҳон банкининг иқтисодий ривожлантириш

институти (Ж..Б.И.Р.И.) лойиха устуворлигини куйидагича аниклайди: агар лойиха бир неча йил ишлагандан сунг олинган фойда олдиндан кузланган фойдага тенг ёки куп булса, унда лойиха чидамли деб хисобланади.

Лойиханинг устуворлиги купинча унинг микдорий курсаткичларида курсатилса хам унинг сифат курсаткичи асосий хисобланади. Ишлаб чиқариш тармоқларидаги лойихалар учун масалан саноатда унинг фаолиятдаги ишлаб чиқариш ҳажмидаги фойдаланиш коэффициентлари билан аниқланади.

Жаҳон банки иқтисодий ривожланиш институти таъкидлаши бўйича устуворликни аниқлаш меҳнат ресурсларини тараккий этиришда ҳам микдор курсаткичига эътибор бериш керак. Лойиха устуворлиги нисбий тушунча, у куп курсаткичлар билан баҳоланиши керак – бу курсаткичлар лойиханинг сифати ва микдор жиҳатидан фаолиятини бирлаштирилади. Асосий гоё унинг умрбоқийлигини аниқлаш.

Лойихани чидамийлигига бир канча омиллар таъсир қурсатади. Ж..Б.И.Р.И. 4 та асосий омилни фарқлайди: иқтисодий ва молиявий, техник, ташкилий ва стратегик.

### Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Лойиха тахлили деганда нимани тушунасиш?
2. Лойиха тахлилининг нечта бўлими бор?
3. Лойиха тахлили ҳар бир бўлимининг таърифини келтиринг?
4. Лойиха тахлили вазифасига нималар қиради?
5. Лойиха цикллари деганда нимани тушунасиш?
6. Контекст деганда нимани тушунасиш?
7. Ташки муҳит уз ичига қандай омилларни олади?
8. Менежментнинг вазифаси ва баҳарадиган иши.
9. Лойиха устуворлиги қандай аниқланади?
10. Лойиха қиймати нима?

### 14-Мавзу; Кичик бизнесда банкротлик.

#### Р е ж а :

- 14.1. Банкротлик-рақобат қурашининг объектив ҳодисасидир.
- 14.2. Кичик бизнес қорхоналари инқирозга учрашининг асосий сабаблари.
- 14.3. Кичик бизнесда ҳужалик юритувчи субъектларни тугатиш шарт-шароитлари.
- 14.4. Кичик бизнесда ҳужалик юритувчи субъектларни қайта ташкил этиш шарт – шароитлари.
- 14.5. Ишдан бўшатилаётган ишловчиларнинг ҳуқуқий қафолотлари.

Адабиётлар: 2, 3, 4, 8, 9, 16, 25, 31, 36, 37, 38, 39.

### Таянч иборалар:

Банкрот, санация, аддий акция, имтиёзли акция, ракобат, кредиторлар, молиявий натижалар, низолар, фойда, иктисодий фойда, бухгалтерия фойдаси, кредит, тинчлик келишуви.

#### 14.1. Банкротлик-ракобат курашининг объектив ходисасидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Банкротлик тугрисида»ги қонуни кредиторларнинг даъволарини қондириш мақсадида ҳужалик юритиш субъектлари бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларни банкрот бўлган деб эътироф этиш шартлари таркибини белгилаб берди.

Қонун мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳужалик фаолияти билан шугулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг шу жумладан бошқа давлатлар ҳужалик юритиш субъектларнинг мулкӣ муносабатларига нисбатан тадбиқ этилади.

Ушбу қонун ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қорхоналарга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Банкротликнинг дастлабки белгиларига қуйидагилар қиради:

А) Ҳисоботлар берилишининг кечиктирилиши.

Б) Баланс ва молиявий натижалар тугрисидаги ҳисоботлар тизимидаги кескин ўзгаришлар.

В) Қорхоналардаги низолар чиқарилаётган қарорларнинг қупайиб кетиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги «Қорхоналарнинг банкротлиги тугрисида»ги қонунчиликни амалга оширишга доир чора тадбирлар тугрисидаги ПФ – 1658-сон Фармонида асосан ишлаб чиқилган «Иктисодий ночор қорхоналарни санациялаш тугрисида» ги Низом ҳужалик юритувчи субъектлар - қарздорларнинг тулов қобилиятини соғломлаштириш ҳамда тиклаш мақсадида утқизиладиган ночор қорхоналарни санациялаш масалаларини тартибга солади.

Қорхона санациялашнинг давомийлиги 18 ойдан ошмаслиги қерак.

Низомда таъқидланишича, ҳужалик судининг қарорига мувофиқ нодавлат қорхоналари учун санациялаш даври 6 ойгача узайтирилиши мумкин.

Санациялаш бошланишидан 12 ой ўтгач қредиторнинг талаблари умумий суммасидан 40%и қондирилиши лозим.

Банкротлик бу ҳужалик юритувчи субъектнинг иктисодий қашшоқлиги, уни қарз мажбуриятлари бўйича туловга қобилиятсизлиги, ҳужалик судининг қарори билан ошқора эълон қилинганлигидир, ўз ишининг маъноси билан банкротлик бу бозор иктисодиётидаги оддий ҳолат, ракобат курашидаги табиий жараёндир, унда ночор тадбирқор таркиби ўзининг ҳужалик фаолиятини тухтатишидир. Ракобат курашининг натижаси-бу ишлаб чиқариш тараккиётини ишдаги ташаббусни рағбатлантиришдан иборат.

Хужалик юритувчи субъектларини банкрот булиш мохияти барча кредиторлар талабини кондиритдан иборат, яъни улар манфаатини кондиритдир. Банкротликка учраган тадбиркор ёки корхона мулкани сотитдан асосий мақсад кредиторларга қарзни қайтаришдан иборатдир. Шу билан бирга қупчилик давлатлар қонунияти шу жумладан бизнинг республикамизда ҳам оғир молиявий аҳволга тушган, хужалик юритувчи субъектга ёрдам қурсатишга аввалги тургинликни тиклашга ва яна тулаш қобилиятига эга булишига йуналтирилган.

Банкрот – бу жисмоний ёки юридик шахс (Хужалик юритувчи субъект), хужалик суди қарори билан ошқора иқтисодий қобилиятсиз қарздор деб атилишидир.

#### 14.2. Кичик бизнес қорхоналари инқирозга учрашининг асосий сабаблари.

Тадбирқорлик тарқибининг фаолиятини иқтисодий натижалари сезиларли тебранишларга мойилдир ва улар қуп омилларга боғлиқ. Бу эса қупчилик хужалик юритувчи субъектлар қутарилиш ва пасайиш босқичларини босиб утади. Қуплари банкротликка яқинлашсалар, бошқалари банкротликка учрайдилар.

Чет давлатлардаги қуп йиллик қорхоналарнинг оёққа туриши ва тараккиётига оид тажрибалардан келиб чиқадики, фирмани молиявий қризиси ва банкротлигининг сабаблари – бу талабни қисқартириши, ишлаб чиқариш ҳажмини пасайиши, уни издан чиқиши ва маълум бошқарув тизимининг йуқлигидир.

Тараккиёт топган тургун иқтисодий ва сиёсий тизимга эга давлатларда банкротликга 1/3 қисмига ташқи омиллар ва 2/3 қисмига ички омиллар сабабчи булар экан.

Бизнес амалиётида банкротликни олдиндан айтиб бериш учун Е. Альмашнинг «Z-хисоби» ишлатилади.

$$Z\text{-хисоб} = \frac{(1,2OK + 1,4*DT + 3,3*AFD + CX)}{A + 0,6*OABK/P}$$

Бу ерда: DT-даромадни қайта тақсимлаш;

CX-сотиш ҳажми;

A-барча активлар;

OABK-оддий ва имтиёзли акцияларнинг бозор қиймати;

P-барча пассивлар.

| Z-хисоб           | Банкротлик эҳтимоли |
|-------------------|---------------------|
| 1,8 ва ундан кам  | Жуда юқори          |
| 1,81 дан 2,7 гача | Юқори               |
| 2,8 дан 2,9 гача  | Мумкин              |
| 3,0 ва юқори      | Жуда паст           |

Хужалик юритувчи субъектнинг банкрот булиш имконини баҳолашда куйидаги курсаткичлар нисбатини таҳлил қилиш зарур:

- барча активларга оборот капиталини нисбати;
- қарзларни акционерлик капиталга нисбати;
- барча пасивларни барча активларга нисбати;
- асосий капитални акционерлик капиталига нисбати;
- соф фойдани барча активларга, операциялардан келиб тушадиган нақд пулларни барча пасивларга нисбати;
- соф фойда плюс кредит буйича фоизни кредит буйича фоизларга нисбати.

#### 14.3. . Кичик бизнесда хужалик юритувчи субъектларни тугатиш шарт-шароитлари.

«Банкротлик» ҳақидаги қонун давлат ҳудудида хужалик юритувчи субъектлари билан биргаликда уларнинг мулк шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкӣ муносабатларга таъсир қурсатади.

Банкротлик институтининг мақсади уз хужалик фаолиятини давом эттираётган субъектларини ва уларнинг кредиторлари орасидаги узаро муносабатларни тартибга солишдан иборатдир. Бу қабӣ фаолиятини мумкин эмаслиги ёки йуклигига асос бўлмаганда кредиторларни талабини имқон бориқа қондириш, юридик шахс банкротӣ йукотиш, жисмоний шахсни қарзларидан озод қилишдир.

Қарздорга (банкротга) нисбатан хужалик суди томонидан қуйидаги қоралар қурилиши мумкин: санация, тугатиш, тинқлик қелишуви.

Бу ерда санация деганда тарқибни қайта тузиш тартиби. Мулк ҳуқуқини узғариши, қарздорни мулк томонидан, ёки вақолот берилган идора, ёки бошқа шахслар томонидан ушбу қарздорни ва унинг меҳнат жамоасини сақлаб қолиш ниятида молиявий қуллаб-қувватлаш тушунилади. Агар хужалик суди қарздорни мулки банкротлик иши бўйича олиб бориладиган ишлар қаражатиға етмаслигини айнӣқса, унда суд қарздорни банкрот деб эълон қилади ва банкротлик ишини тугади деб ҳисоблайди.

Банкротликни эълон қилгандан кейин хужалик суди томонидан тайинланган бошқарувчи кредиторларни ва қарзларни ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилади ва банкротлик тугрисидаги ишни етқазӣшға қумаклашади.

У қарздорни мулкини бошқаради, унинг сақланишини ташқил этади. Кредиторлар талабини банкрот бўлган мулк ҳисобидан қондиради, қарзларға юридик шахсға нисбатан уларни хужалик фаолиятини ташқил қилади.

#### 14.4. Кичик бизнесда хужалик юритувчи субъектларни қайта ташқил этиш шарт – шароитлари.

Қарздорни хужалик фаолиятини ташқил қилишда бошқарувчи шартнома тузиш ва кредит олиш ҳуқуқига қакат кредиторлар розилиги билан эға бўлади. кредиторларни умумий мажлисини қарори қикмагунча



бошқарувчига юридик шахсни тугатиш ман этилади. Юридик шахсни тугатилиши банкротлик ишини тугатилганидан кечикмай амалга оширилади.

Агар банкротлик тинчлик елишуви тузиш билан тугаса ёки банкротлик ишини хўжалик суди тўхтатса, ёки қарздорда ўз фаолиятини давом эттириш уяун барча шикоятлардан сўнг етарли мулк қолса унда юридик шахс тугатилмайди.

Тинчлик келишуви- бу қарздор ва кредиторлар орасидаги қарзларни тулаш тўғрисидаги келишув бўлиб, унда қарзларни қамайтириш уларни тўлаш муддати узайтириш ва бошқа томонларни келишуви билан амалга ошириладиган шартномалар қузда тутилади.

Тинчлик келишуви тузилган деб қуйидаги ҳолатларда ҳисобланади:

1. Қарздор қарзларни ярмидан оз қисмини тўлашни таклиф этганда унга рози 2/3 дан қам бўлмаган мажлис кредиторлари ўрнида бўлган қатнашчилари овоз берса, агар уларнинг талаблари 2/3 дан қам бўлмаган имтиёзсиз қиймати талабаларни ташкил қилса.

2. Қарздор қарзларни ярмидан қам қисмини тулашни таклиф қилса, агар бунга қатнашаётган кредиторларни 3/4 қисми рози бўлиб овоз берса, агар уларнинг талаблари 3/4 қисмидан қам бўлмаса.

Тинчлик келишуви барча имтиёзсиз кредиторлар учун, уларни овоз беришда қатнашганлигидан қатъий назар тўғри деб топилади. Уни таъсир қилиш муҳлати кредиторларнинг умумий мажлисида қарздорнинг таклифи асосида белгиланади. Хўжалик суди бошқарувчининг ёки кредиторнинг таклифи билан тинчлик келишувини қуйидаги ҳолларда тугатади, агар:

1. қарздор атайин ёки қалбаки банкротликни амалга оширса;
2. қарздор тинчлик келишувида қузда тутилган мажбуриятларни бажармаса
3. тинчлик елишувининг таъсир қилиш муддатининг ярмидан қам бўлмаган қисми ўтгандан кейин қарздор тинчлик келишувини шартини бажара олмаса.

Агар тинчлик келишуви тугатилса, унда банкротлик ишини қуриш яна тикланади.

#### 14.5. Ишдан бўшатилаётган ишловчиларнинг ҳуқуқий қафолотлари.

Агар қорхона банкрот деб топилса, қорхонани бошқарувчи раҳбар меҳнат шартномаларини шартини бажаришни давом эттиради ёки уларни қонуний ҳужжатларга асосан бекор қилади.

Иш берувчилар банкрот деб топилганда уларнинг ишчиларига туланмаган маош қомпенсация сифатида давлат томонидан туланади, бунда туланадиган пул миқдори икки ойлик уртача маошдан ортиқ бўлмаслиги зарур (агар республика қонуниятида бошқа нарса қузда тутилмаган бўлса).

Агар ишчиларга иш берувчини банкротлиги сабабли давлат қомпенсация туласа, меҳнат шартномасини тугатилишида ёки бошқа

конуний хужжатлар асосида банкротлик иши курилишида шу компенсацияни тулаган давлат идораси кредитор сифатида чиқади.

Карздорни банкротлиги муносабати билан яшаб туриши учун пул маблаги – ҳаёт кечириш учун бутунлай маблаги булмаганда берилади. Бунда карздорнинг аризаси асосида хужалик суди унга ва унинг карамогидагиларига банкротнинг мулки ҳисобидан яшаш учун зарур булган маблағ миқдорида икки ойгача тулаб туради. Айрим ҳолларда, бу муддат хужалик суди томонидан узайтирилиши мумкин.

### Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Банкротлик нима?
2. Санация нима?
3. Банкротлик тугрисида қонуннинг аҳамияти?
4. Банкротликнинг олдини олиш мумкинми?
5. Тадбиркорларнинг узига ҳос ҳато ва қамчиликлари нималардан иборат?
6. Тинчлик қилишуви нима?
7. Қандай ҳолларда тинчлик қилишуви амалга оширилади?
8. Тинчлик қилишуви қандай ҳолларда тухтатилади?
9. Карздорга (банкротга) нисбатан хужалик суди томонидан қандай чоралар қилинади?
10. Банкротликдан чиқиш йулларини айтинг?

15-Мавзу; Тадбиркорлик фаолиятида этика ва унинг аҳамияти.

#### Р е ж а :

- 15.1. Тадбиркорликда этика.
- 15.2. Тадбиркорликда этиканинг аҳамияти.
- 15.3. Тадбиркорликнинг ахлокини белгиловчи мезонлар.
- 15.4. Тадбиркорларнинг ва ишбилармонларнинг маданиятли бўлишининг аҳамияти.
- 15.5. Тадбиркорликда этиканинг намоён бўлиши.

Адабиётлар: 2,8,9,12,16,27, 38, 39.

#### Таянч иборалар:

Этика, ахлоқ, маданиятчилик, компетентлик, дид, суҳбатлашув маданияти, тадбиркорлик этикаси.

15.1. Тадбиркорликда этика.

Тадбиркорлар фаолиятини, фақат ресурслар, дастгоҳ, ускуна, технология, маҳсулотлар, ҳужжатлар ёки таъминлаш, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларига боғлиқ бўлмасдан, у инсонлар, узининг қул остида

хизмат килувчи мутахассислар ва ишчилар, айникса, чет эллик ҳамкасблари – бизнесменлар доирасида умум-ахлокий меъёрларга риоя қилиши билан ҳам баҳоланади.

Тадбиркор – бу кишидаги тугма истеъдод ва қобилият, унинг дунёқараши, фикр – мулоҳазаси ва юриш – туриши. Тадбиркорлик – маънавий. Айтишларига қараганда, маданиятли одам тадбиркор бўлиши шарт эмас, аммо тадбиркор инсон маданиятли бўлиши керак, чунки у доимо муваффақиятга интилади.

Ахлоқ тугрисида биринчи бўлиб Аристотель гапирган эди, у бу таълимотнинг нихоятда чуқур маъноли эканлигини билиб, ахлоқ уни « нимани қилишимиз ва нимадан узимизни тийишимиз кераклигини англашимизга ёрдам беради», - деган эди.

Ахлоқ биз учун – аввало инсоний муносабатларни, шунингдек кишиларнинг феъл-атворларини, уларнинг бир канча макбул, умум қабул этилган меъёрларга мувофиқ қилиши нуктаи назаридан қуриб чиқишга ва баҳолашга имкон берувчи билим соҳаси, алоҳида фандир. Биз ахлоқ деганда кишиларнинг ахлокий бўлганидек ноахлокий ҳулқ-атворларини ҳам аниқлаб бериб, қурсатилган меъёрларнинг намоён бўлишини ҳам тушунамиз. Шундан қилиб чиқиб намунавий ва амалий ахлоқни фарқлаш мақсадга мувофиқдир. Бизни униси ҳам, буниси ҳам, аммо қасбга оид ахлоқ доирасидаги, айнан тадбиркор ахлоқи қизиқтиради.

## 15.2 . Тадбиркорликда этиканинг аҳамияти.

Маданиятли тадбиркор-уз меҳнатининг нафакат ўзи учун, балки бошқалар учун, жамият учун, давлат учун ҳам фойдаланишга ишонади, - узининг атрофидаги кишилар ҳам ишлашни исташлари ва ишлай билишлари, узларини тадбиркор билан биргаликда номоён этишига интилишлари қаби жихатлардан қелиб чиқиб иш тутади.

Гарчи умум қабул этилган ахлоқ қоидалари мажмуида аёл киши билан учрашганда биринчи кичик, лавозим юқори билан учрашганда, биринчи лавозими кичик саломлашади, деб қурсатилган бўлсада, раҳбар қул остидагилар, айникса шерик ўзи билан саломлашишини қутиб утирмаслиги керак, уз суҳбатдошингиз билан биринчи бўлиб саломлашинг.

Ҳамкасбларга нисбатан муомила тарзи билан белгиланади. Хизматдошлар билан исми ва отасининг исми ёки фамилиясини айтиб муражаат қилишингиз авзалдир. «Урток»нинг урнига «жаноб» деб сунъий равишда улуглашга интилманг – бу талаффуз этувчининг маданий қолоқ эканлигидан қолоқ беради. Иш қараёнида қул остингиздагиларга қатъат «сиз» деб муқожа қилишга қатъат узаро бўлса ёки норасмий муносабатлар билан юзага қелган қариялардагина йул қуишингиз мумкин. Қотаниш кишилар билан иш учрашуви қатъида узингизни узингиз қаништиринг ёки учрашувни уқштирган киши қоситачилиги орқали қанишинг.

### 15.3. Тадбиркорликнинг ахлокини белгиловчи мезонлар.

Хизмат аълокаларини режалаштиришда узингизнинг котибангизга асосий роль ажратинг, у ташрифларни кечиктириб белмаслиги, хизмат аълокалари вақтида қайта куриб чиқиши, кузда тутилмаган вазиятларда иштирокларни хабардор қилиши, маълумотлар бериши лозим.

Беадаблик коидалари раҳбарга кишиларнинг гапини булмай ва уларни тухтатмай, бошқа ишларга ва бошқа кишиларга эътиборини жалб қилмай тинглай билишини такозо қилган. Сухбат давомида бандлигини намойиш этиб, зарур булмаган ҳолда коғозларни у ёқдан бу ёққа олиш, соатига қарайвериш, учинчи шахснинг қиришига йул қуйиш, ҳужжатларни имзолаш, телефонда гаплашиш ва шу қабилар ярамайди. Агар сухбат вақтида ҳар қандай бошқа нарса билан шугулланишига тугри қелиб қолса, кечирим суранг, мажбурий танаффусдан сунг айниқса, бу пайтда гап нима ҳақда қетаётганлигини эслатиб давом этишини таклиф қилинг.

Илтифот курсата билинг. Мактов, қойил қолиш, қизиқиш, миннатдорлик-нафакат сизнинг беадаблигингизни курсатувчи, балки сухбатдошга нисбатан ҳурматингиз рамзи, умумий ишнинг ва сухбатнинг узини ҳам муҳимлигини тан олиш демакдир. Илтифот курсатаётиб, самимий ва табиий булинг. Баҳоларингизнинг асосланганлигини уйланг.

Ўз соҳасини яхши билиш, мантикийлик, жушқун нутқ ҳар қандай ишга алоканинг мажбурий шарти ҳасоблашини ёдда тутинг. Сузларни, уларни талаффузини, ургуларнинг тугри қулланилишини кузатинг. Агар сиз бирон бир сузнинг талаффуз этилиши ёки қулланилиши тугрилигига ишонқирамасангиз, лугатларга муражаат этинг: орфографик, ургулар, изохли, чет эл сузлари лугатларига қаранг. Улар сизнинг столингизда булиши керак. Сухбат вақтида нутқ сузлашда баландпарвоз, узида ишонч руҳида ва қатъий оҳангда гапиришдан қочинг-уларда ўз шахсига ортиқча баҳо бериш ва атрофдагиларни менсимаслик сезилиб туради.

### 15.4. Тадбиркорларнинг ва ишбилармонларнинг маданиятли булишининг аҳамияти.

Бошқариш муносабатларида мансабдорларнинг босқичма-босқич бўйсунитиш тугрисида эсланг. Даражама – даража бўйсунитиш тартиби бузилган ҳақдирда, сиз албатта қул остингиздаги раҳбарга буни маълум қилиб қуйинг, унда ўзи билан ҳисоблашишини истамасдан гуё уни «айланиб утиш» бўлаётгани ҳақида фикр тугилмаслиги учун тинчлантириб қуйинг. Қул остингиздагиларга нисбатан таъсирчан ҳолислик нуктаи-назарига риоя қилинг: сиз барча ҳодимларга нисбатан тенг ва шахсан ёқтирилиши ёки ёқтирмаслигидан қатъий назар тоқатли муносабатда булишга мажбурсиз.

Раҳбарнинг ортиқча ҳаммабоп булиши нормал иш вазияти яратишга хизмат қилмайди, бетакаллуфликка олиб қелади. Сизнинг хонангизга суроксиз қириш ҳуқуқига эга булган пайтда унга қириш мумкин булмаган

тартибни юзага келтиринг. Сиз билан бевосита алока килиши зарур булган барча шахслар аник тайинланган ташриф вақтларига тегишли булишлари ва унинг уз вақтида амалга ошишига ишонган булишлари мақсадга мувофиқдир.

Айни пайтда рахбар сифатида сизнинг олдингизга йулаб булмаслиги ахборотларни йуқолишига олиб келишини ҳисобга олинг. Ҳар қандай ходим етарлича қисқа муддатда ва энг соддалашган тартибда сизнинг қабулингизга қира олиши мумкин булган тартибни ушланг.

#### 15.5. Тадбиркорликда этиканинг намоён булиши.

Тадбиркорлик фаолиятининг узига хос хусусиятлари унинг иштирокчиларининг ташки қиёфасига нисбатан ғоят жиддий талабларни қуяди. Бизнесмен ҳамиша саришта, назокат билан қийинган булиши лозим, ёмон боғланган ғалстук ёки тозаланмаган батинка узига нисбатан унча талабчан эмаслик ёки атрофдагиларга нисбатан бефарқлик, паршонхотирлик ва фикри-хаёли тарқокликдан далолатдир.

Ёрқин рангли ёки ҳаддан ташқари бежама гулли қийимларни қийманг. Рахбар учун қийинишида консерватив булиш маъқулроқдир: вазмин тусдаги ва классик фасондаги костюмлар, бир хил тусдаги ранги очик қуйлақлар, синчиклаб танланган ғалстуклар ярашади ва ҳеч қанака тақинчоқлар (нишончалар, нина тугнагич, жевачкалар, соат занжири, занжирчалар, узуклар), тақмаслиги даркор. Ташки чунтагингизга ручка, қалам, қузойнақ, тарок ва бошқа нарсаларни солманг.

Расмий қабуллар муайян қийимларни тақозо этади, бу ҳақда тақлифномада қурсатилади: байрам қийими, фрак, смокинг (қайтарма шойи ёқал костюм) ёки оддий костюм. Расмий ҳолларда қийиладиган костюм спортча, пиджак ва шимлар турли рангда булмаслиги лозим. Аёлларга тушлик, кечки овқат, кечқурун қабул вақтларида кечки пардоз-андоз тақсия этилади.

Уз юришингизни қузатиб боринг: қатъий, тугри, лапангламай ва буқилмай, уз мавқеингизга муносиб юринг.

Сизнинг ташки қуринишингиз ва одатларингизга ҳар доим эътибор бермаётганини ҳеч қачон унутманг.

Сиз атрофингиздагилардан олган таасуротларингизни таъби юзинлик туфайли эмас, балки узингизда ижобий ҳислатларни мужассамлаштириш учун қузатиб боринг.

#### Мавзу буйича назорат саволлари

1. Ходимлар билан мулоқатда булиш қоидалари қандай?
2. Тадбиркор иш жойи қандай булиши керак?
3. Телефонда суҳбатлашув маданияти.
4. Тадбиркорлик этикаси деганда нимани тушунасиз?
5. Ташки қуриниш ва одатларнинг тадбиркорликда қандай аҳамияти бор?

6. Бизнес этикасининг асосий қоидаларига нималар қиради?
7. Тадбиркорнинг умумижтимоий сифатларига нималар қиради?
8. Консьюмеризм нима?
9. Комнетентлик нима?
10. Тадбиркорни касб сифатларига нималар қиради?

## 16 - мавзу; Тадбиркорликда меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш.

### **Р Е Ж А :**

- 16.1. Меҳнатни ташкил этишнинг аҳамияти.
- 16.2. Меҳнатни ташкил этишнинг илмий асослари.
- 16.3. Тадбиркорликда меҳнатни ташкил этишнинг асосий шартлари.
- 16.4. Корхоналарда меҳнатни ташкил қилиш ва бошқариш.
- 16.5. Бозор иктисодиёти шароитида кичик корхоналарда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш.

Адабиётлар: 2,7, 8, 9, 12, 16, 17, 19, 21, 24, 36, 37, 38, 39.

### **Таянч иборалар:**

Қарор, рағбатлантириш, бозор иктисодиёти, талаб, таклиф, маркетинг, инвестиция, рақобат, моддий рағбатлантириш, маънавий рағбатлантириш, урта бизнес, йирик бизнес, ишчи кучи, ёлланма ишчи, меҳнат шартномаси, инвестиция.

#### 16.1. Меҳнатни ташкил этишнинг аҳамияти.

Иктисодий ислохот туфайли халқ хужалигида нодавлат секторининг салмоғи ушиб бормоқда, айниқса турли хил тадбиркорликни ривожлантиришга, кичик корхоналар, хусусий якка мулк эгаларини фаолиятини ташкил этиш, кичик бизнесни барча турларини қўллаб қувватлаш туфайли тадбиркорлик жамият миқёсида аҳолини иш билан таъминлашда ва аҳолини ночор табақасини ижтимоий ҳимоялашда, жиддий муоммаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбиркорликда муваффақиятни таъминловчи муҳим омиллардан бири-қатъий, шамфикр, бир-бирини яхши тушинадиган меҳнат жамоасини ташкил этиш вазифасидир. Бунинг учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш муҳим ҳисобланади:

- Юқори малакали, тажрибага эга бўлмаган ҳолдимларни ёллаш;
- Бирор бир участка ишониб топширилган маълум бир кишига ўз ишчи командасини шакллантиришда тўла эркинлик бериш.

Тажрибали, қобилиятли ҳолдимларни ишга олиш, бир томондан, корхонанинг юқори самара билан ишлашини таъминлайди, иккинчи



томондан, рақобат таваккалчилигини кучайтиради. Шунинг унутмаслик керакки, айрим, ходимлар ўзлари ишлаб турган корхонани ишлаб чиқариш, тижорат сирлари билан танишиб, ўзига тажриба ортирганидан сўнг, ўзининг корхонасини очиши мумкин. Бундан ташқари ходимларни, мижоз ва ишчиларни ўз томонига олдириб олиши ҳам мумкин. Кўп ҳолларда янги корхона. Эскининг иш услубига асосланади ва ҳавфли рақобатчи ҳисобланади. Ундан қандай қутилиши мумкин? Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнларидаги майда ва энг назик томонлари сир с ақлашга ҳаракат қилиш зарур.

Ушбу муаммони ҳал этишнинг мушм бир томони – малакали ходимларни бир-биридан фарқ қила олиш қобилиятига эга бўлишидир.

Шунинг унутмаслик керакки, энг яхши ходим бу оилали, ўзининг молиявий ва ижтимоий ҳолатидан қониққан кишидир. Энг ишончсизлари эса ёшлар, оилавий ишлар билан боғланмаганлардир. Аммо, уларга нисбатан актив, янгилликка интилувчан бўлсада, айрим ҳолларда нисбатан пастроқ иш ҳақида ҳам рози бўлаверади.

Яхши ходимларни танлаш жараёни ҳеч қачон тўхтамайди. Айниқса, бу муаммо корхона янги ташкил топаётган даврда ўта долзарб ҳисобланади.

Тажрибалар шунинг кўрсатадики, янги тез ривожланаётган корхоналар фаолиятининг бошланғич даврида ўз ходимларининг ярмини йўқотади. Учинчи йилнинг охирига келиб кўнимсизлик 25 Ҳоизга камаяди, бешинчи йилга бориб бу кўрсаткич 10 Ҳоизни ташкил этади. Биринчи йилдаги кўнимсизликни юқори бўлишининг сабаби - ходимларни корхонанинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини тўла тушунмаслиги, шу жумладан ўзининг келажак истиқболларини тўла тасаввур эта олмаслиқдир.

Ишга қабул қилишнинг асосий қонуниятларини ўзлаштиришда, олди-сотди принципида фойдаланиш мушмдир. Ишга ёлловчи (сотиб олувчи)га, ёлланувчи ўз ишчи кучини сотади. Бу ерда ёлловчининг вазифаси “товаршунос” вазифасига, яъни товар сифатини назорат қилувчига ўхшаб кетади. Ишга қабул қилиш жараёнида бир қатор ҳўжжатлар таҳлил талаида ва тегишли ишлар амалга оширилади. Ушбу ҳўжжатлар таркибига қуйидагилар киради:

- 1.Олдинги иш фаолиятига қисқа тавсифнома
2. Анкета
3. Анкета
4. Тавсия хати (тавсиянома)
5. Суҳбат ёки интервью натижалари

Барча йирик чет эл фирмаларида ишга қабул қилиш кўп босқичли, узок давом этувчи жараёндир. Масалан, А+Шнинг “Маккей Энвиоп” фирмасида ишга қабул қилиш ўн босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда номзод суҳбатга таклиф этилади. Бу суҳбат кадрлар бўлимининг тажрибали ходими томонидан, олиб борилади. Агар

номзод салбий тасаввур қолдирса, бу вақтнинг ўзида уни ишга қабул қилинмаслик шақида хулоса чиқарилмайди.

Иккинчи босқичда номзод маъмуриятининг 7-8 ходими билан суҳбат ўтказилади. Ҳар бир суҳбат олиб боровчи, суҳбат натижаларини ёзма равишда кадрлар бўлимига илова тариқасида топширади.

Учинчи ташрифда корхона (фирма) раҳбари номзод билан суҳбат куради ва унга фирманинг келгусидаги истиқболлари шақида гапириб беради.

Туртинчи босқичда номзод билан раҳбар шахсан учрашгандан сўнг у телефон орқали суҳбатлашади. Бу ерда номзодни ўз фикрини тўла етказиб бера олиш қобилиятини текшириб кўради.

Бешинчи босқичда Номзоднинг ташқи ахборот манбалари аниқланади. Унинг бизнес билан қай даражада таниш эканлиги ўрганилади. Бу ерда одамларни яхши фарқлай оладиган ва ишончли ходимлар хизматидан фойдаланилади.

Олтинчи босқичда номзод билан оиласи давраида суҳбат ўтказилади. Ушбу ҳолат ишга қабул қилинаётган ходим шақида қимматли маълумотлар беради, унинг шахсий ҳаёти шу ерда аниқ намоён бўлади. Унинг тўри кўнгиллигини текшириб олинади.

Еттинчи босқичда номзод норасмий ҳолатда мулоқотда бўлиш учун оиласи билан концертга ёки кинотеатрга таклиф этилади. Номзод одамлар орасида ўзини қандай тутади деган қимматли саволга жавоб олинади. бу айниқса савдо агентларини танлашда яхши самара беради.

Саккизинчи босқичда номзодни шу шаҳардаги рақобатчи шисобланмаган бир ёки икки корхонага ташрифи тавсия этилади. Бу ташриф қоидага кўра узоқ давом этмасада, кўп нарсаларни аниқлаб беради.

Тўққизинчи босқичда мутахассис фикрини билиш мақсадида шу соҳадаги корхоналарнинг юқори малакали мутахассисларига номзодни таклиф этилади.

Ўнинчи босқичда номзод консультант-психолог қабулидан ўтади. Сўнгра юқоридагиларни тўла таҳлил этиш асосида ходимнинг ишга қабули юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади.

Шозирги замон Ўзбекистон тадбиркорларига юқоридаги ҳолат кўп жиҳатдан тўри келмайди. Ишга қабул қилишнинг асосий мезони этиб “Агар ушбу одам менга эмас, менинг рақибимга хизмат қилганда мен ўзимни қандай ҳис эта оламан” деган саволга жавобни олишимиз мумкин. Тўри ишга қабул қилишни сўҳбатсиз ўтказиш мумкин эмас. Аммо уни тўри ўтказиш, ҳолатлардан йироқ бўлиш, зарур шисобланади. Бу ерда, суҳбат мақсадини унутмаслик, ишга қабул қилинаётганларни ишбилармонлик фазилатларини тўри баҳолаш зарур. Суҳбат бошланғич ва асосий босқичда ўтказилиши мумкин.

## 16.2. Мехнатни ташкил этишнинг илмий асослари.

Ўз бошқарув вазифасини маваффақиятли шал этиш учун раҳбар “етакчи” лик фазилатига эга бўлиши керак. Бу нимани англатади? Унинг

мощияти ращбарни ўзи мустақил қарор қабул қилиши ва уни бажарилишини назорат қилишини англатади. “Етакчи” ўз вақтида ходимнинг айрим муаммоларини аниқлашда, уларни кейинчалик шал этишда ёрдам кўрсатади. Етакчи ўз ходимларининг ишига шам жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Ращбар ва ходимлар ўз шуқуқ ва имкониятларидан келиб чиқиб мустақил шарақат қилиши лозим. Ўз вазифасини шамкасбларига ошириб қўйиш яхши эмас. Агар масалани шал этилиши ходим шуқуқ ва имкониятлари доирасидан ташқарида бўлса, у ўз вақтида ращбарни хабардор этиши зарур. Ходимлар фикри ращбарнинг фикрига мос келмаса улар маслащатлашиши ва фикрини очик айтишлари мумкин.

Ращбар ходимни ишбилрамонлик фазилатларини аниқлаб олгандан сўнг унга мустақил ишлашга имконият яратиб бериши зарур шолатларда унинг фаолиятига аралашиши мумкин. Бунинг учун ращбар олдин уларга тегишли вазифалар белгилаши, уларни бажарилиш муддатини кўрсатиши сўнгга ходимлар фаолиятини назорат қилиши, тартибга солиши мумкин.

Щар қандай ходимни ўз таклифи бўйича энг юқори шуқуққа эғалигини унутмаслик керак.

+уйидаги бошқарувнинг бир қатор асосий вазифаларини кўриб чиқамиз:

1.Айтайлик, Сиз хизмат сафари ёки таътилдасиз. Шу вазиятдан фойдаланиб, Сиз ўзингизни мижонгиз бўлиб қолдингиз. Ўз корхонангизни бирор-бир бўлимига телефон қилиб ёрдам сўранг. Шу вақтда кутилмаган вазият бўлиб қолиши мумкин, яъни сизни хафа қилиб қўйиши, жашлингизни чиқариши мумкин. Ховлиқиб (шошилиб) кетманг, тузатишга шарақат қилинг, аммо кескин чора кўрманг.

2.Охирги натижага асосланинг. Тугалланмаган ишга бащо берманг. Агар Сиз қандайдир муаммога дуч келсангиз, нима учун деб сўраманг, яхшиси келгусида нима қилсак бўлади деб сўранг. +аршилиқ кўрсатишга уриниб курманг. Кимки шарақат қилишга тайёр бўлмаса, уларга чора кўришга қодир эканлигинини тушунтиринг.

3.Бирор бир муаммони тез шал этиш зарурати юзага келганда кучни бир жойга туплаш, эътиборни фақат ушбу муаммони шал этишга қаратиш, агар зарурати бўлса уни қисмларга ажратиш зарур.

4.Корхона бош ращбарида коллектив ишлаб чиқариш жараёнидаги шақиқий шолатни билиш пайдо бўлса кутмаслик, тегишли чора-тадбирлар кўриши керак, чунки бўлим бошлиқлари унга ўз ишлари шақида очик ахборотлар бермаслиги, ўз камчилигини бартараф қилишга интилиши мумкин.

5.Коллектив вазият кескинлашган ва бу шолат узоқ вақт давм этиши мумкин шолатда щар хил кўнгил очар тадбирлар уюштириш яхши самара беради. Одамлар доимо сезгир бўлади. Уларни кайфиятига эътибор бериш мушмидир.

6.Шахсий намуна тартибига риоя қилиш. Йи\илишларни ўз вақтида бошлаш, ёмон иллатларга йўл қўймаслик мушмидир.

7. Яна бир шолат, ращбарнинг бирор-бир ходим билан яқин шахсий алоқада бўлишида, қариндош уруларни, ўртоқларни ишга қабул қилишда эътиёт бўлиши зарур. Агар ращбар бир ходимга алоқида эътиборда бўлса ўз обрусини йўқотади, коллективда салбий муштит юзага келиши мумкин.

8. Ходим билан сушбатлашаётганда унинг кунглидагини топиб гапиришига шаракат қилиш лозим. Одамлар билан ўз тилида мулоқотда бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Фирманинг молия-шисоб ишларини ким олиб бориши шар бир тадбиркор учун жуда зарур. Бу кўп шолларда охирги молиявий натижаларга болиқ бўлади. Унча катта бўлмаган корхоналарда молия-шисоб масалаларини ташкилотчи ёки бухгалтер шал этади. Ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайиб бориши қўшимча ишчи жалб этиш ёки янги мансаб критишга олиб келади.

Масалан:

Режа бўлими - бошлии (бош иқтисодчи) унга молиявий фаолиятни истикболли режаларини тузиш, барча молиявий хужжат ва хулосаларни тащлил этиш, вазифаси юклатилади.

Иқтисодчи - корхона хужалик фаолиятини тащлил этувчидир. У кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, тащлилдан ўтказиш, молиявий смета тузиш, молиявий ишларни такомиллаштириш тадбирларини амалга оширади.

Бош молиячи - қимматбащо қоозлар ва пул маблалари бўйича операцияларни амалга ошириш, шу жумладан савдо операцияларини назорат қилиш керак. Унга корхона чекига имзо чеқиш шукуқи берилиши мумкин. Унча катта бўлмаган миқдордаги нақд пул ихтиёрида бўлиши мумкин.

Бош шисобчи - функцияси бухгалтерия шисобини юритиш, молиявий ва статистик, шисоботларни тайёрлашга ращбарлик қилишдир. Айрим шолларда бош бухгалтер иқтисодчи вазифасини шам бажариши мумкин.

Аудитор (ревизор) – корхона шисоб ва шисоботлари юритишни тўрилигини текшириб боради. директорлар кенгашига аъзо бўлади ва компания билан ташқи аудитор (ревизор) орасида боловчи вазифасини бажаради.

Солиқ бўйича молиячи - бош молиячи ихтиёрида бўлади ва солиқ шисобларини амалга оширади.

Йирик корхоналарда соф молиявий масалардан ташқари номолиявий муаммоларни шал этувчи бўлимлар шам мавжуд. Масалан: товар запасларини назорати, вақтни шисобга олиш ва шакоза. Бу бўлимларни ташкил этиш олиндан режалаштирилмайди, аммо корхона фаолияти давомида зарурат юзасидан шаклланади.

### 16.3. Тадбиркорликда меҳнатни ташкил этишнинг асосий шартлари.

Рабатлантириш иқтисодий дастагларнинг бири шисобланади. Шунинг учун тадбиркордик ижодий активлики рабатлантириш тизимини ишлаб чиқиш мушимдир. Булар ичида моддий ва маънавий рабатлантиришнинг

мешнатга, қилинган ишнинг натижаларига рабатлантириш усули асосий ўрин эгаллайди.

Иш шақи доимо мешнатга ундовчи мушмим омил шисобланиб келинган. Шундай экан мешнатга шақ тўлашнинг тўри тизимини танлаш мушмим. Бу уларнинг шаёттичилиги ва рақобатбардошлигини оширади. Мешнатга шақ тулаш даражаси инсонларнинг шаёт эҳтиёжи ва корхонанини молиявий шолатидан келиб чиқиб тартибга солиниши керак.

Мешнатга шақ тулаш тизими бир неча омилларга асосланади: касб, малака даражаси, иш стаж, бажараётган иш хажми, ишнинг мураккаблиги, ходимлар жавобгарлиги, иш жараёни давомийлиги ва хакозо. Аммо шар қандай моддий рабатлантириш тизими ходимларни ишонч ва шимоя туйусини тудириш керак. Ходим миждоз билан корхона номида алоқада бўлаётган пайтда, фақатгина олдиға қуйган мақсадни бажаришни уйлаши керак. Оилана боқиш, кейинтириш, яшаш шароитини яратиш каби шаёллар билан фикрини бўлмаслиги зарур. Бу масалаларни кафолатланган иш шақи даражаси шал этиш керак. Бунда рабатлантириш ва мешнатга ундашға ажратилган қушимча мабла самарадорликнинг ортишиға актив таъсир этади.

Шозирги кунда мешнатга шақ тулашнинг бир неча тури мавжуд:

1. Фақат маош ёки иш шақи;
2. Вақтбай иш шақи;
3. Бажариладиган иш тўлови;
4. Тақдирлаш;
5. Мукофотли маош.

Шозирда мешнатга шақ тулашнинг ишбай ва вақтбай шакллари кенг тарқалган. Биринчи шакл ишлаб чиқариш нормаларига асосланган бўлса, унинг иккинчи шакли мансаб мажбуриятларига асослангандир. Бу иккала шакл шам пировард натижаға қаратилган ва доимий равишда такомиллаштириб боришни тақоза этади.

Бозор муносабатлари кенг ривожланган мамлакатларда мешнатни рабатлантириш одатда икки қисмдан иборат бўлади: базис (қатъий маош) ва ўзгарувчан (фойдада қатнашуви). Базис иш шақи корхонаға керакли ходимларни жалб этиш учун етирла бўлади. Уларнинг юқори ишлаб чиқариш натижалари унумли ташаббуси ва малакаси, фойдадан қушимча шақ тулаш эвазига рабатлантирилади.

Мешнат натижаларига қараб иш шақи тулашда, биринчи навбатда шар бир ходимнинг қушган шиссасини тўри бащолаш: ютуқлар ва юқори унум даражаси мезон қилиб олиниши лозим. Мешнатга шақ тўлаш тадбиркор билан унинг қул остига ходимлар муносабатларининг энг сезгир элементи шисобланади. Бу ерда шеч қачон бировни биров устидан устин қуйиш шолатларига йул қуймаслик зарур. Базис иш шақининг даражаси эгаллаб турган лавозими, корхонадаги иш стаж, ходимлар иш ставига болиқ. Ходимларнинг малакасини ошириб бориш уларнинг иш унумдорлигига туридан-тури таъсир этади. Демак, юқоридаги шолатни



куллаб-қувватлаш зарур, яъни ўз устида ишловчи ходимлар рабатлантириш фойдадан шולי эмас.

Ходимларнинг фойдадаги иштироки уларнинг сотиб олинган акция кийматига узвий болиқ бўлади. Фойда ўз корхонаси доирасида аниқланади, аммо ходимлар орасида фақат меҳнат унумдорлиги ортиш ва маҳсулот сифати яхшиланиши эвазига олинган қушимча фойда тақсимланади.

Шозирда замонавий тадбиркорликда фойдада қатнашишнинг бир неча тизимлари кенг тарқалган:

Скэнлона тизими - бу тизим мощияти шундан иборатки шар бир киши шисобига ишлаб чиқарилган мащсулотнинг купайиши эвазига олинган иш шақи фолнди иқтисоди, ишчи ва корхона орасида тақсимланади. Бу иқтисод корхона ва ишчи орасида 1:3 нисбатда.

Ракер тизими - бир доллар иш шақиға нисбатан соф норматив мащсулот хажми усишиға қараб рабатлантирилишидир.

Ипрошсар тизими - белгиланган мащсулот хажмини бажаришда иқтисод қилган иш вақтиға қараб рабатлантириш тушинилади.

#### **16.4. Корхоналарда меҳнатни ташкил қилиш ва бошқариш.**

Корхона (фирма)ларда мещнатни ташкил қилиш ва бошқариш бизнес режанинг мушим бўлимларидан биридир.

Бизнес режанинг ушбу бўлимида корхонанинг ташкилий бошқарув тузилиши ва унинг ращбарларига тавсифнома берилади. Бизнес режада бошқарув тизимини расм курунишида тасвирлаш мақсадға мувофикдир. Бу ерда шар бир рахбарнинг, шуқуқи бурча ва жавобгарлиги курсатилиши керак. Бу булимда қуйидаги тартибда саволларға жавоб берилиши мақсадға мувофикдир:

- шозирги ташкилий тизим ва кутилаётган ўзгаришлар;
- корхонанинг ташкилий шуқуқий даражаси ва мулк шақли;
- агар у уртоқлик уюшмаси бўлса – шериклар ва уларнинг асосий шартлари;
- агар у шиссадорлик жамияти бўлса – ким асосий шиссадор, унинг акциядаги шиссаси (улуши);
- чиқарилган акция тури, микдори, овозига эға ва эға эмаслиги;
- қарор қабул қилиш жараёни ва унинг умумий тартиби;
- асосий рахбюарлар ва мулк эгалари: маълумоти, мутахассислиги, тажрибаси, бурчи ва жавобгарлиги, тақдирлаш;
- директорлар кенгаши аъзолари: номлари, манзилгощи, мещнат фаолияти;
- тулов хужжатларини назорат қилишға ким шақли эканлигини;
- менежерлар командаси шақидаги асосий биографик маълумотлар (маълумоти, ёши, алошида имкониялари ва маълумотномаси);
- шар бир менежернинг роли ва шуқуқ доираси;
- шар бир менежерлар ойлик иш шақлари, мукофотлар ва бошқа турдаги тақдирланишлари.

Кўп шолларда қарз (ссуда) айрим шахсларға берилган, яъни жамиятда алошида урин туган, маълум бир обруга эға бўлган хўжаликни



муваффақиятли бажара оладиган ва хоказо. Имкониятли инвесторлар корхона бошқарув командасини ўрганади. Команда бошқарув соҳасида маълум бир тажриба ва билимларга эга бўлиши керак, шу жумладан илмий изланишлар олиб бориш маркетинг, молия ва ишлаб чиқариш соҳаларида. Шунинг учун бизнес режанинг ушбу булимида бошқариш командаси шақида тула маълумот берилиши фойдадан шולי бўлмайди.

Шу жумладан оддий ходимлар шақида шам маълумотлар берилиши керак, чунки улар ушбу режани бажаради. Ушбу булимда мутахассислар таркиби курсатилади, уларнинг жавобгарлик соҳалари, шунга мос равишда иш шақи миқдори белгиланади. Бундай тащилил менежерларига кадрлар сиёсатини ривожлантиришга имкон беригина қолмай, балки имкониятли инвесторда бизнес режани шар бир асосий муаммоларга эътибор қаратилганлигини шам кўрсатади. Асосий эътибор бу бўлимда ташкилий тузилиш ва бизнес вазифасига қаратилиш керак. Бу ерда барча имкониятлардан оқилона фойдаланиш керакки, у келгусида юзага келиши мумкин бўлган нохуш шолатларнинг олдини олиш лозим. Корхона шар хил бозордаги турли хил мащсулотлар мавжудлигини билиш ва бошқарув қарорлари қабул қилишда тула щисобга олиши керак. Бу булим муштим булим эканлигини унутмаслигимиз керак.

#### 16.5.Бозор иктисодиёти шароитида кичик корхоналарда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш.

Меҳнатни ижтимоий рабатлантириш сифатида эркин вақт омилининг қуйидаги вариантларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчидан, қўшимча бўш вақт бериш, яъни таътил муддатининг ўзгариши, уларни қисмларга бўлиб, ёз ва қиш вақтларида бериш, иш вақтини қисқартириш, тулиқсиз иш куни ёки иш шафтаси шуқуқини бериш, энг самарали рабатлантириш бу ишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ёки иш натижаларини нормадан кескин фарқланишига қараб, масалан: зарарли меҳнат шароити, нормалаштирилмаган иш куни, бир корхонада узок муддат хизмат қилиш қушимча таътил ишчиларнинг иш жараёнидаги ортиқча руший ва жисмоний толиқишини енгиллатиш учун берилади. У корхонада кадрлар кўнимсизлигини камайишига ва айрим иш турлари бўйича ишчиларни мослашувига олиб келади.

Иккинчидан, иш вақтини қайта тақсимланиши. Бу нарса иш тартибини: ишнинг бошланиш вақти, унинг тугаши ва иш куни узунлигини ходимнинг узи томонидан аниқлаш имконини беради. Бу ерда белгиланган меҳнат нормасини бажариш ва ишлаб чиқариш жараёнини нормал боришини таъминлаш керак. Щозирда куп жойларда корхона ва ходим манфаатларини максимал даражада мужассамлаштирилган ўзгариб турувчи графиклардан фойдаланилмоқда. эркин режимда ишлаш шуқуқи фақат ил'ор, тушунган, ташкилотчи ва интизомли ишчиларга берилади.

Ўзгариб турувчи иш графиклари /арбий Европа мамлакатларида кенг ва самарали кулланилмоқда. Франциянинг 75 %, Нидерландиянинг 62%,

Германиянинг 68%, Швециянинг 66% фирмаларида ушбу графикларидан фойдаланилади.

Учинчидан, юқори меънат унумдорлигига эришиш шисобига иш вақти давомийлигини қисқариши. Натижада ишлаб чиқаришга боʻлиқ бўлмаган харажатлар камаяди, иш вақтини қисқартириш имконияти вужудга келади. Бу нарса ходимларни маъсулот сифатини яхшилаш ва иш вақтини йуқотишини камайитиришга қизиқишини ортиради.

Иш вақтини тежаганлиги учун раʼбатлантиришни ишчиларга қулай бўлган вақтда қушимча таътил бериш шисобига амалга ошириш мақсадга мавофикдир. Бу ерда ишчиларга буш вақт бериш буйича қарор қабул қилишда корхона раъбарининг иштирок этиши жуда зарур шисобланади.

Социологик кузатишлар шуни курсатадики, иш вақтини йуқотиш иш кунининг тўртдан бир қисмига тўри келар экан. Қуп экспертлар ходимга бўш туриб қолганлиги учун шак тўлашдан кура уларни муддатдан олдин ишдан кетишини афзал деб шисоблайдилар.

Ишбилармон дунёсига буш вақт меънатни раʼбатлантиришнинг энг самарали омили шисобланади. Тадбиркорлар уни доимо қуллавермайдилар. Бу улар учун қушимча ташкилий ташвиш, ишлаб чиқариш ритмини бузиш ва буюртмани ўз вақтида бажаришда маълум таваккалчиликка йул қуйишга олиб келади. Қупчиликка бу усулдан фойдаланиш умуман эриш туюлади.

Корхонада самарали оояларни, уларнинг келтирадиган фойдасига қараб мукофотлаш, моддий раʼбатлантиришни маънавий раʼбатлантириш билан узвий равишда амалга ошириш керак.

Моддий раʼбатлантиришга янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этиш шисобига олинган фойданинг бир қисмини жалб этмоқ зарур.

Корхоналарда фойда эвазига янги турдаги махсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этишни раʼбатлантирувчи махсус фонд шам ташкил этилиши мумкин. Бу корхонада ижодий мушитнинг юзага келишига олиб келади.

Ўзбекистонда хусусий ва кичик бизнесни рағбатлантириш тугрисида Конунда курсатилганки, кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш фонди оркали инвестициялашни амалга ошириш асосан кредит шаклида ва имтиёзли кредитлар қуринишида амалга ошириб бориш, кичик ва хусусий тадбиркорларга техникавий ёрдам бериш, турли сохалар буйича маслахатлар уюштириш, ахборот хизматини курсатиш, кичик ва хусусий тадбиркорларни инфраструктурасини ривожлантириш, тадбиркорларга бериладиган қарзларни қафолотларини белгилаб бериш қаб қуринишларда булади.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни кишлок жойларида фаолият олиб боришни ташкил этиш ҳам инвестиция билан боглиқ булиб, кишлокларда барпо этилаётган кичик ва хусусий тадбиркорлик қорхоналарини инвестиция билан таъминлаш молиявий ташкилотлар, давлат ва хориж қомпаниялари томонидан амалга оширилиши натижасида тадбиркорларнинг кичик ва хусусий шакли ривожланиши қафолотлангандир. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда мухим урин тутган инвестиция турли

ташкilotлар томонидан янги техника воситалари, замонавий машиналар, энг янги ишлаб чиқариш технологияси шаклида ҳам курсатилиши мақсадга мувофиқдир. Инвестициялашнинг бу тури замонавий бўлиб, кичик ва хусусий тадбиркорларга техника парки барпо этиш, лизинг хизмати курсатадиган ташкilotларини фаолиятини йулга қуйиш, бизнес-инкубаторлар, ишлаб чиқариш технологик марказлари, ихтисослашган ярмаркалар ва кутара савдо қиладиган бозорларни барпо этиш орқали кичик ва хусусий тадбиркорликни фаолиятини инвестициялаш мумкин.

Бозор иктисодиёти кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши туфайли халқ хужалиги микёсида ривожланиб боради. Иктисодий усиш аввало аҳолини мулк эгасига айланиши натижасида жамиятни ички структураси узғариб, аҳоли орасида мулк эгалари булган тадбиркорлар сафи усиб боради. Пировард натижа аҳоли жон бошига қимматли қозғаларга эга бўлиши ва бундан қиладиган маблаглар билан ҳам мулкларни шаклланишига олиб қилади.

### Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Тадбиркорликда меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш йуллари.
2. Бошқарув қарорлари нима?
3. Бошқарув қарорларини қабул қилишда қандай масалаларга қупрок эътибор бериш қерак?
4. Бошқарув қарорларни қабул қилиш усуллари қандай?
5. Моддий рағбатлантириш деганда нимани тушунаси?
6. Моддий рағбатлантириш турлари ва мезонларини курсатиб беринг.
7. Маънавий рағбатлантириш турлари қандай?
8. Жамоада ижодий муҳит деганда нимани тушунаси?
9. Ишга қабул қилишда қандай тартиб ва қоидаларга риоя қилиш қерак?
10. Меҳнатни ташкил этиш учун нималарга эътибор берилади?

### 17-Мавзу; Тадбиркорлик фаолиятида менежмент.

#### Р е ж а :

- 17.1. Тадбиркорлик ва бизнесда менежмент тушунчаси.
- 17.2. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятида менежментнинг аҳамияти.
- 17.3. Менежментнинг асосий вазифалари.
- 17.4. Тадбиркор учун ишлаб чиқаришда менежментдан фойдаланишнинг аҳамияти.
- 17.5. Бозор иктисодиёти шароитида менежментнинг ривожланиши.

Адабиётлар: 8, 9, 12, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 37.

### Таянч иборалар:

Инновация менежменти, менежмент, бозор иктисодиёти, бизнес, тадбиркорлик, даромат, фойда, бозор, бозор қонъюктураси, бозор

инфратузилмаси, режалаштириш, тезкор режалаштириш, жорий режалаштириш, истикболли режалаштириш.

### 17.1. Тадбиркорлик ва бизнесда менежмент тушунчаси.

Республикамыз бозор иктисодиёти шароитига утиши хамда такомиллаштириб ва ривожлантириб бориш биз учун истикболдир. Бунда биз уз тарихий бой имкониятимиз асосида ва уз конун-қоидаларимизга суянган ҳолда бозор иктисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучи булган тадбиркор, ишбилармон ва бизнесмен кишиларни миллий руҳда тарбиялаб боришимиз зарурдир. Тадбиркорларнинг иктисодиётидаги барча тармоқлар ва умуман ҳаётдаги фаолиятига бизнес дейилади. Шу сабабли, одатда тадбиркорликларни ҳақли равишда бизнесменлар деб ҳам юритилади.

Бизнес сузи инглизча суздан келиб чиккан булиб, иш маъносини билдиради. Лекин ҳозирги вақтда бу суз жуда кенг маъноларда таржима килиниб ишбилармонлик, тадбиркорлик деб ҳам тушинса булади. Бизнес сузини иш деб таржима қилганда факат оддий иш эмас, балки жамият учун зарур ва аҳамиятли деб тушинилади.

Бизнесни яна – даромад келтириладиган ёки бошқа наф берадиган ҳужалик фаолияти билан касбкор, машғулот, соҳибкорлик – тижорат ишлари билан шугулланиш пул топиш мақсадида бирор иш билан банд булиши демақдир. Бизнес товар ишлаб чиқариш ва уни сотиш, хизмат курсатиш, транспорт ва бошқа соҳалардаги фаолиятларнинг мажмуасидир.

Бозор иктисодиёти бизнесга асосланган иктисодиётдир. Бизнесменлар уз манфаатини кузлайдилар, фойда олишга интиладилар ва бу йулда ҳар турли омиллар, манбаалардан фойдалана оладилар. Улар ҳатарли ишга кул уришга тайёр, ташаббускор, ишнинг сиру – асрорини биладиган, узаро иктисодий алоқалар маданиятини эгаллаган буладилар. Уларнинг алоқалари ҳамма иштирокчилар ва жамият учун наф келтиради. Бизнес бу – маҳсулот ишлаб чиқаришни ёки аҳолига маиший хизмат курсатишни ташкил этиш ва бошқариш деган тулик маънони билдиради.

Бизнес ҳужалик юритиш қуламига қараб йирик, урта ва кичик бизнес турларига булинади.

Йирик бизнесга асосан ишлаб чиқаришда – 500 дан ортиқ киши банд булган, урта бизнесда 20 – 500 киши банд булган, кичик бизнесга 10 – 20 ва ундан кам кишилар ишлайдиган корхона (фирмалар) лар мисол булади.

Йирик ва урта бизнесга асосан йирик ишлаб чиқариш, қуп сонли товарлар ишлаб чиқарадиган, механизациялашган автоматлаштирилган соҳалар қиради. Кичик бизнес ҳужалиги, аҳолига хизмат курсатиш соҳаларида кенг тарқалган.

Кичик бизнеснинг энг яхши томони шароитга тезда мослашувчанлигидир ва унинг фаолиятига кам маблағ талаб этади. Кичик бизнес самарали булганидан у тезда тарқалади ва айниқса, йирик бизнес учун қулай булмаган соҳаларида ривожланади.

## 17.2. Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятида менежментнинг ахамияти.

Тадбиркорлик ва бизнес фаолиятида менежментнинг ахамияти жуда катта. Чунки, ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти ҳам бошқариш жараёни билан боғлиқдир. Агар ишлаб чиқаришдаги ютукка эришиш учун иш жараёнини ташкил этилиши, ҳом ашё ресурслари билан таъминланганлик, ишлаб чиқариш дастгоҳларининг етарлилиги ютукнинг ярмини ташкил қилса, бошқаришнинг узи унинг ярмига тенг бўлади.

Кичик бизнес хужалигини ташкил қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак:

1. Руйхатдан ўтказиш, бу туман, шаҳар ҳокимияти томонидан амалга оширилади.

2. Ҳуқуқий (юримдик) адресини аниқлаш, бўнинг учун қайси қорхона қошида қаерга очилаётган бўлинса, уша ернинг раҳбарини имзоси билан ташкил этилаётган кичик бизнес(қорхонаси) хужалигининг бўлажак адресини қурсатиб, ёзма рухсатнома берилади.

3. банкда ҳисоб рақамини очиш давлат руйхатида ўтганлигини ифодаловчи, ҳокимият маълумотномасига асосан 1 ой ичида банқдан ҳисоб рақамини очиқ касса операцияларини бажариш мумкин.

4. Мухр ва штамп тайёрлаш.

Тадбирқорлик бозор иқтисодиётига ҳос бўлган махсус иқтисодий фаолият бўлиб, бизнес номини олган. Бизнес билан шугулланувчи қишиларни бизнесмен дейилади. Қенг маънода биронта иш билан шугилланиб, пул топишдан иборат фаолият бизнес деб аталади.

Тадбирқорлик бизнеснинг асосий ўнсуридир. Аммо бизнесда тадбирқорликка алоқаси йук ишлар ҳам бор, масалан, ўз мулкини ижарага бериш, пулини банкка қуйиш ёки яширин йул билан судхурлик қилиш бу ишлар пул топиш йули, лекин тадбирқорлик эмас.

Тадбирқорлик деганда, моддий ва пул маблагларини фойда топиш йулида сарфлаб, бозорга керакли товарлар ва хизматларни етказиб бериб, қишиларга наф қелтирувчи, уларнинг ҳолатини қиқарувчи иқтисодий фаолият тушинилади.

Тадбирқорлик – бу ўз мулкини ишлатиб ёки ўзга мулқидан фойдаланиб, товарлар яратиш ёки хизматлар қурсатиш ўндан қутилган мақсад эса пул топиш. Бу ишни аҳолини махсус тоифаси – тадбирқорлар олиб борадилар. Тадбирқорлик махсус тайёрғарлик ва истеъдод талаб этади. тадбирқорлар синфи бор, улар фойдани қузлаб ишлайди, ўзига тук ва фаровон яшовчи гуруҳни ташкил этади.

Тадбирқор, бу қонуний йул билан фаолият қурсатиб элга наф қелтириш ва ўзи даромадни қузлаб иш олиб бориш демақдир, у ўз ичига махсулот ишлаб қиқариш, хизмат қурсатиш ва тижоратда воситачилик қилиш қаби фаолиятларни олади. Бир суз билан айтганда, тадбирқорлик – моддий ва пул маблагларини амалда хужалик оборотига тушириб, даромад топиш



мулжалланган иктисодий фаолиятдир. Тадбиркорлик, факат пул топиш эмас, балки яратувчанлик фаолияти оркали даромад топишдир.

Тадабиркорнинг асосий максади фойда олишдир. Фойда олиш истаги корхона эгасини таваккалчиликка ундайди. Купрок фойда олиш максадида у купрок чиким килади. Лекин ёнидаги бошка фирманинг махсулоти уникидан арзон ва сифатли булса, у зарар куриши табиий. Умуман, бизнесда тадабиркор баъзан ютади, баъзан эса ютказади.

Тадабиркорлик бу мавхум нарсa эмас, балки аник максадни кузлаб олиб бориладиган фаолиятдир. Тадабиркорлик фаолияти билан шугилланувчи шахслар тадабиркор ёки ишбилармон деб юритилади. Тадабиркорлик конуний фаолият курсатганда унинг молиявий ишларига хеч кимнинг аралашишига хакки йук. Тадабиркор бюджет билан хам эркин алокада булади, яъни керакли микдордан фоизлар хисобидан солик тулайди.

Тадабиркорлик билан миллионлаб кишилар шугулланганлиги учун уларни бир марказдан бошкариб булмайди. Шуниси мухимки, тадабиркорликни иктисодий механизмлар тартибга солади. Унинг мухим хусусияти уз – узини бошкариш. Яъни автономизмдир. Тадабиркорликнинг миллий шакллари хам хар хил солмокка эга булади. Саноатда йирик бизнес давлат тадабиркорлиги кенг ривожланади.

Майда шахарларда кичик бизнес, кишлокларда фермер хужаликлари, махаллаларда якка тартибда фаолият курсатувчи тадабиркорларга шароит булади.

Тадабиркорлик уз-уздан давлат иштирокисиз, унинг ёрдамисиз ривожланмайди.

### 17.3. Менежментнинг асосий вазифалари.

Менежмент – (инг., бошкариш. Мудирлик, ташкил этиш) замонавий ишлаб чикаришни бошкариш (режалаш, тартибга солиш, назорат килиш), шунингдек ишлаб чикаришга рахбарлик килиш уни ташкил этиш. Мулжалланган максадларга (ишлаб чикариш самарадорлигини ошириш, фойдани ошириш) эришиш учун ишлаб чикаришни бошкариш усуллари, шакллари, структураси, усулларини янги принципларини доимий жорий этиш асосида уюштириш ва бошкаришни яхшилаш билан боглик.

Менежеризм-иктисодиётга профессионал бошкарувчилар рахбарлиги хакида назарияси.

Бозор иктисодиётида корхоналарни фаолияти бозор конъюктураси таъсирида узгариб туради. Конъюктура кай даражада узгарса корхоналар фаолиятини хам шу даражада тез янги шароитга мослашишга тугри келади. Шунинг учун хам бозор шароитида бошкаришга режали иктисодиёт давридагига караганда узгачарок талаблар куйилади.

Бозор иктисодиёти мамлакатларда компания, фирма, корхона, банк, молия муассасаларининг ижроия хокимиятига эга булган бошкарувчи, директор, рахбар ходимлари; облигация заёмлари чикариш (эмессия) ва уни капитал бозорида утказиш билан шугулланувчи банк синдикатлари рахбар



гурухлари иштирокчилари ҳам менежерлардир. Улар маърифатли жамиятлардаги махсус ижтимоий катламни ташкил қилади.

Бозор иктисодиёти шароитларида менежерлар хизмати ишлаб чиқаришда ва товарлар муомаласини уюштиришда зарур омил бўлиб қолади.

#### 17.4. Тадбиркор учун ишлаб чиқаришда менежментдан фойдаланишнинг ахамияти.

Бизнесда бошқариш менежмент дейилади. Бошқариш-бу кузланган мақсадга етишиш кабиллати ва маҳорати демакдир. Бу таъриф содда курингани билан унда бошқарув фаолиятининг мазмун ва шакллари яширинган. Муваффакият қозониш учун энг аввало нима қилиш кераклигини билиш ва уз билимини амалда куллай олиш лозим. Бошқаришнинг усуллари ва урганилиши лозим булган қонун ва қоидалари мавжуд. Унинг учун қобиллат ва маҳорат зарурдир.

Бошқаришда бор қуч билан интилиш эмас, айнан эришиш, етишиш зарур. Мақсадда кузланган натижага эришилмагунча бошқаришни урганиб олинган ҳисобланмайди. Бошқаришнинг мақсади аниқ ва тугри қуйилган бўлиши керак, ақс ҳолда у уз маъносини юқотади.

Одатда, қичкина фирма эгаси ҳамма қарорларни уз қабул қилиб, иш қараёнларини уз назорат қилади. Йирик фирмаларда эса бу ишларни махсус тажрибага эга булган мутахассислар бақарадилар. Бу мутахассислар менежерлар дейилади. Унча қатта булмаган фирмаларда фақат битта менежер шугулланиши мумкин. Қатта бизнес билан шугулланадиган қомпанияларда қупгина менежерлар булади: бири махсулот ишлаб чиқаришга қавоб беради, иқкинчиси сотишни ташкил этади, учинчиси махсулотни реклама қилиш билан шугулланади, яна бири қадрлар тайёрлайди ва ҳоқазо. Бизнесда муваффақиятга эришишга қифатли товар ишлаб чиқариш, маблагни тежамли сарфлаш, ишчилар малақасини ошириш, реклама, савдони ташкил этиш муҳим урин тутати, уларни таъминлаш эса менежерлар зиммасига юкланади. Фирманинг менежери ёмон ишласа, фирма барча маблаг ва одамларидан ажралиб қолади, ҳонавайрон булади, яъни банкротга учрайди. Яхши менежер ишни бақаришини таъминлайди.

У қайси фаолият билан шугулланмасин-қох ишлаб чиқариш булсин, қох реклама ёқи молия ишлари булсин, ҳаммасида қуйидаги қараёнларни бақариш керак: аниқ мақсадни кузлайди, қаракат режасини тузати, ишини ташкил этади ва назорат қилади, ишни натижаларига одамларни қизиктиради ва натижаларни таҳлил қилади.

#### 17.5 . Бозор иктисодиёти шароитида менежментнинг ривожланиши.

Дастлаб менежмент Америкада пайдо булган бўлиб, хозирги кунгача Американинг менежмент мактаблари негизидан фойдаланилади. Айниқса, бозор иктисодиёти шароитига келиб менежмент кундан – кунга ривожланиб бормокда.

Тадбиркорликдаги барча фаолият албатта бошқарилади. Шундан келиб чиққан ҳолда бошқариш олдида энг катта вазифалар юкланади. Корхоналар ва умуман ишлаб чиқарувчи ёки хизмат курсатувчи жамоаларда менежмент катта роль уйнайди.

Жумладан, бизнесни бошқариш аниқ бир мақсадни кузлаб амалга оширилади. Шунинг учун мақсад бошқарувнинг асосини ташкил этади. Бошқарув мақсадини амалга ошириш учун муайян бир режага эга бўлиш керак.

Демак, бошқаришнинг муҳим элементи режалаштиришдан иборатдир. Лекин ҳар қандай мақсадга эришиш учун яхши режанинг узи қифоя қилмайди, тузилган режани асослаш, унинг тугрилигини исботлаш керак. Бунда олдиндан айтиб бериш муҳим урин тутати.

Олдиндан айтиб берилган, асосланган режага қура мақсад сари интилиб ишни ташкил этиш керак, шу билан бирга иш қай ҳолда боришини назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бошқаришнинг курсатиб утилган жараёнларини амалга ошириш учун турлича алоқа йулларидан фойдаланиш зарур бўлади.

Маълум бўлдики, бизнес ва тадбиркорликда менежер фаолияти жуда кенг ва хилма-хилдир. Менежер ишида мақсадни танлай билиш, уларни ўз ўрнига қуйиш ва амалга оширишни ташкил этиш катта аҳамиятга эга.

### Мавзу бўйича назорат саволлари

1. Тадбиркорлик фаолиятида менежментнинг вазифаси нималардан иборат?
2. Тадбиркорлик фаолиятида менежментнинг мақсади нимада?
3. Тадбиркорлик учун ишлаб чиқаришда менежментдан фойдаланишнинг аҳамияти нимада?
4. Бозор иктисодиёти шароитида менежментнинг ривожланиши босқичлари?
5. Менежмент турларини айтинг.
6. Инновацион менежмент нима?
7. Бошқарув мақсадини амалга ошириш учун нималарга эътибор бериш лозим?
8. Фирма фаолиятини юритишда менежерга боғлиқ жиҳатлар қайсилар?
9. Бизнесда муваффақиятга эришиш учун нималарга эътибор бериш керак?
10. Нима учун тадбиркорликни марказдан туриб бошқариб бўлмайди?

## 18-мавзу: Тадбиркорлик фаолиятини кадрлар билан таъминлаш.

### Р е ж а :

- 18.1. Кадрлар сиёсати ва кадрлар булимнинг вазифалари.
- 18.2. Ишловчиларни ёллаш ва танлашни режалаштириш.
- 18.3. Ишчи-хизматчиларни уқитиш. Уқитишнинг қоида усуллари.
- 18.4. Уқитиш дастурларининг таҳлили.
- 18.5. Бошқарув кадрларни ишбилармонлигини баҳолаш.
- 18.6. Ишчиларни иш жойларига жойлаштириш.
- 18.7. Вафоларни мансабга кура тақсимланиши.
- 18.8. Кадрлар кунимсизлиги билан боғлиқ харажатларни камайитириш.
- 18.9. Кадрлар ишини такомиллаштириш.

Адабиётлар: 2, 7, 8, 9, 10, 12, 13, 16, 32, 34, 36, 37, 39.

### Таянч иборалар:

Кадрлар кунимсизлиги, менежмент, меҳнат гигиенаси, кадрлар стратегияси, меҳнат ресурслари, аттестация, меҳнат шартномаси, шахсий фаолиятни мажмуали баҳолаш, локал баҳоланиш, узайтирилган баҳолаш, экспрессив баҳолаш, ички аттестация, ташки аттестация.

**18.1. Кадрлар сиёсати ва кадрлар булимнинг вазифалари.** Кадрлар ҳ.хужалигининг турли соҳаларидаги мутахассислар шунингдек, юқори малакали ишчилар – урта махсус уқув юртли, коллежларнинг битирувчилардир.

Бошқарув кадрлари бу малакавий фаолияти тула ёки асосан корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган тижорат, молиявий ёки ишлаб чиқариш бошқаруви билан шугулланувчи ходимларга айтилади.

Бозор иқтисодиётига утиш жараёнида янги услубда ишловчи раҳбарлар ва мутахассислар керак бўлади. Бу тадбиркорлик тузилмалари шаклланиши билан, турли хил мулк шакллари, корхоналари ташкил бўлиши билан боғлиқ.

Кичик бизнесда кадрлар сиёсати тадбиркорликнинг узи жавоб беради. Кадрлар сиёсати стратегия ва тактикани уз ичига олади.

**Кадрлар стратегияси.** Бу кадр билан ишлаш усуллариининг асосий максadini аниқлайди.

Ишлаб чиқариш учун техник, маркетинг, ижтимоий иқтисодий масалаларни таҳлил қилиш керак. Бу таҳлил асосида фирма кадрлар концепцияси шаклланади, ташкилот фаолиятини самарали бошқариш учун қандай кадр керак бўлиши аниқланади. Бундай концепция қуйидаги талабларга жавоб бериши керак.

1. тармок ривожланишининг стратегик йуналишини ҳисобга олиш.
2. Ҳаққонийлик.
3. Иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг узгарувчан муҳитига мувожаз олиш.

4. Корхонани юкори малакали кадрлар билан таъминлашга йуналтирилганлик.

Ишлаб чикилган кадрлар сиёсати концепцияси корхонанинг ҳамма ишчиларига етказиши керак.

Кадрлар сиёсати тактикаси, деганда кадрларбилан жорий ишлаш усуллари тушунилади. У конкрет шароитларда кадрлар сиёсати принципларини амалга ошириш кетма кетлигини назарда тутди. Унинг энг ахамиятлилари кадрларни тугри танлаш, урнига куйиш, уйтиш тарбиялаш, ишлатиш ва кайта тайёрлашдир.

Кадрлар ишининг асосий максоди куйидагилар:

1. Кадрларга талабни режалаштириш.
2. Кадрларни танлаш ва баҳо бериш услубини ишлаб чиқиш.
3. Ёш кадрларни тарбиялашни режалаштириш.

4. Бошқарув услубини такомиллаштириш. Корхонада кадрлар ишининг асосий кисмини кадрлар булими амалга оширади.

Кадрлар булими ходимлари бажарадиган ишлари буйича йуриқнома мавжуд булади. Улар куйидагилардан иборат:

1. Корхона мутахассисларни тугри ва самарали жойлаштириш максодида уларнинг иш билиши ва бошқа сифатлари руйхатининг тахлили.

2. Кадрларни жойлаштириш, ишдан ишга утказиш ёки бушатишни расмийлаштириш.

3. Мехнат дафтарчасини тулдириш ва саклаш.

4. Кадр иши буйича ҳисобот тайёрлаш.

Кичик тадбиркорлик ташкилотларда кадр булишини ташкил қилиш шарт эмас, унинг вазифасини қобилиятли ходим бажариши мумкин.

## 18.2. Ишловчиларни ёллаш ва танлашни режалаштириш.

Мехнат ресурсларини режалаштириш бу корхонанинг фаолияти тизимини режалаштиришнинг асосий кисмидир. Кадрларни режалаштириш куйидаги уч босқичдан иборат:

1. Мавжуд мехнат ресурсларини баҳолаш.
2. Кадрларга булган талабни баҳолаш.
3. Мехнат ресурсларини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадбиркорлик тузилмаларида кадрларни режалаштиришни ишчиларни кучли ва нозик томонларини тахлил қилишдан бошлаш керак.

Мехнат ресурсларини ривожлантиришнинг иккинчи босқичи-кадрларни баҳолаш, яъни корхона муаммоларини ечишга керак булган ишчиларни баҳолаш.

Дастлаб, штат жадвали буйича зарур кадрлар аниқланади. Ундан сунг мавжуд кадрлардаги узғаришлар киритилади ва чиқариб ташланади, натижада кадрларга зарурат топилади. Яъни керакли мутахассислар ва раҳбарлар сони аниқланади, агар бу катталиқ ижобий булса, унда янги кадрларни ёллаш керак, салбий булса, корхона раҳбарлари мавжуд кадрлардан самарали фойдаланиш йулларини топиши керак. Ходимларнинг брутто ва нетто зарурияти куйидаги ифода буйича топилади.

БПК – ML • TL / TPB • 60 • KHB.

Бу ерда: БПК – кадрларнинг брутто эҳтиёжи

ML – Режалаштириш даврдаги ишчи жараёнлар сони.

TL – Хар бир иш жараёни учун уртача вақт (минутда)

TPB – Режалаштирилган даврда таъриф иш вақти (соатда)

KHB – Танаффус, касаллик, дам олиш учун кетган вақтларни ҳисобга олиш учун киритилган вақт етишмовчилиги коэффиценти.

Масалан: вақт етишмовчилиги 33,3% бўлганда KHB = 1,5 бўлади.

Кадрларнинг нетто эҳтиёжини қуйидагича аниқлаш мумкин. Кадрларнинг брутто эҳтиёжини (БПК) минус кадрлар персонали плус режавий даврнинг бошида олинган кадрлар минус режавий давр бошигача бўшаган кадрлар, баробар кадрларнинг нетто эҳтиёжи.

Кадрларни режалаштиришнинг учинчи босқичида – меҳнат ресурсларини ривожлантириш бўйича аниқ режа ишлаб чиқилади.

Ишчининг самарали иш бажариши учун қуйиладиган талабларни аниқлаш. Бу маъламотлар гуруҳига қуйидагилар қиради.

Билим даражаси, жисмоний жихатлари, тажрибага эгаллиги, тиришқоклиги, кизикиши ва бошқалар.

### 18.3. Ишчи-хизматчиларни уқитиш. Уқитишнинг қоида усуллари.

Уқитиш ва кадрларни тайёрлашда иқтисоди ривожланган давлатларда қатта аҳамият берилади. Бу омил иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш омилidir. Ривожланган давлатларда инсоний ресурслар 80% гача товар ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Қўпгина ривожланган мамлакатларда 3босқичли ўқув тизими йўлга қўйилган.

1. Олий ўқув юрларида ўқиш.
2. Малака ошириш институтлари.
3. Ўз билимини мустақил равишда ошириш.

Хар бир тадбиркорлик ташкилотида кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирлари ривожланиш режасига киритилади.

Бу қуйидаги шароитларга бўғлиқ:

1. Ётарли квалификацияли иш қучи етишмаслиги.
2. Рақобат қўрашида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш.
3. янги билимларни эгаллаш.
4. Янги ишлаб чиқариш жараёнларининг пайдо бўлиши.
5. Ишчилар потенциалини ривожлантириш.

Ишчиларни уқитиш турли хил шаклларда амалга ошади. Булар эса қуйидагилардан иборат.

1. Янги ходимлар учун бошланғич ўқиш.
2. Ишлаб чиқариш ўқиши.

3. Бошқарув укиши.
4. Ротация йули билан укиш.
5. Мустакил дастур буйича укиш.

Ходимлар малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳам фирма ичида ва ташқарисида бўлиши мумкин.

Уларни тайёрлаш услуги қуйидагича амалга оширилади:

1. Бошқарув масалалари бўйича махсус семинарлар ўтказиш.
2. Янги мутахассисларнинг ишини қузатиш йули билан ўқитиш.
3. Кадрлар ротацияси – мутахассис ёки менежер тарбиялаш ва шакллантиришда кенг тарқалган услубдир.

Кадрлар ишида асосий масалалардан бири, кадрлар резервини тайёрлаш ва ўқитиш ташкил этишдир. Кадрлар резервига келажакда қатта лавозимларни эгалловчи шахслар қиради.

#### 18.4. Ўқитиш дастурларининг таҳлили.

Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи кишиларни ўқитиш ва малакасини ошириш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилади. Чет элларда уларни ташкил қилишда махсус ургатувчи ташкилотлар иштирок этади. Ҳозирги кунда чет эл ва мамлакатимиз олим ва мутахассислари ёрдамида ишлаб чиқарилган тадбиркорлик бўйича янги ўқув дастурлари кенг қулланилмоқда.

Йўналиш бўйича ўқув дастури қуйидагиларга бўлинади:

1. Бошланғич ўқув дастурлари.
2. Тадбиркорлик ишини комплекс ўқитишни таъминлаб берувчи дастурлар ва унинг алоҳида томонларини ургатувчи дастурлар. (Масалан: маркетинг, банк иши, қимматли қозғалар бозори).
3. Бошқарув фаолиятини урганиш дастурлари ва мутахассисни ўқитувчи дастурлар ўқиш дастурини вақтинчалик олиш бўйича қисқа ва узок муддатга бўлинади.

Қисқа муддатли ўқиш дастурлари махсус семинар ёки қўрсларда фойдаланади. Узок муддатли ўқиш дастурлари бир неча ой ва йилга ишлаб чиқилади.

Ўқитишнинг қўламига қараб қуйидаги дастурлардан фойдаланилади.

1. Доимий тавсифга эга дастурлар. Лекин қўпинча тўғри ёки қисман ўқиш дастури ҳисобланади. Уларга масалан: тадбиркорликни ўқитиш дастурлари қиради.
2. Малакани ошириш дастурлари чет элларда кенг тарқалгандек, бизнинг республикамизда ҳам кенг тарқалмоқда.

#### 18.5. Бошқарув кадрларни ишбилармонлигини баҳолаш.

Кадрлар ишининг муҳим жихати-бошқарув кадрларини фаолиятини баҳолашдир. Бундай баҳолаш: кадрларни самарали танлаш ва жой жойига қўйиш, кадрларни тақдирлаш тизимини такомиллаштириш, буларни



вазифаси буйича юкори погонага кутариш ва нихоят бошқарув ходимларини малакасини ошириш учун зарурдир.

Бошқарув кадрлари учун кандай турдаги баҳолашлар кулланилишини куриб чиқамиз.

1. Шахсий фаолиятини мажмуавий баҳолаш – унинг барча вазифаларини камраб олишдан иборат. Бу муҳим ва мураккаброк баҳолаш туридир. Шахсни мажмуавий баҳолаш ходимни ёки раҳбарни самарали меҳнатини бевосита шарт билан сифатларни кушилишида келиб чиқади. Бу каби сифатлар бир неча булиши мумкин.

А) Умум-ижтимоий: меҳнат килиш иштиёки, ишни жадаллиги, уз ишини яхши режалай олиш қобилияти, ишда интизомлилиги.

Б) Шахсий сифатлари: хотира, фаҳм – фаросатлилиқ, этико меъёрларига амал килиш керак.

В) касб сифатлари: умумий тасаввурли фикр юритиш, ишчанлик, касбга лаёқатлик.

2. Локал баҳоланиш – Баҳолаш кандайдир бир вазифани ёки уни бир қисмини бажариш натижалари асосида амалга оширилади. Масалан: Директор фаолияти бир неча вазифаларни уз ичига олади.

3. Узайтирилган баҳолаш – Баҳо мутахассисни меҳнат фаолияти узок муддатдан урганилишидан иборат. Бу баҳолаш хизматчини утган ва жорий фаолиятини таҳлил килишга асослангандир. Бу баҳолаш усули раҳбар ва мутахассисларни фаолиятини умумий тавсифини бериши мумкин.

4. Экспрессив баҳолаш (тезқорлик маъносини билдиради.) факат жорий фаолиятни акс эттиради. Бу инсонни ҳозирги даврда намоён булаётган сифати ва кандай ишлашини таҳлил қилади.

Кадрларнинг баҳолашнинг алоҳида тури бу – кадрларни аттестациядан утказишдир.

Аттестациянинг асосий мақсади – хизматчининг эгаллаб турган лавозимига лойиклигини аниқлашдан иборатдир. Агар у мазкур лавозимга аниқ деб топилса, унда уни яна юкори лавозимга кутариш имконини қидириш керак бўлади. Шундай қилиб аттестацияни унинг меҳнат фаолиятига берилган объектив баҳо, деб билиш мумкин.

